

418

Ўттиз олтинчи йил чиқиши
Зулқаъда 1442ҳ – июн 2021м



Ал-Вароғ

Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал



**БАШАР АСАДНИНГ ҒАЛАБАСИ САЙЛОВЛАРДАГИ
ҒАЛАБАМИ ЁКИ ҲАР ДОИМГИДЕК ХАЛҚАРО ТИЛ
БИРИКТИРУВМИ?!**

Фаластиннинг Усмонийлар давридаги ҳолати... Омонат ва ғамхўрлик

**Ғарб қулаш арафасида,
Ислom эса қайтмоқда**

Америка Ғарбни таназулга етакламоқда... Бу эса, муслмонлар фойдаланиб қолиши керак бўлган имкониятдир




418

Ўттиз олтинчи
йил чиқиши
Зулқаъда 1442х
Июн 2021м

Ливан 1000 лира
Яман 30 риёл
Туркия 1 доллар
Покистон 1 доллар
Австралия 2,5 доллар
Америка 2,5 доллар
Канада 2,5 доллар
Германия 2,5 евро
Швеция 15 крон
Бельгия 1 евро
Швейцария 2 франк
Австрия 1 евро
Дания 15 крон

Урибу сонда

- **Ал-Ваъй сўзи:** Башар Асаднинг ғалабаси сайловлардаги ғалабамии ёки ҳар доимгидек халқаро тил бириктирув?!..... 3
- Фаластиннинг Усманийлар давридаги ҳолати... Омонат ва ғамхўрлик..... 5
- Ғарб қулаш арафасида, Ислом эса қайтмоқда 17
- Америка Ғарбни таназзулга етакламоқда... бу эса, муслмонлар фойдаланиб қолиши керак бўлган имкониятдир..... 25
- Исломнинг ғариблиги, унинг янгиланиши ва Ҳизб ут-Таҳрир (4)..... 33
- **Олам муслмонлари хабарлари.... 47**
- **Қуръони Карим суҳбатида 52**
- **Жаннат боғлари:** Холислик ибодат рукнларидан бири бўлиб, Аллоҳ усиз ҳеч бир амални қабул қилмайди..... 58
- Росулulloҳ ﷺ ва Абу Бакр Сиддиқ билан бирга бўлган кишиларнинг учинчиси Суҳайб Румий..... 64
- **Сўнги сўз:** Руанда: Макрон геноцид учун Франциянинг жавобгарлигини тан олди..... 69
- Туркия (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириш учун бор кучини сарфламоқда... Аммо Эрдоган нега унга ҳужум қилмоқда? 72



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

БАШАР АСАДНИНГ ҒАЛАБАСИ САЙЛОВЛАРДАГИ ҒАЛАБАМИ ЁКИ ҲАР ДОИМГИДЕК ХАЛҚАРО ТИЛ БИРИКТИРУВ?!

Бир пайтлар Ҳофиз Асад ҳокимиятга тўнтариш орқали келган эди. Сўнг натижаси деярли юз фоизга етган ғалабалар билан ҳокимиятда қолди. Кейин Ҳофизнинг йўлини ўғли Башар давом эттирди. Унга ҳокимиятни ўтказиш жараёни разведка идораси бошчилигида сайловларни сохталаштириш орқали амалга ошди. Бу жараён деярли тўнтаришга ўхшарди. Қўзғолонлардан олдин сайловлар кулгили бўлиб, ҳеч ким унга ишонмас эди. Қўзғолонлардан кейинги сайловларни эса гапирмаса ҳам бўлади. Чунки бу сайловларда алдов, одамларни менсимаслик ҳамда халқаро қонунлар ва инсоний, ахлоқий, диний қийматларга бўлган ҳурматсизлик давом этди. Натижалар юз фоиздан ҳам кўпроқ деб эълон қилинди. Агар Башар қирғин қилган одамлар ва уларнинг оилалари у учун овоз берган бўлганидагина бундай натижаларга эришиш мумкин эди. Президент етакчилигидаги ушбу режим ва унинг разведка идораси кимёвий қуроллар, портловчи бочкалар, оммавий қирғинлар, ҳибсга олишлар каби услуб ва воситаларни қўллаш орқали бир миллиондан ортиқ сурияликни ўлдирди. Ушбу ваҳшийликлар халқаро ташкилотлар томонидан ўз халқига нисбатан қилинган жиноят, деб тан олинди. Цезар исмли фотограф томонидан тақдим этилган фотосуратларни бутун олам кўрди. Америкалик ва халқаро расмийлар Башарга қарши ҳужжатлар фашизм раҳбарларидан ҳам кўра кўпроқ эканини тан олишди. 14 миллиондан ортиқ инсон ўз манзилларидан қувғин қилинган ва бу ишлар ҳозир ҳам давом этмоқда... Наҳотки, шундай жаллод халқи томонидан сайловларнинг ушбу кўрсаткичлари билан тақдирланишга лойиқ бўлса?!

Бу ичкаридаги ҳолат. Хорижда эса, ушбу сайловларни таъминлаганлар, айниқса Россия ва Эрон Башарга жиноятларни амалга оширишида ёрдам бермоқда ва уни қулашидан сақламоқда. Афсуски, Эрон олий раҳнамоси ва Ҳизбуллоҳ бош котиби каби диний лавозимдаги ҳукмдорлар, ўз ишларида Аллоҳдан қўрқишмади. Улар Сурия режими ва Россия бошқинчилари билан биргаликда аҳолини қатл қилиш ва кўчириш орқали ўз жиноятларини амалга оширишмоқда. Аммо Америка ўз малайи

Башарнинг асосий тарафдори ҳисобланади, лекин Америка бу ишни яширин ва иккиюзламачилик билан амалга оширади. Чунки унинг зоҳири ботинига тескаридир. Агар Америка бўлмаганда, Асад қулаган бўлар эди. Америка уни Эрон етакчилигидаги регионал малайлари ва ёлланма тўдалари орқали қўллаб-қувватлади. Улар ҳам кифоя қилмагач, Россия ушбу ифлос миссияни бажаришга киришди. Агар Америка Асадни ўзгартириш масаласида жиддий бўлганида, у бир соат ҳам турмаган бўлар эди... Шундай экан, бу жиноятга Сурия режими ва унинг шериклари айбдорми ёки бутун халқаро ҳамжамиятми?!

Эй мусулмонлар! Албатта, Америка Суриядаги ўйин карталарининг аксариятига эгаман ҳамда ечим фақат менинг қўлимда деб ўйлаяпти. Бироқ Башарнинг қайта сайланишига жим туриши ҳали ҳам альтернатива топа олмаганига далолат қилади. Чунки Суриядаги мусулмонлар уларга қарши ҳар қанча жиноятлар амалга оширилмасин ўз динлари билан кучлидирлар ва уларнинг динлари тирикдир. Аллоҳнинг ёрдами билан Халифалик давлатигина жиноятлар саҳифасини ёпади. У шундай бир давлатки, Сурия ва Россия ташқи ишлар вазирлари ундан огоҳлантиришмоқда. Валид Муаллим шундай баёнот берган эди: «Сурияда Исломий давлат тиклашни хоҳлаётганлар Сурия чегараларида тўхтаб қолмайдилар. Биз амалга ошираётган ишлар Ливан, Иордания ва Ироқни ҳимоя қилиш учун олиб борилмоқда». Сергей Лавров эса шундай баёнот берди: «Агар биз кирмаганимизда, Дамашқ Халифалик пойтахтига айланар эди. Чунки Асад ҳукумати қулашга оз қолган эди». Ушбу икки ёлғончи жиноятчилар нақадар тўғри сўзлашган эди. Аллоҳ хоҳласа, эртанги кун уни кутган киши учун яқиндир. □

ФАЛАСТИННИНГ УСМОНИЙЛАР ДАВРИДАГИ ҲОЛАТИ... ОМОНАТ ВА ҒАМХҲҮРЛИК

Мусо Абдушшакур Халил

Инсоният тарихини ўрганган одам Исломиё Халифаликнинг қарийб ўн уч аср мобайнидаги шонли тарихини қадрламай қўя олмайди. Чунки у энг кучайган даврида ҳам заифлашган даврида ҳам буюк бўлган эди. Масалан, қарийб олти аср давом этган Усмоний давлат тарихига назар солсак, бу давлат жиҳодда пешқадам, ободончилик борасида буюк ва ўз фуқароларига бўлган муомалада шафқатли бўлган эди. Бу даврда одамлар Ислום дошқозонида тобланди, унинг ҳукми остида араб ва ажнабий ўртаси ажратилмади. Ер юзида адолат ўрнатилиб, одамлар унга бўйсунди. Бу давлат ўз даврининг охириги йилларида йўл қўйган камчиликлари туфайли бошқа давлатлар бошига тушган таназзулга учраш қонунини унга ҳам етгунига қадар шундай давом этди. Тарих яна такрорланиши мумкинми? Ҳа, албатта такрорланади, фақат муслмонлар орқали такрорланади. Чунки уларнинг дини Раббонийдир. Охириги замон Пайғамбари: «Пайғамбарлик минҳожини асосида рошид Халифалик бўлади» деб башорат қилганларидек, муслмонларга тарих такрорланиши тўғрисида ваъда қилинган. Лекин, тарих ўзини ўзи такрорламайди, балки уни муслмонлар ўз динларига эргашиш ҳамда ўзларининг ва бутун оламларнинг саййиди бўлган Муҳаммад ﷺнинг йўлига юриш орқали такрорлайдилар.

Тарихда Халифалик давлатини Шом юртларини, айниқса, Байтул Мақдисни фатҳ қилишга ҳаракат қилди. Бу иш Пайғамбарлик давридан бошланди. Зеро унда Ислום қўшинлари мана шу йўналиш бўйича ҳаракат қилдилар. Росулulloҳ ﷺ замонида Шом юртларининг фатҳига муқаддима сифатида Мўъта ва Табуқ ғазотлари бўлди. Абу Бакр даврида фатҳлар давом этди ва Умар ибн Хаттоб Шом юртларини фатҳ қилди. Халифа Умар Росулulloҳ ﷺнинг Тамим Дорий ва унинг оиласига қилган васиятини рўёбга чиқарди. Икристима айтади: Тамим Ислוםга киргач «Эй Аллоҳнинг элчиси Албатта Аллоҳ Таоло сизни бутун ер юзига ғолиб қилади. Шундай экан, менга Байту Лаҳмдан икки қишлоқни ҳадя қилинг», деди. Шунда Росулulloҳ ﷺ: «У сенга», дея Байту Лаҳмини унга хатлаб бердилар. Икристима айтади: Тамим мактубини Умарга олиб боргач, Умар мен бунга гувоҳман деб унга имзо қўйиб берди. Зайд ибн Амр айтади: Мен Пайғамбар ﷺни олдига келиб, Ислумни қабул қилгач, У киши Тамим Дорийга: «Хоҳлаганингни сўра» деган

эдилар. Тамим Байт Айнун ва Иброҳим масжидини сўради. Шунда Росулulloҳ ﷺ Тамимга ўша икки жойни бердилар.

Қуддус ва унинг атрофидаги муборак замин барча мусулмон халифаларнинг устувор вазифаларидан бўлган. Бу замин салибчилар даврида турли босқинчилик ва урушларга дучор бўлди. Салоҳиддин Айюбий (у кишини Аллоҳ раҳмат қилсин) салибчилар билан бўлган Хиттин жангида Қуддусни Исломиё давлат қучоғига қайтарди. 1516 йили, Султон Салим биринчи даврида Фаластин Усмонийлар ҳукмронлиги остига ўтди. Султон Салим ва унинг ўғли Сулаймон қонуний даврдан бошлаб Халифалик қўлатилгунига қадар Қуддусга катта эътибор берилди. Бироқ давлатлар худди шахслар каби аввал шон шўҳратга эришадилар, сўнгра динлари ва ҳаёт тизими ҳақидаги тушунчалари заифлашиб, татбиқи ёмонлашгач, заифлаша бошладилар... Усмоний давлат ҳам бошқа давлатлар каби ўсиш ва қулаш қонунига бўйсунди. Шуни таъкидлаш керакки, Усмоний давлат мабдасининг яроқсизлигидан эмас, балки мусулмонлар уни ёмон татбиқ қилганларидан қулади.

Оғир сиёсий вазиятлар ҳамда Халифалик давлати иштирок этган урушлар натижасида Усмоний давлатнинг ўша даврдаги бошқа вилоятлари каби Фаластин ҳам иқтисодий, сиёсий ва таълим соҳасида анча заифликка юз тутган. Давлат олиб борган кўплаган урушлар туфайли одамларга мажбурий солиқлар юкланган эди. Таълим-тарбия Фаластинда мавжуд бўлган санокли мадрасаларга чекланган бўлиб, таълим даражаси жуда паст эди. Бу эса, ўн тўққизинчи асрнинг охирида Фарб миссионерлик мактаблари фаолиятининг кучайишига олиб келди. Шунингдек, юртда касалликлар ва қашшоқлик авж олди. Бу эса, уларнинг ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, баъзиларини ўз ерларини сотишга мажбур қилди. Бундан ташқари, очкўз давлатлар билан олиб борилган урушлар, ёшларни ўз регионларидан бошқа жойлардаги урушларга жалб қилиниши ва умумий сафарбарлик каби ишлар одамларда волийларга нисбатан норозиликни пайдо қилди. Айниқса, ўша пайтдаги турклаштириш жараёнининг кучайиб кетиши туфайли араблар юқори лавозимли ишларидан айрилди ва ўз ўринларини туркларга беришди. Бу турклар эса оддий турклар эмас эди, балки улар иттифоқ ва тараққиёт жамияти аъзоси эдилар. Ушбу жамият Ёш Туркия жамиятининг қуролли қаноти бўлиб, Усмонийлар даврида яҳудийларнинг Фаластинга кўчиб келишида катта таъсирга эга бўлди.

Европа насроний давлатлари Усмоний давлат пайдо бўлганидан бошлаб унга қарши тинмай тил бириктиришди. Бу ҳолат масиҳийларнинг Қуддус ва Константинополни қайтариб олиш орзусини рўёбга чиқаришга интилишларида яққол кўринди. Улар

Ўзининг экспансионистик сиёсатини амалга ошириш ва яҳудийларнинг ёвузлигидан қутилиш учун уларни ўз лойиҳалари йўлида ишлатиш ва уларнинг пулларида фойдаланишга қаттиқ ҳаракат қилишди. Усмоний давлатнинг охириги кунлари, яъни унинг турли вилоятларида бошбошдоқлик тарқалгач ва Европа давлатларининг кўмаги билан яширин сепаратист жамиятлар пайдо бўлгач Европа давлатларининг тил бириктируви янада кучайди. Миср волийси ва французларнинг малайи Муҳаммад Али Наполеоннинг Қуддусни қайтариб олиш учун Мисрга қилган ҳужумидан кейин фаоллашиб қолди. Ушанда Наполеон яҳудийлардан уларга вужуд тиклаб бериш эвазига Шарқдаги кампаниясини молиялаштиришни талаб қилган эди. Бу кампанияда Ротшельдлар оиласи катта донорлардан бири бўлди. Лекин ҳужум 1799 йили Акка деворлари қаршисида муваффақиятсизликка учради. Бу ҳақда ёзилган манбаларга кўра, Наполеон қалъа девори олдида нутқ сўзлаб, қадимги Қуддус мамлакатини қайта тиклашга чақирди. У ўз нутқида: «Мен (Исроил) меросини кўтарган қўшин бошига илоҳий кўрсатма билан келдим» деди ва яҳудийларни Фаластин ерига келишга чақирди. У сўзида давом этар экан: «Эй исроилликлар туринг, чунки бу энг қулай фурсатдир. Франция ҳозир (Исроил) меросини кўтарган ҳолатда сизга қўлини чўзмокда. Шундай экан, дунё халқлари орасидаги ўрнингизни қайта тиклашга шошилиш», деди. Наполеоннинг ҳужуми муваффақиятсизликка учрагач, уларга Африкадан ватан қилиб беришни таклиф қилди, лекин улар бундан бош тортишди. Наполеоннинг ҳужуми муваффақиятсизликка учраган бўлса-да, бироқ, у Усмонийлар қўшинининг заифлигини фош этди ва бу бутун дунё учун Қуддус устида кураш бошлангани ҳақида сигнал ўрнида бўлди. Мана шу нуқтадан Европа-яҳудийлар ҳамкорлиги бошланди. Бунда Европа яҳудийларни ўз лойиҳаларига хизмат қилдириш учун молиялаштириш, бўйсундириш ҳамда Таврот ва яҳудий башоратлардан фойдаланиш каби ишларни амалга оширди. Шунингдек, яҳудийларга руҳий, сиёсий ва ижтимоий муносабатларга эга ватан тиклаб бериш учун ўз лойиҳаларини муқаддас ерга боғлашга ҳаракат қилишди.

Айни пайтда Россия ва Усмоний давлат ўртасида Қрим уруши (1856-1858) йилда бўлиб ўтди. Натижада адолатсиз битимлар имзоланди, Болқон ва Усмоний давлат шарқидаги катта майдонлар Россия томонидан ишғол қилинди ва турли сепаратистик ҳаракатлар бошланди... Бунинг ортидан Европа давлатлари Усмоний давлат ишларига аралаша бошлади. Бу давлатлар Усмоний давлатга нисбатан қабиҳлик, разиллик ва ёмон ният билдиришди. Шунингдек, уни йўқ қилиш мақсадида бойликларини

талон-торож қилишни исташди. Сўнгра Ёш Туркия жамияти билан ҳамкорликда Исломга зид айрим қонунларни зўрлаб киргизишди, Европа консуллари орқали заҳарли фикрларни ёйишди ва миссионерлик мактаблари давлат фуқаролари ўртасидаги бўлинишни кучайтириш учун ўз талабаларини юборди. Бу эса, майда миллатлар муаммосини пайдо қилди ва давлат турли ички фитналар билан овора бўлиб қолди. Бунинг ортидан баъзи ташқи урушлар бўлиб ўтди. Буларнинг барчасига Усмоний давлатдаги юқори лавозимли кишилар ва муфтийлардан иборат малайлар ёрдам берди.

Усмоний давлатнинг жуда кўп қарзлардан азият чекишига сабаб бўлган ушбу қабиҳ режа оқибатида давлат айрим Европа давлатларига иқтисодий имтиёзлар беришга мажбур бўлди. Шу ерда умуман яҳудийлар ва хусусан дўнма яҳудийлари билан ҳамкорликда ва Европа раҳбарлиги остида яҳудий вужудини тиклаш режаси амалда ижро қилина бошлади. Дўнма яҳудийлари Исломий давлатга қарши қаратилган фитналарга лаббай деб жавоб берган ва унга хиёнат қилган эди (хиёнат яҳудийларнинг табиатидир). Ҳолбуки, улар Европа давлатлари улардан юз ўғиргач ва Испания 1492 йил Андалусияни эгаллаб, у ердан яҳудийларни қувиб юборгач Исломий давлат уларга бошпана берганини билар эди. Улар Европа давлатлари, айниқса, Британия улардан ўз режасига хизмат қилиш учун фойдаланишига рози бўлишди. Натижада яҳудийлар билан Британия тил бириктируви, алдови ва маккорлиги бирлашди. Британия сионизм тушунчасини қабул қилди ва мақсадига эришиш учун барча разил восита ва услублардан иккиланмай фойдаланди. Вақт ўтиши билан Европа давлатлари яҳудийлар билан бирга мутаассиб туроний йўналишдаги турк жамиятларини тузишга муваффақ бўлдилар. Бунда юқори лавозимли мулозимлар ва офицерлар, хусусан хорижда таълим олганларни давлатга қарши фитна уюштиришга ва ҳамкорликда ушбу жамиятларга қўшилишга кўндирди. Ундан мақсад уларни яҳудийларга хизмат қилдириш ва яҳудий вужудини тиклашда улардан фойдаланиш эди. Дўнма яҳудийлари Усмоний давлатни парчалаш мақсадида масонлик жамиятларини тузишди...

Шундай экан, Усмоний давлат ушбу тажовуз, халқаро тил бириктирув ва заифлик даврида Фаластинни сақлаб қолиш ва Фарб лойиҳасини олдини олиш учун нима қилди?

Дарҳақиқат, қутурган сионистик ҳаракат 1840 йилда бошланди ва бу ишга улкан маблағ йиғилди. Бунда яҳудий вужудини тиклаш лойиҳасига хизмат қилиши ва яҳудийларни бирлаштириш учун ўз эътиқодларидаги ваъда қилинган ер, оталар, аجدодлар, Довуд, Сулаймон замини каби атамалардан фойдаланилди. Сионистлар

Сион ери бўлмиш Қуддусга қайтиш тўғрисидаги турли нашидалар ва сақофий мазмундаги қўшиқлар ёзишди. Сионистик ҳаракат ўнг қанот масиҳийларни ўзига жалб қила олди, бу эса, ёвуз сиёсий фаолиятнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди ва ўз-ўзидан яҳудийларнинг Фаластинда ўз лойиҳаларига асос солиш билан боғлиқ позициялари ўртага чиқди. Натижада Европа давлатлари ва сионистик ҳаракат ўртасида «Сукутли шартнома», деб номланган нарсага имзо чекилди. Шунингдек, ўз режаларини яшириш мақсадида «Муҳожирлар учун ботқоқликларни тозалаш», «Бир минтақадаги ҳашарот ва ҳайвонларни овлаш учун оммавий ов сафари» каби ўзига хос терминлардан фойдаланилди.

Наполеон Мисрдан чиқар экан, унинг салиб мамлакатини тиклаш ва ҳарбий ҳужумни молиялаштиришлари эвазига яҳудийларга Фаластинни бериш ҳақидаги режаси фош бўлди. Зеро, Франция ички муаммолардан азият чекаётган ва молиялаштириш борасида кучсиз аҳволда бўлиб, Акка деворлари қаршисида муваффақиятсизликка учраган эди. Шунингдек, Наполеон молиялаштириш эвазига Фаластин ери ўрнига Угандани таклиф қилганда яҳудийлар рози бўлмаган эди. У Мисрдан чиқар экан, Миср армиясидаги Албаниялик зобит Муҳаммад Алини Мисрга волий қилиб тайинлади. Франция уни малай сифатида ёллади ҳамда мустамлакачи кучларга хизмат қилиши, Фаластинни босиб олишга замин яратиши учун унга кўмак кўрсатди. Натижада у Усмоний армия устидан ғалаба қозониб, Шом ва Қуддусни босиб олди. Сўнгра майда миллатлар ва турли тоифаларга Усмоний давлат томонидан тақиқланган эркин ҳаракат қилишларига рухсат берди. Шунингдек, Фаластин ва Қуддусга кирувчилар учун жорий қилинган уй-жой тўловларини бекор қилди. Миссионерларнинг кириши учун эшик очилди ва ажнабийларнинг Фаластинга кириши учун турли қулайликлар яратилди. Шундай қилиб, 1839 йилда Усмонийлар кўрган катта исён ва хиёнат содир бўлди. Британия эса, минтақа бўйича Франция билан бўлган можаронинг бир қисми сифатида Муҳаммад Алининг бу ҳаракатига муаммолар туғдирди. Чунки на дин ва на қадриятни билмаган Британия бу фитна ёлғиз унинг манфаатларини таъминлаши учун фақат унинг қўлида бўлишини хоҳлади.

Яҳудийлар Усмоний давлат ерларига кўз олайтираётган Британия ва Франция каби Ғарб давлатларини Усмоний давлатга босим ўтказишга кўндиришди. Шунингдек, яҳудийларнинг муаммоларини ечиш учун Россия яҳудийларини «Ваъда қилинган ер»га кўчириш борасида Россия билан келишувга эришишди. Фаластинни босиб олишни истаган Франция Наполеон ҳужумида муваффақиятсизликка учрагач, буни ҳис қилган Британиянинг

Фаластинга бўлган қизиқиши янада ортди. Муҳаммад Али пошонинг ўғли Иброҳим пошонинг Шомга бўлган ҳужуми мағлубиятга учрагач, Британиянинг дипломатик фаолияти кучайди. Зеро, Муҳаммад Али пошо Шом юртларини эгаллаб олар экан, Усмонийлар қўшинининг заифлиги кўриниб қолган эди. Шундай қилиб, Британиянинг Қуддусни эгаллаб олишга бўлган истаги янада кучайди. Шунинг учун у Фаластинга кўплаб миссионерлар, роҳиблар ва консулларни юборди. Улар ер ва мол-мулкни сотиб олишди ҳамда ерларни элчиларга ўтказиш бошлашди. Шунингдек, фаластинликларни осонгина назорат қилиш учун «Бўлиб ташла, ҳукмрон бўласан» сиёсатини татбиқ қилдилар.

Британия тинимсиз урушлар натижасида Усмоний давлат бошига тушган иқтисодий вазиятдан ҳамда Франция малайи Муҳаммад Али пошо Миср ва Шомдаги одамлар орасида амалга оширган ғарблаштириш амалиётидан фойдаланди. Зеро, Муҳаммад Али ерга эгалик қилиш қонунларини делегация, майда миллатлар ва ажнабийлар фойдасига ўзгартирган эди. Аксарият давлат ерларини мусодара қилиб, уларни сотиб юборган ва динлар ўртасидаги тенглик сиёсатини қабул қилган эди. Шунингдек, Фаластин шимолидаги юзлаган қишлоқ ва ерларга яҳудийлар эгалик қилишига рухсат берган. Бундан ташқари, Қуддус шаҳрида ўзига тобе шаҳар кенгашини ташкил қилишга ҳам муваффақ бўлган эди. Бу кенгашга қасддан тузилган режага мувофиқ яҳудий ва насронийлар ҳам аъзо қилинди. Бу режадан Бобул Олий (Усмоний давлатнинг ҳукумат қароргоҳи)га қарши курашда Европа давлатлари розилигини олиш кўзланган эди. Бунда Усмонийлар учраган мағлубиятлар, Европа давлатларининг Фаластин ерлари устидаги рақобати, Усмоний давлат ерларининг бўлиниши ва Усмоний давлат мағлуб бўлганидан кейин унга қўйилган шартларнинг кўплигидан фойдаланилди.

Дарҳақиқат, Усмоний давлат Европа, айниқса, Британия Қуддус борасида қилаётган ишларга шубҳа билан қаради ва бу ерда яҳудийларни йиғиш учун ифлос режа тузилганини билди. Шунинг учун Султон Абдулмажид биринчи даврдан (1839-1861) бошлаб яҳудийларнинг Фаластинга йиғилиш ҳаракатларига қарши иш юрита бошлади. Қуддусда бевосита султонга бўйсунадиган мустақил идора ташкил қилди ва ерга эгалик қилиш ва миграция қонунларини назоратга олди. Султон ушбу идорани Қуддуснинг эски деворлари ташқарисидаги бир парча ерни қайтариб олишга буюрди. Бундан мақсад яҳудийларга Қуддус ичкарасидан бир парча ҳам ер сотиб олишларига йўл қўймаслик эди. Олдинроқ у ерни британиялик Мусо Монтефиоре исмли яҳудий табиб қуддусликлар ва зиёратчилар учун шифохона қуриш баҳонасида

сотиб олган эди. Лекин шифохона қурилмади, балки у ерда бугун яҳудийлар квартали ёки Монтефиоре квартали деб аталадиган жой қад кўтарди. Дарҳақиқат, Султон мустамлакачи Ғарб давлатлари ва яҳудийларнинг фаолиятини чеклаш учун кўплаган қонунларни қабул қилди.

Усмоний давлатнинг Фаластинга нисбатан тутган позициясини қуйидагича қисқача ифодалаш мумкин:

1 – Миср волийси Муҳаммад Али пошонинг Шом юртлари устидан ҳукмронлик қилиши борасидаги таклифини, Ваҳҳобийларни жазолаш тўғрисидаги таклифини ва Фаластинни бериш эвазига юнонларга қарши жангда иштирок этиш таклифини рад этиши.

2 – Муҳаммад Али пошонинг Шом юртлари устидан ҳукмронлик қилиш лойиҳасини рад этиш учун Фаластин аҳлини улкан маблағ билан таъминлаши.

3 – Қуддус санжақини (маъмурий бирлигини) бирор вилоятга боғланмаган алоҳида мутасаррифотга айлантириш. Унинг таркибига Яффа, Халил, Ғазо ва Биъриссаб киритилиши.

4 – Қуддус мутасаррифотини 1878 йилда бевосита султонга бириктириб, уни Байрут мутасаррифотидан ажратиш. Чунки Байрут порти яҳудийларнинг Фаластинга яширинча кириб келишида фойдаланилаётган эди.

5 – Султон тақводор ходимларни танлаб, кичик тафсилотларга ҳам аралашиши ҳамда Ақсо масжиди ва Халил шаҳри Иброҳимий масжиди имомини тайин қилиши.

6 – Қуддус вилояти идорасини бевосита алоқа линияларига улаш ва Халифага боғланган тўлиқ маъмурий аппарат тузиши.

7 – Ажнабийлар, айниқса, Британия ва Франциянинг ролига чек қўйиш ва уларнинг фаолиятини назорат қилиш.

8 – Усмоний давлатдаги айрим нуфузли кишиларнинг талабларини, Германия императори Вилгелм иккинчининг босимини ҳамда Британия ва Франция босимини рад этиши.

9 – Ғарб давлатлари амалга оширишни хоҳлаётган кўплаган лойиҳаларни гумонли бўлгани учун кечиктириши.

10 – Истанбулни Қуддус, Мадинаи Мунаввара, Макка ва Яман билан боғлайдиган темир йўл лойиҳасини Британия ёки Франция ширкатларига эмас, балки Германия ширкатларига бериш.

11 – 1882 йили Султон томонидан яҳудийларнинг Фаластинга киришини ман қилиш бўйича қарор чиқарилиши. Бундан фақат Усмоний давлатнинг хориждаги консуллари томонидан бериладиган визага эга зиёратчилар истисно қилиниши.

12 – Усмоний давлат рус фуқароларининг Фаластинга кўчиб келиб яшашини тақиқловчи қарор қабул қилиши.

13 – Иммиграция назоратини кучайтириш учун 1900 йили лойиҳа қабул қилиниши. Бу лойиҳа яҳудийлар ва хорижликларнинг Фаластинга кириш ва чиқиш назоратини бевосита султон саройига боғлади.

14 – Султон Абдулҳамид иккинчи Фаластинда шахсан ўзига бириктирилган қўшин ёллаш ҳақида қарор чиқариши.

15 – Султон Абдулҳамид иккинчи яна Қуддусга боришни осонлаштириш, Кавказ ва Болқон муслмонларининг бир қисмини ташиш ва уларни Фаластинга жойлаштириш учун темир йўл линияси қурилишига асос солди.

16 – Герцлнинг султон билан учрашиши ҳақидаги таклифини рад этиши ҳамда кўп уринишлардан кейин ва Герцлнинг қалбидаги нарсани билиш учун рухсат бериши. Султон Герцл билан учрашгач, лойиҳасини кўрсатишини айтди. Шунда унинг мақсади Фаластинни Усмоний давлатдан ажратиб, уни яҳудийларга бериш эканини билди. Султон унинг таклифини бутунлай рад этди. Султон Абдулҳамид иккинчи (Аллоҳ ўз раҳматига олсин) Герцл (унга Аллоҳнинг лаънати бўлсин)нинг таклифини қандай рад этганини қуйидаги гапларидан билиб оламиз. Султон унга шундай деди: «Герцлга айтиб қўйинглар, бу мавзуга бошқа киришмасин, мен муқаддас ердан бир қарич ҳам чекина олмайман. Чунки у менинг мулким эмас, балки халқимнинг мулкидир. Дарҳақиқат аждодларим шу ерни деб жанг қилишган ва уни ўз қонлари билан суғоришган. Фаластинни ҳеч бир эвазсиз олишлари мумкин. Лекин парчалаб, бўлиб ташлашни энг аввало бизнинг танамиздан бошлашларига тўғри келади. Мен тирик эканман, танамнинг парчаланишига асло йўл қўймайман».

17 – Султонлар Усмоний давлатнинг аҳволи ёмон бўлишига қарамасдан яҳудийларнинг жозибадор молиявий таклифларини рад этишди.

18 – Усмоний давлат яҳудийларнинг 150 миллион олтин лира эвазига Фаластинни бериш таклифини рад этди.

19 – 1887 йили Рауф пошо Фаластинга кираётган ҳар бир яҳудийнинг паспортини олиб, унга қизил рангли вақтинчалик паспорт бериш тўғрисида фармон чиқарди. Фармонда Фаластинга кирган яҳудийни назорат қилиб бориш ва 31 кун ичида 50 лира тўлаб чиқиб кетиши тўғрисида унинг ваъдасини олиш айтилган.

20 – Султон назорат ва кузатувни осонлаштириш учун паспортни яҳудий дини тилида ёзишга буйруқ берди.

21 – Усмоний давлат консулликлар ва делегацияларнинг фаолиятини чеклади ҳамда мол-мулкка эгалик қилиш ва иммиграция кайфиятини белгилаб, назоратни кучайтирди.

22 – Фаластинга яҳудийларнинг кириши ҳақида Султонга кўтарилган ёлғон хабарларни аниқлаш учун порт ходимларини ўзгартирди ва назоратни кучайтирди.

23 – 1890 йили Султон Қуддус вилоятини ўзгартиришдаги роли ва ёлғон фаолиятлари учун барча муҳожирларни Америкага чиқариб юбориш ва уларнинг Усмоний давлат фуқароси бўлиш ҳақидаги илтимосларини қабул қилмаслик ҳақида буйруқ чиқарди.

24 – Султон ерлар яҳудийларга ўтиб кетмаслиги учун ҳар қандай сабабга кўра ер сотишни тақиқлайдиган буйруқ берди.

25 – Султон (Аллоҳ ўз раҳматига олсин) яҳудийларнинг ер баҳосини уч баробарга кўтаришганини эшитгач, ўз пулидан кўп ерларни сотиб олди.

26 – Қуддус волийси султоннинг иқтисодий жиҳатларга эътибор бериш, ерларни обод қилиш, қашшоқликни тугатиш ва қишлоқ хўжалиги лойиҳаларини амалга ошириш буйруғига биноан ҳаракат қилди. Шунингдек тирикчилик манбаи бўлиши учун айниқса ўзи ташриф буюрган Саб регионидagi ерларда ислоҳот ўтказиш ва Қуддусни ривожлантириш ҳамда халқнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш ва яҳудийлар кириб келишини олдини олиш учун ер солиғини камайтириш каби буйруғига биноан ҳаракат қилди.

27 – Давлат ходимлари ер сотиш бўйича хорижликлар, айниқса, яҳудийлар билан ҳамкорлик қилгани учун бир неча марта алмаштирилди. Тоифачилик даъватларини кузатиб, уларга қарши курашди.

28 – Давлат фикрий, сепаратистик ва тоифачилик даъватларини назорат қилиб, уларга қарши курашди.

29 – Усмоний давлат юртни ҳимоя қилишга, халқаро сионистик масонликка қарши курашишга, федералистлар, яҳудийлар ҳамда араб ва турклардан иборат хоинларнинг яширин жамиятларини кузатишга доим тайёр турди.

30 – Ушбу золим куч қаршида Ислом Умматини бирлаштириш.

31 – Европа давлатлари ўзини ўзи вайрон қилиши учун улар ўртасида кенг миқёсли уруш оловини ёқишга ҳаракат қилиш ва Усмоний давлатни урушдан узоқ ҳолда ушлаш. Усмоний давлат шу тарика энгил нафас олади ва кучини тиклайди.

32 – Бу султонлар позициясини умумлаштирган мусулмонлар халифасининг позициясидир. Шунингдек, Усмоний давлатнинг яҳудий вужуди пайдо бўлишига нисбатан тутган позициясидир.

Кузатган одам биладики, ушбу қонунларнинг барчаси яҳудий вужудининг тикланишини олдини олиш учун бўлган эди. Лекин улар Фарб давлатлари билан ҳамкорликда ҳамда фитналар кўзғаш, давлатнинг холис ходимини ўз мансабидан кетказиш учун у ҳақда шубҳалар уйғотиш орқали яҳудий вужудини тиклашди. Улар ҳатто

Абдулҳамид иккинчини Герцл билан учрашишдан бош тортгани ва Фаластиндан воз кечмагани учун мансабидан кетказишга ҳаракат қилишди. Улар Европа давлатларини арманларга ёрдам беришдан тўхтатиш, Усмоний давлатнинг катта қарзини тўлаш, Усмоний давлатга кучли денгиз флоти қуришда ёрдам бериш ва султонга пора сифатида катта маблағ бериш каби таклифларни киритишларига қарамай, Султон Абдулҳамиднинг позициясини ўзгартира олишмади. Кейинчалик, улар султонни четлатишга ва катта тил бириктирув орқали Фаластинни яҳудийларга топширишга эришишди.

Султон Абдулҳамид иккинчи четлатилгач, камолчилар даври келди. Шу нуқтада, яъни Султон Фаластинни ҳимоя қилиш ва яҳудийларнинг бу ерга жойлашишини олдини олиш учун ўз мулки ва тахтини берганидан кейин Ёш Туркия жамиятининг ҳарбий қаноти бўлмиш иттиҳод ва тараққиёт жамияти Усмоний давлатдаги бошқарувни эгаллади. Камолчилар инглизларнинг малайи бўлиб, инглизлар ва яҳудийларга чамбарчас боғланган эди. Улар яна масонлар ва сионистлар таъсири остига тушиб қолган эди. Анвар пошо Усмоний давлатнинг тўртинчи армияси қўмондони ҳамда иттифоқ ва тараққиёт жамияти арконларидан бири бўлмиш Жамол пошого иттифоқ ва тараққиёт жамияти аъзолари масонлар ва сионистлар таъсирига тушиб қолганини тан олган эди.

Уларнинг чақириғи Усмоний давлат ерларидан ҳеч қандай эвазсиз воз кечишни тақозо қилар эди. Шунинг учун яҳудийларнинг Фаластинни сотиб олиш ҳақидаги таклифини қабул қилишди. Усмоний давлат биринчи жаҳон урушига кириши билан Усмонийларга қарши ҳамда Британия фойдасига ишлаши ва усмонийларнинг ҳаракатларини кузатиш учун яҳудий разведка хизмати тузилди. Бу эса, Алленбининг 1917 йилда Фаластинга кириб бориши ва Бальфур шартномаси имзоланишига ёрдам берди. Шунингдек, аслида даволаш ва разведка учун очилган ҳамда салибчилик юришларида асосий қурол сифатида хизмат қилган мактаб, шифохона ва миссионерлик марказлари каби ажнабий муассасалардан фойдаланилди. Шунинг учун камолчилар даври яҳудийларнинг олтин даври бўлган эди. Зеро, уларнинг Фаластиндаги сони ортди ва ерларни кўпроқ эгаллашди. Усмоний давлат биринчи жаҳон урушида мағлубиятга учрагач, Фаластин инглизлар қўлига ўтди, инглизлар эса Фаластинни ҳарбий, тил бириктирув ва хиёнат йўли билан яҳудийларга берди.


Хулоса қилиб шунни айтамикки, Ислом ери, айниқса, Фаластин ўз шаръий вазифасини амалга ошириш учун катта иштиёқ билан яшамоқда, бу уни озод қилиш зарурлигини талаб қилади. Бу эса, рошид Халифалик давлати орқали, бошқача айтганда Ислом

Умматини бирлаштирадиган Исломиё давлат тикланиши орқали амалга ошади. Шунингдек, бу доимий ҳаракатни ҳамда кунни тунга улаб ишлашни талаб қилади. Бундан ташқари, Пайғамбарлик минҳожии асосидаги рошид Халифалик давлатини барпо этиш учун Уммат билан елкама-елка фаолият қилишни талаб қилади. Зеро, бу давлат Ғарб давлатлари ва яҳудийларнинг макр-ҳийлаларига ҳамда ва мусулмонлар ери узра амалга ошираётган ваҳшиёна босқинларига чек қўяди.

Мусулмонлар ҳар қанча вақт ўтмасин, на Фаластин ва на бошқа босиб олинган мусулмон ерларини унутадилар. Фаластин масаласи сиёсий ҳарбий масаладир. Энг аввало у мабдаий масала бўлиб, уни қайтариш учун армияларни ҳаракатга келтириш талаб қилинади... Бу масалани иттифоқлар тузиш, музокаралар ўтказиш ва яҳудий вужуди билан алоқаларни нормаллаштириш орқали ечиб бўлмайди. Балки армияларни ҳаракатга келтириб, Фаластин томон йўллаш зарурдир. Бу эса, олдин бўлганидек рошид Халифалик орқали бўлади. Халифалик ўз йўлини оппоқ саҳифалар билан бошлайди ҳамда биздан бўла туриб, Аллоҳни ва мўминларни қўйиб, яҳудий ва насронийларни дўст тутган аҳмоқ хоинларнинг қилмишларига барҳам беради. Ана ўшанда Қуддус, Истанбул, Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара, Дамашк, Бағдод ва Қуртуба ўз кўркемлигига қайтади. Шунингдек, нусрат тантаналари қайтиб, уқоб байроғи кўтарилади. Бу эса Аллоҳга осондир.

Усмонийлар давридаги Исломиё Халифалик тарихи мана шу. Ҳақиқатдан, у нурафшон тарих бўлган эди. Чунки Халифалик одамларни Аллоҳнинг динига олиб кирган ҳамда уларни ҳимоя қилиб, ғамхўрлик қилган мабдаий давлат эди. Бирлашган Ғарбга қарши ёлғиз ўзи жанг қилди ҳамда Ғарбнинг Исломиё Умматга қарши салибчилик урушларини синдирди. Бир неча аср мобайнида буюк давлат бўлиб қолди ва оламни танҳо ўзи бошқарди. Бу давлат бошқа давлатлар эриша олмаган ҳаётни, яъни руҳий, инсоний, ахлоқий ва моддий жиҳатдан юксак ҳаётни олиб келди. Ўзининг мусулмон ва мусулмон бўлмаган фуқароларини ҳақ ва адолатга асосланган тинч ва хотиржам Исломиё ҳаёт билан таъминлади. Одамларни ушбу динга киришига тарғиб қилди, давлат шунчалик кенгайдикки, оламнинг турли қитъаларини бошқарди.

Бугун Туркияда Эрдоган раҳбарлигида шундай бошқарув олиб борилмоқдаки, бошқа давлатлар уни гўё Усмоний давлатни тикламоқчи деб ўйлашапти. Лекин савол туғилади: Усмоний давлатни қайта тиклаш талаб қилинмоқдами ёки рошид Халифалик давлатими. Усмонийликни қайта тиклашдан мақсад динни қайта тиклашми ёки миллий, ирқий ва ватанпарварлик мероси ва

тарихини тиклашми? Ахир Росулulloҳ ﷺ миллатчиликни сассиқ нарса деган-ку. Эрдоган рошид Халифалик тушунчасини қабул қиляптими? Ёки инсонларнинг ишларини назорат қилишда барча аҳкомларни Ғарбдан оладиган хонакилаштирилган ва ўзгартирилган Ислому тушунчаларини қабул қиляптими? Ахир Эрдоган рибо билан муомала қилишга рухсат бермоқда, яҳудийлар билан дипломатик алоқаларни юритмоқда ва ортидан сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, разведка ва хавфсизлик соҳаларида ҳамкорлик қилмоқда. Шунингдек, Афғонистон, Сурия ва Ливияда бўлганидек куфр давлатлари билан мусулмон юртларига қарши шартномалар тузмоқда. Ҳатто курдлар билан бўлган келишмовчиликда ҳам исломий асосдан келиб чиқиб эмас, балки сассиқ миллатчилик асосида муомала қилмоқда... Шунинг учун мусулмонлар онгли бўлишлари ва Аллоҳни рози қиладиган нарсага йўналишлари лозим. Ваъда қилинган рошид Халифалик Эрдоган излаган нарса эмас, балки у Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али ларнинг халифалигидек Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалиқдир.

Аллоҳдан бизни ўша давлатнинг фуқароси, армияси ва гувоҳи қилишини сўраймиз. Эй Аллоҳим дуоларимизни қабул эт. Охириги дуойимиз оламлар Роббиси Аллоҳга ҳамд айтмоқликдир. □

ҒАРБ ҚУЛАШ АРАФАСИДА, ИСЛОМ ЭСА ҚАЙТМОҚДА

Фоиқ Нажоҳ – Покистон

Ғарб бундан юз йил олдин Пайғамбаримиз замонидан бери давом этиб келган Ислomий давлатни қулатиш орқали Ислomни бутунлай мағлубиятга учратдим деб ўйлаган эди. Бунинг ортидан мусулмонлар узра ўзининг бошқарув низомини татбиқ қилиш, Ғарбча миллий давлат андозасини зўрлаб ўрнатиш ва барча мусулмон юртларида илмоний ватанпарварлик сақофатини ривожлантириш орқали ўз ғалабасини мустаҳкамлади. Европа давлатлари мусулмон юртлардан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга мажбур бўлгач, ҳокимиятни Ғарбга малай бўлган, унинг манфаатларини ҳимоя қиладиган ва юртга илмоний либерал яшаш тарзини зўрлаб ўрнатадиган, бошқача айтганда, Ғарб режасини татбиқ қилишга кафил бўлган маҳаллий гуруҳга топширди. Ғарб Ислom устидан ғалаба қилишига шунчалик ишонган эдики, мусулмонлар хоин раҳбарлари каби Ғарбнинг илмоний сақофати ва яшаш тарзини қабул қилади деган умидда миллионлаган мусулмонларга ўз эшигини очганди.

Лекин Усмоний Халифалик қулатилганидан кейин, эллик йил ичида, Ислomий Умматни қайта жонлантириш учун янги ҳаракатлар бошланди. Малай ҳукмдорлар бунга қарши туриш учун айрим ислomий аҳкомларни юзаки қабул қилиб, баъзи қонунлар ва ҳайъатларга Ислom тўнини кийдиришди ёки ўз тахтларини сақлаб қолиш учун мустабид диктаторликка ўтишди. Ёхуд иккисини ҳам амалда қўллашди. Ғарбда эса, мусулмон диаспоралар бошланишда «сақофий хилма-хиллик» билан рози қилинди. Лекин кейинроқ Ғарбнинг илмоний либерал ўлчовларига мос келиши учун уларни қўрқитиш бошланди. Охирги икки ўн йилликда Ғарб «терроризмга қарши кураш» номи остида очиқ халқаро салиб ҳужумини бошлади. Бунда у Ислomнинг қайтишини олдини олиш, Ислomий Умматни уйғотмаслик ва шон-шарафига қайтармаслик учун турли ифлос восита ва услубларни ишга солди. Лекин шуларнинг барчасига қарамай, Ислom юксалмоқда, Уммат ўзининг ўзлиги ва етук тарихига қайтмоқда ҳамда инсоният ва ўзи олдидаги катта масъулиятини ҳис қилмоқда. Ҳа, Ғарб Ислomнинг қайтишидан қўрқмоқда. Чунки у биладики, агар Ислom қайтса нафақат ислomий юртлар ва уларнинг бойликлари устидан бўлган ҳукмронлигини йўқотади, балки унинг бузуқ ҳазоратига ҳам путур етади.

Ғарб ҳазорати ўзини инсоният ютуқларининг тўлдирувчиси ҳамда Рим ва юнон ҳазоратининг меросхўри сифатида инсоният тараққиётига катта ҳисса қўшган деб кўрсатади. Лекин бу ҳазорат

аслида хато танлов ва эгри-бугри тузатишлар натижасидаги ёлғон ва алдов устига қурилган. Иқтисодий ва ижтимоий инқирозлар даврида ҳамда ахборот ва таълим меъёрларининг таназзули даврида, бузуқ бошқарув ва беқарор хорижий сиёсат даврида Ғарб материализмининг ёмон оқибатлари янада кўпроқ намоён бўлмоқда.

Ғарбда капиталистик иқтисодий низом муваффақиятсизликка учраб бўлган эди. Лекин пала-партиш тузатишлар орқали унинг айблари яширилди. Чунки мулк эркинлигига асосланган иқтисодий низом кучлилар заифларни ва бойлар камбағалларни эксплуатация қилишига олиб боради. Бошланишда касалликнинг иситмаси каби иқтисодий фаолият кучаяди. Лекин кейинроқ бойлар капитални эгаллаб олиб, бойлик улардан бир ҳовуч кишилар қўлида тўпланади. Сўнгра иқтисодий фаолият саратон касаллиги туфайли тамом бўлган жисм каби заифлашиб, тугайди. Аслида капитализм бир аср олдин (саноат инқилоби бошланганда) муваффақиятсизликка учраб бўлган. Лекин турли тузатиш ва тўғрилашлар орқали унинг қулаши олди олинган эди. Бойликни камида қисман қайта тақсимлаш учун Кейнсчилик (Джон Мейнард Кейн асос солган макроэкономикалик оқим) жорий этилди. Параллел қоғоз пул системаси жорий этилган бўлса-да ҳақиқий бойлик элита қўлида қолди. Одамлар қўлида катта миқдорда қалбаки пуллар айланаётган бўлса-да, ҳукуматлар юқори ишлаб чиқариш инфляциясини назорат қилиш учун Кейнсчиликдан пул назариясига ўтдилар. Бойлик яратишнинг янги усуллари фақат элитанинг ҳуқуқи бўлиб қолди. Бу нарса хусусий молияни кенгайтириш ва параллел иқтисодни қуриш орқали амалга оширилди. Капитализм озчилик капиталистлар орасида айланадиган бойликнинг тўла кўринишини рўёбга чиқаради, жамиятнинг қолган қисми эса иқтисодий турғунликда яшайди. Агар Ғарб давлатлари ҳали ҳам нисбатан фаровон бўлса, бу уларнинг ички иқтисодиётининг кучлилиги туфайли эмас, балки бу бутун дунёдаги бойлик ва ресурсларга кириш имконини берадиган илморий ташқи сиёсатлари туфайлидир.

Ғарб иқтисодий низомининг муваффақиятсизлиги ижтимоий низомининг муваффақиятсизлиги билан бир вақтда кечади. Чунки мулк эркинлиги иқтисодий эксплуатацияга олиб борганидек шахс эркинлиги синфлар эксплуатациясига олиб боради. Кучлилар дабдаба ҳашамат билан яшаётган бир пайтда заифлар ҳамда гўдак ва кексалар бахтсиз ҳаёт кечираётган бўлади. Бунда оила ва жамиятга арзимаган ёрдамлар берилади. Бундай табақаланишнинг сиёсий оқибатларидан қўрққан Ғарб ҳукуматлари қўлида «ижтимоий ёрдам пакети», деган «сеҳрли» рецепт бор. Бу айна

давлатлар қўлидаги энг йирик бюджет ҳисобланади. АҚШ ҳукуматининг Давлатлар бу бюджетнинг катта қисмини ўша ижтимоий ёрдамга сарфлайди. Америка ҳукуматининг «ижтимоий» харажатлари ҳарбий бюджетидан ўн баробар кўпдир. Бу нарса умумий молияга оғир юк ҳисобланади. Шунга қарамай, Ғарбдаги аксар одамлар беқарор кун кечирадилар. Зеро, кўпчилик ойлик маош ҳисобига яшайди. Агар ойлик бир ёки икки ой узилиб қолса, ҳаёт тўхтайдди. Шунинг учун АҚШ Конгрессининг ҳар йили бюджет ажратмаларига оид ички можаро пайтида ҳукумат фаолиятини тўхтаб қўйишгача аралашаётгани табиий ҳолдир. Ниҳоят, бу икки томон ўртасида ўртача ечим билан ҳал бўлади. Доимий демографик ўзгаришлар давом этаётган экан, сони тобора ўсиб бораётган катта ёшдагиларни ҳукумат даромадидан молиялаштиришга тўғри келиши муқаррар. Бу даромад ишчи кучидан тўпланади, ишчи кучи эса, бора-бора камаймоқда... Индивидуализм жамиятнинг мустаҳкам алоқаларини парчалашда давом этмоқда. Ваҳоланки, ҳар қандай ҳазорат кучли оила ва жамиятсиз ривожлана олмайди.

Ғарб ҳазоратининг кўплаб камчиликлари яшириб келинади. Бу албатта таълим тизими орқали ҳамда Ғарб ҳаёт тизимининг улар даъво қиладиган устунлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида ёлғон ва зарарли ташвиқотларни тарқатадиган оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Лекин Ғарб оммавий ахборот воситаларига нисбатан ишончсизлик мамлакат ичида ҳам, ташқарида ҳам аниқ кўринмоқда. Шунингдек, уларнинг маркетинги реал ҳақиқатни етказишдек жиддий вазифасидан уларни чалғитяпти. Бу эса, оммавий ахборот воситалари ҳақиқатни етказишга эмас, балки сўз эркинлиги ғоясига асосланишгани учун ўз йўлидан оғиш ҳисобланади. Таълим эса, янги авлодни Ғарб ҳазорати асосланган принциплар ҳақидаги ёлғон тушунчалар билан қондириш учун қаттиқ назорат қилинади. Бироқ, тажрибавий фикрлаш тарзи сабабли Ғарб таълими тобора ҳавотирли аҳволга келмоқда. Чунки у фикрлаш жараёнида асосий эътиборини ҳис қилинган воқеликка қаратади-да, бироқ, айна воқеликни тушунишда собиқ маълумотлар шарт эканини англаб етолмайди. Шундай қилиб, Ғарб таълими арзимас, қийин ва билвосита таълимга айланиб қолди. Яъни, Ғарб таълимнинг роли билимларни авлоддан авлодга ўтказиш эмас, балки, талабаларга воқе билан ўзлари мустақил муносабатда бўлишларини осонлаштириш бўлиб қолди. Гўё у одамларни худди аждодларидан ўргана олмайдиган ҳайвонлар деб ҳисоблайди.

Ғарб халқларига Ғарбдаги ҳукмрон режим уларнинг ишларидан масъул, деб кўрсатилади. Воқеда эса, у халққа эмас, элитага

хизмат қилади. Ғарбдаги бошқарув тизими (қўшма ҳукумат) лойиҳаси аристократ синфга хизмат қиладиган шаклда ишлаб чиқилган... Ўн тўққизинчи асрдаги қўзғолонлар бошлангач, Ғарб бошқарув низомини демократияга мувофиқ ўзгартириши ҳақида даъво бошлади. Лекин ўша низомларнинг ўзи айрим юзаки ўзгартиришлар орқали бошқарувда қолаверди. Ғарблик раҳбарлар демократия ҳаёлий ва воқеда бўлмаган фикр эканини яхши билишади, айна пайтда одамлар ўз ишлари билан ўзлари шуғулланишлари учун демократия зарур дейишади. Одамлар бир жойга йиғилиб, ўзларига хос қонунларни ўзлари чиқариши мумкин эмас. Лекин демократия одамларни ҳукумат орбитасида ушлаб қолиш учун фойдалидир. Ҳар бир демократияда элитани ёқловчи қонунлар яратилиб, кенг жамоатчиликни эксплуатация қилишни осонлаштирадиган ҳукумат тизимлари яратилади.

Эҳтимол, Ғарбнинг хавфсиз оламшумул низом тиклаш номи остида ташқи сиёсат орқали қилган энг ёмон иши бу воқеда глобал миқёсда Евроимпериявий моделни қургани бўлса керак. Бу тарихий империяларнинг мақсади она (асосий) империя манфаати учун ўз мустамлакаларининг бойлиги ва ресурсларини талон-торож қилиш бўлган эди. Масалан, мусулмон ўлка бўлган Ҳиндистон ер юзидаги энг йирик, энг гуллаб яшнаган ва илғор иқтисод эди. Лекин у Британия мустамлакаси даврида ер юзидаги энг қашшоқ минтақага айланди. Айна пайтда, Британия жуда катта глобал супер куч бўлиш учун ўзини бойитди. Лекин Ғарб Европа давлатлари ўртасидаги ички можаролар сабабли ўз империяларини парчалашга мажбур бўлгач, яширин тарзда Ғарб империализмини абадийлаштириш учун уларнинг ўрнига оламшумул ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий вужудларни тиклади. Шундай қилиб, Ғарб кучларининг сиёсий ҳукмронлиги Ғарб ҳуқуқий назариясига асосланган халқаро ҳуқуқ тушунчасини киргизиш орқали сақлаб қолинди. Бу эса, Ғарбнинг ўз қонунлари ва урф-одатларига риоя қилишга бошқа давлатларни мажбурлаш учун уларнинг ишларига аралашшига чексиз имкониятлар яратди. Ғарб ҳукмронлигининг маъноси мана шундадир. Ғарб БМТ, Халқаро Валюта Фонди, Халқаро Банк, Халқаро Савдо Ташкилоти ва НАТО... орқали оламни бошқаради. Буларнинг барчаси Ғарбнинг олам бўйлаб ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун ташкил этилган. Дунёнинг қолган қисмидаги бойлик, ресурслар ва иқтисодий фаолиятдан фойдаланиб қолиш учун глобал иқтисодий ва савдо операциялари Ғарбда пухта ишлаб чиқилган. Зеро, Халқаро Валюта Фонди каби муассасалар Ғарбга мустамлака бўлган давлатлар пулига аралашшиш ҳуқуқини беради. Ҳолбуки, бу давлатлар расман мустақил ҳисобланади. Ғарбнинг ҳарбий устунлигини кафолатлаш

учун Ғарб ва бошқа давлатлар ўртасида «ҳимоявий» шартномалар тузилган. Қачон шу каби келишувлар муваффақиятсизликка учраса, Ғарб глобал тинчлик номи остида бўйсунмаётган давлатга қарши уруш қилиш ва босиб олишга ҳаракат қилади. Бунда қурбонлар аскар ёки тинч фуқаро, ёш ёки қари, эркак ёки аёл бўлишининг фарқи йўқ. Унинг ҳарбий таълимотлари ҳатто тинч аҳолини бевосита нишонга олишга имкон берувчи усул ва воситаларни ишлаб чиқишга ундайди.

Ғарбнинг жиноий гегемонлиги абадий давом эта олмайди. Ғарб тўғри фикр ва тадқиқотлар билан эришилмаган сохта илмоний либерал ақидани қабул қилган экан, ўзини ислоҳ қилиши мумкин эмас. Чунки у коммунизмнинг бошловчиси бўлган исёнкор материалистик ҳаракатини барбод қилиш учун ўртача ечим сифатида келди. Шунингдек, у насроний ақидага қарши фикрий кураш ҳамда Европадаги насроний руҳонийлар ва монархларнинг зулмига қарши сиёсий курашга киришди. Бундан ташқари, Европадаги мазҳаблараро можаролар ортидан қулай фурсат келганини билди.

Дарҳақиқат, Ғарб юнонларнинг фикрлаш тариқатига эргашар эди. Бу фикрлаш тариқатида мантикий фикрлаш тариқати орқали ҳар қандай мафкурани исботлаш мумкин ва умумий аксиомалардан керакли хулосалар чиқариш имконияти бор, дея фараз қилинади. Ушбу чигал мантиқнинг нафақат ўзи шубҳалидир, балки юнонлар умумий аксиомалар мустақил далилга муҳтож эмас, деб фараз қилишади. Чунки улар ақл собиқ маълумотларсиз мулоҳаза қилиб кўриш орқали ҳақиқатни аниқлашга қодир, деб ўйладилар. Шунинг учун насронийларнинг яратувчи борлиги ҳақидаги далиллари хоҳ коинотга оид бўлсин, хоҳ экзистенциал ёки телеологик бўлсин, фарқсиз, аслида фақат гумонга асосланган эди. Материалистлар эса, насронийларнинг ўзлари қўллаган ўша юнонча рационализм тариқати орқали уларнинг «далиллари»га осонгина қарши чиқа олар эдилар. Шунда насроний муфаккирлар фикрлаш тарзини рационализмдан эмпиризмга ўзгартиришга киришдилар. Ғарб ақидасининг илмоний жиҳати тажриба асосида фикрлаш (эмпиризм)ни қабул қилиш билан боғлиқ бўлиб, унга кўра, тўғридан-тўғри ҳис қилинадиган нарсаларни аниқ билиш мумкин. Дин бу дунёдан ташқаридаги нарсаларни билишга асосланган экан, барча диний масалалар ақлий мунозаралар доирасидан ташқарида ва тахминий бўлиб қолди. Шунингдек, динни ҳаётдан ажратиш асосида динга қарши бўлаётган моддий фикрий ҳужумларни тўхтатишдан иборат бўлиб қолди. Сиёсий жиҳатдан эса, Европадаги монархлар ва дин пешволари одамларни эксплуатация қилиш, бошқарувни сақлаб қолиш ва бойликларни фақат

Ўзлариники қилиш учун узоқ вақт биргаликда ҳаракат қилишди. Сўнгра Ғарб ақидасининг демократия ва моддий эркинликни қабул қилган илмоний томони келди. Материалистлар коинотни абадий деб ишонишди ҳамда инсон худбинликнинг сабабларини ифода қилиш имконига эга бўлиши учун эркинлик ва демократияга чақиришди. Материалистлар ўзларини тўла инсоний табиатни шакллантиради, деб фараз қилишди. Ғарб илмонийликни қабул қилиш орқали Европада ҳукмрон муассасаларга бўлаётган моддий сиёсий ҳужумларни тўхтата олди.

Агар илмоний Ғарб шу каби хунук тузатишлардан кейин узоқ вақт фаолият қилишга қодир бўлган бўлса, бу аввалги даврдан бери қолган фикрлар ва қоидалар меросининг секин таъсири туфайли бўлди. Бу эса, на Рим ва на Юнон мероси, балки Ислом мероси эди. Ғарб Исломдан нафақат математика, физика фанлари ва технологиялардаги тараққиётида қарздор, балки барча фанларда эришган ютуқлари, шунингдек, фикр, фалсафа ва ҳаёт тизимлари борасида ҳам қарздордир. Чунки буларнинг барчасига муслмонлар орқали эришган. Лекин Ғарб уларга насроний тус берган. Инсониятнинг илм олишига юнонларнинг қанча ҳисса қўшганини билишнинг имкони йўқ. Чунки собиқ ҳазоратлар ҳақида ёзилган маълумотлар маълум эмас. Масалан, қадимда Искандарияда жойлашган буюк Миср кутубхонаси йўқ қилиб юборилган. Рим ўз даврининг етакчи кучи бўлган бўлса-да, Рим империясининг асл пойтахти бўлмиш Рим билан бирга унинг ғарбий ярмининг эрта қулаши Ғарб ҳазоратини қолақ ахволда қолдирди. Дарҳақиқат, Исломни воқеда юксалиши Ғарбни тирилтирди ва бу Исломнинг Андалусиядаги муслмонлар билан доимий боғланиб турганидан ҳосил бўлди. Зеро, Ислом Ғарбни ҳайратга солган эди. Ғарб Сицилиядаги Исломий ҳазорат билан алоқа қилиш орқали (Сицилиянинг нормандиялик собиқ ҳукмдорлари Британияга ҳужум қилгандан кейин ўша ерга кўчиб боришган эди), салиб юришлари пайтида муслмон дунёсининг юраги билан чуқур алоқа қилиш орқали, қуруқлик ва сув устидан тўла ҳукмронликни қўлга олган дунёдаги энг катта куч ҳисобланган Усмоний давлат билан алоқа қилиш орқали Ислом соясида яшади. Бу жараён Усмоний давлат ички заифлик туфайли етакчи давлат сифатида ўз позициясидан тушиб кетгунича давом этди. Шу пайтга келиб (ўн саккизинчи аср охирида) Ғарб муслмонлар устидан ғолиб бўлди ва Ғарб давлатлари буюк давлатлар сафига қўшилди. Шунинг учун унинг ҳазорати Ислом соясидан бутунлай бошқа ғайридиний йўлдан юра бошлади. Чунки Ғарб аллақачон материалистик фикр билан даҳшатли мурасага келиб бўлган эди. Ғарб қабул қилган ёлғон ақидани унинг Ислом билан бўлган алоқасидан қолган ҳар қандай

яхшиликка путур етказишда давом этмоқда. Ғарбнинг қоқилиши унинг ташвиқотлари ва таълими ортини кўришга қодир бўлганлар учун аёндыр. Ғарб ҳар бир янги авлодга эркинлик ва демократияга интилиш номи остида янги уйдирмани ўйлаб топмоқда. Натижада ёшлар кексаларнинг урф-одатларини рад этса, кексалар ёшларнинг йўналишларини қабул қила олмадилар ёки тушунмадилар. Зиёли кишиларга келсак, агар улар альтернатива сифатида исломий ҳазоратни қабул қилсалар, Ғарб ҳазорати ўз ҳукмронлигини сақлаб қололмайди.

Исломий Халифалик давлатининг дастлабки йўқотишлари муқаррар ҳазорий таназзул натижаси эмас эди. Балки кофир Ғарбга акс ўлароқ, Исломий ақида соғломдир ва соғлом ҳолида давом этади. Ақидавий фикрларни тахмин деб ҳисоблаш хатодир. Чунки тўғри фикрлаш тарзи киши воқени бевосита ҳис қилишидан ҳам кўра юксакроқ бўлган фикрий хулосаларни ишлаб чиқаришга қодир. Исломий ақида фикрий, умумий йўлланмаларга таянмайди. Аксинча, исломий ақида бевосита ҳиссий идрок орқали, ҳеч қандай фолбинликка асосланмаган ўзига хос фикрий хулоса чиқаради. Исломий давлат ҳазорати ва ақидасида хато бўлганидан қуламади, аксинча, ўт-ўланлар илдизни ўраб олгани каби ақидани ўраб олган бегона бузук фикрлар йиғилиб қолиши туфайли қулади. Албатта мана шу соф исломий ақида асрлар давомида тўпланган таназзулга қарамай аланга олмоқда. Исломий Уммат Ислом ҳақиқатини қайта тушунмоқда ва Ғарб алдовларини англамоқда. Шунингдек, Исломдаги бошқарув низоми Ғарб ишлаб чиққан низомлардан юксак эканини билмоқда. Дарҳақиқат, мусулмон юртларда татбиқ этилган исломий иқтисодий низом мусулмон юртлари билан тижорат қилган Ғарб юртларида ҳам мислсиз гуллаб яшнашни пайдо қилди. Исломий ижтимоий низом жамиятда кучли оила ва муҳитни қуриш учун тотувликни пайдо қилди. Исломдаги таълим тизими эса илм ва маърифатга асосланган ҳазорат асосларини мустаҳкамлади ва Ғарб элитасини мусулмон юртларга жалб қилди. Шунингдек, Исломдаги жазолар низоми кўплаган хилма-хил халқларни тинчлик, адолат, хавфсизликда ва ўз ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини билган ҳолда яшашга имкон берди. Исломий давлатдаги ташқи сиёсат эса, халқаро ишларда барқарорлик яратди ва бу ҳарбий алоқалар бўйича сиёсий ярашувнинг бошланиши бўлди. Урушлар эса, машқ қилдирилган қўшинлар ўртасидаги профессионал тўқнашувларга чекланди.

Ғарб Исломни фикрий жиҳатдан мағлуб қила олмагани ва бу Ислом сиёсий жиҳатдан ғалаба қилгунича давом этишини билади. Америка (Ғарб дунёсининг бугунги етакчиси) «терроризмга қарши кураш» номли уруш орқали Исломни тўхтатиш учун охириги

уринишини бошлади. Бунинг учун у мусулмонларнинг юртларида юз минглаган қўшинларини йиғди. Лекин Ғарб қўшинлари мусулмонларни етаклаш ва бўйсундиришда муваффақиятсизликка учради, шунинг учун ўзини сақлаб қолиш ниятида иложи борича тезроқ чиқиб кетишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, Америка узоқ даврлардан бери уларнинг ғарблик кофир аждодлари билганидек мусулмонларни жанг майдонида мағлуб қилиб бўлмаслигини билди. Америка Афғонистон ва Ироқдаги талофатидан кейин янги услуб қабул қилди. У ҳам бўлса, мусулмон қўшинлардан бир-бирига қарши фойдаланишдир. Масалан, Туркияни Сурияга киритиш, Саудияни Яманга киритиш ва Мисрни Ливияга киритишда фойдалангани каби. Америка ўзининг малайлари ҳукм юритаётган давлатлардан қўрқади, шунинг учун уларнинг ўртасида мувозанат ўрнатмоқда. Саудияни Эронга, Туркияни Мисрга қарши гижгижламоқда... Лекин Ғарб қачонгача мусулмонлар юртига бевосита ҳукм юрита олмасдан узоқдан мана шундай ҳийлалар қилади?! Исломий Уммат Аллоҳнинг изни билан яқинда устига зўрлаб тайинланган малай ҳукмрон синфга барҳам беради. Шунингдек, Пайғамбарлик минҳожид асосидаги рошид Халифалик давлатини тиклайди. Бу шундай бир давлатки, исломий ҳаётни тўла қайта бошлайди, мусулмон юртларнинг барчасини бирлаштиради, босиб олинган ерларни озод қилади ва Ислом нурини қайта оламга олиб чиқиш учун фаолият қилади. □

**АМЕРИКА ҒАРБНИ ТАНАЗЗУЛГА ЕТАКЛАМОҚДА
БУ ЭСА, МУСУЛМОНЛАР ФЙДАЛАНИБ ҚОЛИШИ КЕРАК
БЎЛГАН ИМКОНИАТДИР**

Абдулмажид Баҳати қаламига мансуб

Ўтган йиллар давомида Ғарбнинг таназзулга учраши ҳақида кўп ёзилди. Аммо бу мавзу жиддий қабул қилинмади. Баъзи ҳолатларда Роберт Каганга ўхшаган таниқли Ғарб олимлари тарафидан бу инкор қилинди. Роберт Коган ўзининг «Америка яратган дунё» (1) номли китобида буни рад этди. Бироқ, ҳозирги Ковид-19 инқирози ушбу баҳсни кўзғаш учун янги туртки бўлди. Чунки коронавирус Ғарб ҳазоратининг қалбини жароҳатлаб, Ғарб жамиятлари ҳамда у бошқараётган халқаро низомдаги чуқур таркибий нуқсонларни фош этди ҳамда Ғарбнинг дунё устидан ҳукмронлик қилишига таҳдид солди. Таниқли журналист Саймон Тисдалл Обсервер газетасида Ковид-19 инқирозига доир қуйидаги саволни ўртага ташлади: «Бу сиёсий ва иқтисодий кучлар мувозанати кескин ўзгарган пайтда дунё доимо ўзгариб турадиган тарихий бурилишлардан бири эмасми?» (2).

Ғарб ҳазорати жуда муҳим бурилиш нуқтасига етиб келди

Саймон Тисдалл «Ковид-19 пандемияси Ғарб ҳукмронлиги учун бурилиш нуқтасини англатадими?», деган саволни ўртага ташлаганидан деярли бир йил ўтганидан кейин Foreign Policy журнали баъзи таниқли муфаккирлардан бу мавзуга доир қарашларини билиш учун интервью олди. Афтидан, уларнинг бу ҳақдаги қарашлари бир-биридан биров фарқ қилади. Принстон университети профессори Жон Айкенберрининг ҳисоблашича, пандемия Ғарбдаги нотинчликни, «демократик институтларнинг заифлиги»ни ҳамда «ушбу маърифат асридаги сақофатнинг мўртлигини» оширади (3). Чатем Хаус бош директори Робиннинг билдиришича, Ғарб ўзининг иқтисодий гегемонлигини йўқотади. Унга кўра, Хитойнинг иқтисодий ўсиши «дунёдаги энг йирик иқтисодиётга айланиш учун турбиналар (двигателлар)дан заряд олади». У «Шарқий Осиё глобал иқтисодий ўсишнинг марказига айланади», деган фикрни осонликча қабул қилади (4). Сингапур миллий университетига қарашли Осиё тадқиқот институти ходими Кишор Маҳбубанинг ҳисоблашича, инқироз гегемонликни Ғарбдан Шарққа кўчиради. Унинг айтишича, «Рақамлар, яъни Ковид-19дан ўлганлар сони ёлғон эмас. Унинг ортида катта ҳақиқатлар ётади ва у гегемонликнинг Ғарбдан Шарққа кўчишидан каттароқдир. Бир вақтлар Ғарб жамиятлари илм-фанни ва унинг рационаллигини

(ақл-идрок билан иш тутушини) ҳурматлаши билан танилган эди. Бироқ, Доналд Трамп бу ниқобни очиб ташлади ва бундай нотўғри тасаввурни йўқ қилди» (5).

Гарвард (Кеннеди) мактабининг халқаро алоқалар профессори Стивен Уолтнинг эътироф этишича, Ковид-19 пандемияси «Кучлар мувозанатини Ғарбдан Шарққа кўчишини тезлаштириб юборди». Лекин у «Бу Ғарб гегемонлигини сезиларли даражада ўзгартиради», деб ишонмайди (6). Халқаро алоқалар кенгаши раҳбари Ричард Хас шунга ўхшаган фикрни билдириб, шундай дейди: «Пандемия халқаро алоқаларни тубдан ўзгартира олмайди» (7). Гарвард (Кеннеди) мактаби профессори Жозеф Ней ҳам айтиши шунингдек таъкидлайди. Унинг ишонишича, Ғарб, аниқроғи Америка шакллантирган глобаллашув услуб ўзгарганига қарамай давом этади (8).

Гарчи бу муфаккирларнинг ҳеч бири Ғарб ҳазоратининг қулашини олдиндан тахмин қилмаса-да, бироқ, бу ерда «ҳозирги вазият Ғарб ҳукмронлиги учун жиддий муаммо туғдиради», деган яқдиллик бор. Олимларни ўзларининг ҳақиқий фикрларини айтишга тўсқинлик қиладиган мустаҳкам институционал манфаатлар бўлишига, шунинг учун ҳазоратлар қулашини башорат қилиш олдида қийинчиликлар борлигига қарамай, ҳақиқатдан ҳам баъзи кучлар аллақачон Ғарбдан Шарққа кўчиб улгурган.

Ҳазоратлар қулашида тарих такрорланади

Мухими шундаки, баъзи Ғарб олимлари «Ғарб ҳукмронлигининг ниҳояси Американинг қулаши орқали бўлади», деган тасаввурни берувчи ажойиб сценарийларни олға суришяпти. Пол Кеннедининг таъкидлашича, АҚШнинг бюджет тақчиллигидан келиб чиқадиган ташқи ҳарбий мажбуриятлари Американинг яқинлашиб келаётган таназзулидан дарак беради (9). Бошқа олимлар ўз назарияларини тарихнинг даврий табиатига асослайдилар. 1997 йилда икки ҳаваскор тарихчи Уильям Штраус ва Нил Хаулар ўзларининг «Тўртинчи ўзгариш: Америка башорати», номли китобида «Қўшма Штатлар 2008 йилга келиб, тахминан йигирма биринчи асрнинг йигирманчи йилларида ўзининг энг юқори чўққисига етадиган инқирозга киради», деб даъво қиладилар (10). Коннектикут университети эволюцион антропологи Пётр Турчинга кўра, дунё ҳар икки-уч юз йилда дунёвий циклдан ўтади. Бу даврда ишчи кучи талаби таклифдан ошиб кетади ва маҳсулотлар арзонлашади ҳамда бойлар билан оддий одамлар ўртасидаги фаровонлик даражасидаги фарқ кенгайди. Шундан сўнг жамиятдаги элиталар ўртасида кураш бошланади. Камбағаллар янада қашшоқлашади ва жамият ўзини ўзи вайрон қилиш босқичига киради ва охир-оқибат қулайди. Турчин АҚШ тарихини ўрганар экан, қисқа 50 йиллик

даврда жамиятнинг бутунлай вайрон бўлиши ҳақида гапиради. 2010 йилда у кейинги қисқа давр 2020 йилда бўлишини, аммо мисли кўрилмаган тартибсизликни келтириб чиқарадиган узоқроқ даврга тўғри келишини башорат қилади (11).

Хедж фонди эгаси миллиардер Рэй Далио Турчиннинг назариясига ўхшаган назарияни илгари суради ва у бу даврни «узоқ қарз даври», деб аташни маъқул кўради. Бу давр ҳар 50-75 йилда келади ва унинг ўзига хос тўртта хусусияти бор: (Инновацияларнинг ўсиши; Мамлакат ичкарасида элиталарнинг кескин бўлиниши; Давлатлар ўртасида ташқи ҳамкорликнинг ғоят заифлашиши; Муаммолар келиб чиқиши). Узоқ қарз даврининг охири 1945 йилда, яъни буюк депрессия Германияни Британиянинг халқаро низомига қарши чиқишга ундаганидан кейин ниҳоясига етди. Британия урушда ғалаба қилди. Бироқ, у Америка фойдасига ўзининг глобал мавқеини бой берди. Америка Бреттон Вудз шартномасига асосланган янги сиёсий ва иқтисодий низомни ўрнатди. Далиога кўра, 2020 йил узоқ қарз даврининг ниҳоясидир. Бу биринчи ўринда Хитой билан глобал иқтисодиётни тубдан қайта қуришга олиб келади. (12,13) Турчин ва Далиодан ўнлаб йиллар олдин Освальд Шпенглер Ғарб ҳазоратининг ўлимини башорат қилган ва «Ғарб ўзининг сўнгги мавсумига киради», деган фикрда қатъий турган.

Ғарб муфаккирлари сулолалар ва ҳазоратларнинг туғилиши ва қулашини тушунтирувчи назарияларни қабул қилишидан бир неча аср олдин, ўн тўртинчи асрда Ибн Халдун ўзининг «муқаддима» номли китобида тўртта даврий босқич (тикланиш, ўсиш, пасайиш ва қулаш) ҳақида айтиб ўтган. Ибн Халдун даврининг ҳар 120 йилда такрорланишини башорат қилган. Тарихчи Арнолд Тойнби Ибн Халдуннинг «муқаддима»сидан «Шубҳасиз, Ибн Халдуннинг назарияси ўз туридаги энг буюк назариядир», деб айтиш даражасида таъсирланган (14).

Олдинги назарияларни тўлиқ талқин қилиш ва қўллаш ушбу мақоладан ташқарида бўлади. Бироқ, Американинг халқаро ишлардан узоқлашиши эҳтимолига баҳо бериш учун баъзи меъёрлардан, масалан, сиёсий ишлардаги функционал бузилиш, бойликка эга бўлишдаги тенгсизлик ва мавжуд давлатга рақобатчи бўлган кучнинг кўтарилиши каби меъёрлардан кенг фойдаланилади.

Америка Ғарбни таназзулга бошламоқда

Ғарбнинг таназзулини баҳолашни ўрганиш учун Европани эмас, Американи танлашнинг бир қанча сабаблари бор:

Биринчи: 1945 йилдан бошлаб Америка дунёдаги биринчи давлатга айланди ва 1991 йилда Совет Иттифоқи қулаганидан

кейин ҳатто ҳозирги кунгача ягона буюк куч бўлиб келди. Биполяр (икки қутбли) даврда (Совет-Америка рақобати, бошқача айтганда, совуқ уруш даврида) Европа шунчаки томошабин эди. Бундан ташқари, Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасидаги келишув ҳамда Американинг босими натижасида эски Европа (Британия, Франция, Белгия ва булардан бошқа Европа давлатлари) бир қанча мустамлакалари устидан тўғридан-тўғри назоратни йўқотди.

Иккинчи: Европанинг иқтисодий қудрати ва хавфсизлиги Америка томонидан фақат Маршал режаси, қитъада АҚШ кучларини жойлаштириш ва НАТО иттифоқини ташкил этиш орқалигина шакллантирилди. Бошқача айтганда, Американинг ҳарбий ва иқтисодий қудрати қитъадаги урушларни бостириб, Россиянинг Европада ташаббус кўрсатишига тўсқинлик қилди ҳамда Европани тинчлик ва барқарорлик қалъасига айлантирди. Қуйидаги жадвалда 2019 йилда турли кучлар ўртасидаги номинал ялли ички маҳсулот ва ҳарбий харажатлар таққосланган:

	АҚШ	Хитой	Россия	ЕИ	Германия	Британия	Франция
ЯИМ (номинал)	\$21,4 трлн.	\$14,1 трлн.	\$1,7 трлн.	\$15,6 трлн.	\$3,8 трлн.	\$2,8 трлн.	\$2,7 трлн.
Ҳарбий бюджет	\$732 млрд.	\$261 млрд.	\$65,1 млрд.	\$255 млрд.	\$49,3 млрд.	\$48,7 млрд.	\$50,1 млрд.

Бугунги кунга қадар Америка ҳар икки кўрсаткич бўйича Европадан устун эканлиги аниқ. Британиянинг Европа Иттифоқидан чиқиши ҳамда улар ўртасида рақобатнинг кучайиши билан ушбу кўрсаткич ёмонлашиши мумкин. Бу эса, Европа иттифоқининг кучсизлигини тасдиқлайди.

Учинчи: Умумий Европа ташқи сиёсатининг йўқлиги ва глобал ҳарбий қудратни лойиҳалашга қодир эмаслиги Европанинг Америка билан халқаро саҳнада рақобатлаша олмаслигини англатади. Ҳатто бутун Европа ёки Британия ва Франция каби баъзи Европа давлатлари яқка ўзи ҳаракат қилганда ҳам, улар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун Американинг ҳарбий қудратига ва унинг сиёсий кўмагига таянишади. Мисол учун, Косовонинг 1999 йилда Сербиядан озод бўлиши ва 2011 йилда Ливияга аралашиб Қўшма Штатларнинг кўмагисиз юз бермаган бўларди.

Тўртинчи: Глобал сиёсий муаммони ҳал қилиш учун дунё Европага эмас, балки Америка раҳбариятига мурожаат қилмоқда.

Бешинчи: Дунё бўйлаб Америка поп-маданиятининг тарқалиши Европа тақдим этиши мумкин бўлган ҳар қандай нарсани соя остига қўймоқда. Бу миллионлаб одамларнинг диди ва

мойиллигини шакллантирди... Шунинг учун, Фарб ҳукмронлигининг таназзулини баҳолаш учун Америка ҳукмронлигининг заифлигини очиб бериш кифоя.

Ишонч билан айтганда, Американинг таназзулга учраши янгилик эмас. Кузатган киши Американинг иқтисодий ва ҳарбий қудрати пасайганини (сиёсат, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳит ва булардан бошқа) маҳаллий соҳаларда, шунингдек, геосиёсий устувор масалаларда таназзулга учраганини пайқайди. Одатда ушбу низомнинг издошлари стажёрлар номи билан танилган. Хомскийнинг таъкидлашича, Қўшма Штатлар 1945 йилдан бошлаб доимий таназзулга юз тутиш ҳолатида. Томас Фридман ва Майкл Мандельбаумлар ҳам Американинг бешинчи пасайиш эпизодини бошдан кечираётганини таъкидлашади. Улар пасайишнинг биринчи тўлқини 1957 йилдаги спутник кризисига, иккинчи тўлқини Вьетнам урушига тўғри келишини даъво қилишади. Учинчи тўлқин президент Жимми Картер сиёсати ва Япониянинг кўтарилишига тўғри келади. Тўртинчи тўлқин Хитойнинг кўтарилишига тўғри келади. Бешинчи тўлқин 2008 йилдаги глобал молиявий инқироз туфайли юз берди (19). Америка ўзининг глобал ҳукмронлигини давом эттириш учун етарлича тикланди. Бироқ, улар Американинг миллий қувватига, демократик маданиятига ҳамда иқтисодий ва ҳарбий қудратига бир уюм муаммолар таъсир қилганини эътиборсиз қолдирадилар.

Ушбу мақолада Ковид-19дан олдин Америка ҳукмронлигини камайтирган асосий тенденциялар, Ковид-19дан кейинги дунёда кутилиши мумкин бўлган ҳолатлар ва нима учун Ислом юртлари ушбу фурсатни ғанимат билиши кераклиги баҳс қилинади.

Американинг самарасиз ички сиёсати:

Американинг етакчилик қилиш, кучини кўрсатиш ва глобал низомга таъсир қилиш қобилиятига путур етказган энг кўзга кўринган кўриниш ичкаридаги сиёсий парокандалик эканлигини англаб етиш мумкин. Яқин йилларда Америка демократияси дунёнинг ҳасадини кўзғар эди. Бутун дунёдаги кўпчилик одамлар Америкадаги бошқарув низомига, ҳокимиятнинг бўлиниши ва қонун устуворлигига ҳавас қиларди. Аммо бу энди буғланиб кетди. Америка сиёсатидаги қутбланиш демократлар ва республикачилар, либераллар ва консерваторлар, қора танлилар ва оқ танлилар ҳамда мулкка эга бўлганлар ва эга бўлмаганлар ўртасида муросасиз бўлиниш мавжудлигини фош этди. Йигирманчи аср бошидан буён, ушбу чуқур бўлинишлар ишламай қолган сиёсий тизимни доимий равишда озиқлантириб келди. Охир оқибат, президент Трамп даврида Америка демократиясига

америкаликларнинг ўзлари тарафидан ҳужум қилинишига етиб борди.

Байден «Американи қайта тиклаш» сиёсатини эълон қилганига қарамай, фасод ёйган ушбу яраларнинг тузалишини кўрсатадиган бирон нарса йўқ. Бунинг сабаби шундаки, АҚШнинг сўнгги умумий сайловларида 74 миллион киши Трампга овоз берган. У Америкадаги президентлик сайловлари тарихида энг кўп овоз олганлар орасида иккинчи ўринни эгаллади. Байден 81 миллиондан биров кўпроқ овоз олди. Трамп республикачилар орасида 87 фоиз, демократлар орасида 6 фоиз овозини сақлаб қолди (20). Бундан ташқари, республикачилардан 85 фоизи сайловлар ўғирланган ва Байденнинг президентлиги ноқонуний деб ҳисоблашади (21). Сайловчилардан 50 фоизга яқини ўзларининг янги президентларига қарши чиқишмоқда ва бу воқеалардаги мисли кўрилмаган бурилишдир. Ҳозирги кунда республикачилар партияси расман Трампнинг партиясига айланди. У ва Унинг тарафдорлари яқин келажакда АҚШ сиёсатига узоқ соя солишади. Бу шуни англатадики, республикачи сиёсатчиларга партиянинг номзодини илгари суришга эришиш ҳамда келгуси сайловда ғалаба қозониш учун керакли молиявий таъсирга эга бўлиш учун Трампнинг сиёсати ва риторикасини кўпроқ қабул қилишлари керак бўлади. Кучлироқ эҳтимолга кўра, бундай муҳит республикачилар билан демократлар ўртасидаги сиёсий ўйинни янада кескинлаштиради. Байден инаугурацияда сўзлаган нутқида «АҚШ демократиясининг мўртлиги»ни тан олди ва АҚШ сиёсатининг «хўлу қуруқни баробар ёқувчи олов»га айланиб қолмаслигига чақирди. У «ҳар қандай келишмовчилик ялпи урушга сабаб бўлиб қолмаслиги керак» деб маслаҳат берди (22).

АҚШ сиёсатини фалаж қиладиган навбатдаги омил – Сенатдаги овоз бериш жараёнидир. Иш тартибига киритилган принциплар туфайли Байден ички ислоҳот программаларини амалга оширишда ва қонунларни қабул қилишда қийинчиликка учрамоқда. Чунки Конгрессдаги аксарият қонун лойиҳалари Сенатдаги 60 кишининг овозини талаб қилади. Яраштиришга доир қонун лойиҳалари «Бёрд қондаси», деб номланган мураккаб талабларга жавоб бериши керак (23). Байден соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа масалалар бўйича сайлов олдидан берган ваъдаларини амалга оширишда қийинчиликка учрамоқда. Энг ёмони, севимли республикачиларга қарши ҳар қандай ҳаракат кўчадаги норозилик намойишларига ёки олий суддаги чақириқларга олиб келиши мумкин. Чунки консерватив судьялар сони прогрессив судьялар сонидан Зтага кўп. АҚШ ички сиёсатидаги энг вайронкор омил шуки, иттифоқчилар ва душманларнинг шартнома имзолашлари

эҳтимолдан йироқдир. Чунки улар келажакда Трампга ўхшаган шахснинг келиши Байден билан эришилган ҳар қандай келишувни бекор қилиши мумкинлигини билишади. Бу ҳолат Американинг бошқа давлатларни ўзидан ўрнак олишга ишонтаришини чеклайди. Сиёсий элита ҳар доим ўзини идеологиядан ва омма манфаатидан устун қўяр экан, Далио башорат қилганидек, Америкадаги сиёсий бўлинишлар узоқ муддатли инқирозга олиб келади.

Мурожаат қилинган манбалар:

[1] Kagan, R. (2013). *The world America made*. New York: Vintage Books, a division of Random House.

[2] Tisdall, S. (2020). *Power, equality, nationalism: how the pandemic will reshape the world*. *The Guardian*. Available at: <https://www.theguardian.com/world/2020/mar/28/power-equality-nationalism-how-the-pandemic-will-reshape-the-world/>

[3, 4, 5, 6, 7, 8] *Foreign Policy*, (2021) *The World after the Coronavirus: We asked 12 leading thinkers to predict what happens in 2021 and beyond*. *Foreign Policy*. Available at: <https://foreignpolicy.com/2021/01/02/2021-coronavirus-predictions-global-thinkers-after-vaccine/>

[9] Kennedy, P. (1988). *The Rise and Fall of Empires*. New Ed edition, Publisher: William Collins.

[10, 11] *New Scientist* (2016). *End of days: Is Western civilisation on the brink of collapse?*. *New Scientist*. Available at: <https://www.newscientist.com/article/mg23731610-300-end-of-days-is-western-civilisation-on-the-brink-of-collapse/>

[12] *Deal Street Asia* (2020). *Billionaire investor Ray Dalio says pandemic to usher in new world order with China on top*. *Deal Street Asia*. Available at: <https://www.dealstreetasia.com/stories/pandemic-china-ray-dalio-187533/>

[13] *Wall Street Journal* (2018). *Why history goes in circles*. *Wall Street Journal*. Available at: <https://www.dealstreetasia.com/stories/pandemic-china-ray-dalio-187533/>

[14] Rodenbeck, M. (2012). *The cycle of history*. *Economist*. Available at: <https://www.economist.com/news/2012/11/21/the-cycle-of-history/>

[15] Amdad, K. (2020). *Largest Economies in the World: Why China Is the Largest, Even Though Some Say It's the U.S.* the balance.

Available at: <https://www.thebalance.com/world-s-largest-economy-3306044/>

[16] Statista, (2020). The 15 countries with the highest military spending worldwide in 2019. Statista. Available at: <https://www.statista.com/statistics/262742/countries-with-the-highest-military-spending/>

[17] World Bank (2020). GDP (current US\$) – Russian Federation. World Bank. Available at: <https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.CD?locations=RU/>

[18] Chomsky, N. (2011). American Decline: Causes and Consequences, al-Akhbar. Available at: <https://chomsky.info/20110824/>

[19] Joffe, J. (2011). Declinism’s Fifth Wave, The American Interest. Available at: <https://www.the-american-interest.com/2011/12/09/declinisms-fifth-wave/>

[20] Gallup, (2020). “Presidential Approval Ratings — Donald Trump” [online] Gallup. Available at: <https://news.gallup.com/poll/203198/presidential-approval-ratings-donald-trump.aspx/>

[21] Eurasia Group, (2021). “Top Risks 2021” [online] Eurasia Group. Available at: <https://www.eurasiagroup.net/issues/top-risks-2021.>

[22] The White House, (2021). “Inaugural Address by President Joseph R. Biden, Jr.” [online] The White House. <https://www.whitehouse.gov/briefing-room/speeches-remarks/2021/01/20/inaugural-address-by-president-joseph-r-biden-jr/>

[23] New York Times, (2021). “With New Majority, Here’s What Democrats Can (and Can’t) Do on Health Care” [online] New York Times. Available at: <https://www.nytimes.com/2021/01/07/upshot/biden-democrats-health-plans.html/> □

ИСЛОМНИНГ ҒАРИБЛИГИ, УНИНГ ЯНГИЛАНИШИ ВА ҲИЗБ УТ-ТАҲРИР (4)

Ҳомид Абдулазиз

Динни янгилаш жараёни бугунги кунда мусулмонлар ҳаётида кўтарилаётган энг муҳим масалалардан биридир. Уни мусулмонларнинг душманлари, хусусан Ғарб ҳукмдорлардан иборат ўзининг малайлари орқали ўртага ташламоқда. Ҳукмдорлар эса, ўзларига қарашли уламолар орқали уни тарқатишмоқда. Улар бу орқали Исломни шахсий тарафга чеклашга ҳамда бугун сиёсий Ислом деб аталаётган Исломни бошқарувга яқинлаштирмасликка ҳаракат қилишмоқда. Улар яна бу билан диний хитобни ўзгартиришни хоҳлашмоқда. Ғарб бу масалада ўз малайларига ёрдам кўрсатиш учун (террорга қарши кураш) шиори остида Исломга қарши глобал урушини бошлади. Бунга қарши ўлароқ, онгли мусулмонлар ҳам бу мавзуни ўртага ташлашмоқда ва шу орқали динни қандай нозил қилинган бўлса ўшандайлигича тозалиги, поклиги ва софлигига қайтаришни хоҳлашмоқда. Улар бунда Росулulloҳ ﷺнинг

«بَدَأَ الْإِسْلَامَ غَرِيبًا، وَسَيَعُودُ كَمَا بَدَأَ غَرِيبًا، فَطُوبَى لِلْغُرَبَاءِ»

«Ислом ғариб бўлиб бошланди ва яна аввалгидек ғарибликка қайтади. Ғарибларга тубо жаннати бўлсин», деган ҳадисига суянишмоқда. Улар билишадикки, фақат рошид Халифаликни барпо этиш орқалигина динни амалий тарзда қайта тиклаш ва Исломни ҳаёт воқеида татбиқ қилиш мумкин... Биз ўтган сонларда бошқарув низоми, иқтисод низоми, ижтимо низоми, таълим сиёсати ва ташқи сиёсат соҳаларида, шунингдек, истилоҳларни тузатиш ва шаръий таърифлар соҳасида динни янгилашга алоқадор фикрларни айтиб ўтган эдик. Чунки ақл, уйғониш, жамият, ақида, дорул куфр ва дорул Ислом каби шаръий таъриф ва термин-истилоҳлар борасида тўғри тушунчани шакллантириш учун бу зарурийдир. Биз ушбу сонда мавзунинг охириги қисмини, яъни усули фикҳни янгилаш ҳақида суҳбатлашамиз. Чунки у дастур ва қонун соҳасида ғоят муҳимдир. Зеро, Ҳизб ут-Тахрир дастур тайёрлаб қўйган бўлиб, бу Исломий давлатнинг узоқ йиллик тарихида биринчи бор рўй бермоқда.

Усули фикҳ соҳасида:

1 – Ақлнинг роли ҳамда ҳукм чиқарувчи-ҳоким ким?

Ҳукм билан боғлиқ энг биринчи, муҳим ва баён қилиш шарт бўлган баҳс ҳукм чиқариш кимга хос эканини, яъни ҳоким ким эканини билишдир. Чунки ҳукм ва унинг турларини билиш шунга боғлиқдир. Бу ердаги ҳокимдан мурод кўлидаги ҳокимият орқали барча нарсани ижро қиладиган ҳокимият соҳиби бўлган ҳукмдор эмас. Аксинча, ҳокимдан мурод ишлар ва нарсалар устидан ҳукм чиқарувчидир. Чунки борлиқдаги мавжуд ҳис қилинадиган (моддий) нарсалар ё инсоннинг хатти-ҳаракатларидан ёки хатти-ҳаракатларидан бошқа нарсалардан ташкил топади. Моддомики, инсон мана шу борлиқда яшар ва гап инсон ҳақида кетар экан ҳамда ҳукм инсон сабабли чиқарилиб, унга боғлиқ экан, демак, инсоннинг хатти-ҳаракатлари ва уларга тааллуқли нарсаларга албатта ҳукм чиқариш лозим. Бугун биз яшаётган ғариб даврда ақлга керагидан кўра жуда кўп роль бериб юборилган. Ҳатто ақл Аллоҳдан бошқа илоҳга айланиб қолган ҳамда ишларга яхши ва ёмон, чиройли ва хунук, ҳалол ва ҳаром, рухсат берилган ва тақиқланди, деб ҳукм чиқаришга ақл танҳо ўзи ҳукм чиқарувчи бўлиб қолди. Бу нарса динни ҳаётдан ажратиб, уни черковга чеклаган Ғарб ҳазорати каби материалистик ҳазорат томонидан оқланиши мумкин бўлса-да, моддани руҳга қориштириш асосига қурилган ҳамда шахс ва давлатга ўз ишларини шаръий ҳукмга мувофиқ юргизишини вожиб қиладиган исломий ҳазорат уни оқламайди.

Шунинг учун Ҳизб эътибор берган энг муҳим баҳс ҳукм чиқарувчига алоқадор баҳсдир. Бу ҳақда Шайх Тақийуддин Набаҳоний (Аллоҳ ўз раҳматига олсин) ўзининг усули фикҳ тўғрисидаги Исломий шахсия китобининг учинчи қисмида ёзган. Шайх унда бундай дейди: «Ишлар ва нарсаларга ё уларнинг воқеси жиҳатидан ёки инсоннинг табиатига ва табиий майлларига мос келиши ва мос келмаслиги жиҳатидан ёхуд ўша ишга кўра мақталиши ва қораланиши ҳамда мақталмаслиги ва қораланмаслиги жиҳатидан, бошқача айтганда ўша ишга савоб ёки жазо олиши ва савоб ёки жазо олмаслиги жиҳатидан ҳукм чиқарилади. Демак, нарсалар устидан ҳукм чиқаришнинг уч жиҳати бор. Биринчиси: воқеси жиҳатидан, яъни у нима экани, иккинчиси инсоннинг табиатига мос келиш ёки келмаслиги, учинчиси: савоб ва жазо ёки мақтов ва қоралаш жиҳати.

Нарсаларнинг биринчи жиҳати, яъни воқеси ва иккинчи жиҳати, яъни инсон табиатига мос келиш ва келмаслиги жиҳатидан инсон ёки ақл ҳукм чиқара олади. Чунки ақл ишлар ва нарсаларга ушбу икки жиҳатдан ҳукм чиқара олади. Шариат бу икки жиҳатдан ҳукм чиқармайди ва унга аралашмайди. Масалан, илм чиройли, жаҳолат (илмсизлик) эса хунукдир, деб ҳукм чиқарилади. Чунки бу

иккисининг воқелигидан камолот ва нуқсон шундоқ кўриниб туради. Шунингдек, бойлик ва беҳожатликни чиройли яхши нарса, фақирлик ва қашшоқликни эса хунук нарса, деб саналади ва ҳоказо. Яна мисол келтирадиган бўлсак, чўкиб кетаётган одамни қутқозиш чиройли иш саналса, мол-мулкни зулм билан тортиб олишни хунук иш саналади. Чунки инсон табиати зулмдан нафратланади ва ҳалокат ёқасида турган одамга ёрдам беришга мойил бўлади. Шунингдек, ширин нарсани яхши деб, аччиқ нарсани эса хунук, деб саналади ва ҳоказо. Буларнинг барчаси нарсанинг инсон ҳис қилиб ва ақли билан идрок қилиб турган воқелигига ёки инсоннинг табиати ва фитратига бориб тақалади. Инсоннинг ақли уларни сезади ва идрок этади. Шунинг учун нарса устидан шариат эмас, балки ақл чиройли, яхши ёки хунук деб ҳукм чиқаради. Яъни ишлар ва нарсалар устидан шу икки жиҳатдан ҳукм чиқариш инсонга ҳавола қилинади. Демак, бу икки жиҳат бўйича ҳукм чиқарувчи (ҳукм чиқарувчи) инсондир, яъни инсон ҳукм чиқаради.

Аммо ишлар ва нарсалар устидан бу дунёдаги мадҳ ва мазаммат ва охиратдаги савоб ва иқоб жазо берилиши жиҳатидан ҳукм чиқаришга келсак, ҳеч шак-шубҳа йўқки, бу ёлғиз Аллоҳнинг ҳуқуқидир, инсоннинг бунда ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи йўқ. Яъни бу ҳуқуқ ақлга эмас, фақат Шариатга берилади. Бунга мисол қилиб иймон чиройли, куфр хунукдир, итоат чиройли, маъсият (осийлик) хунукдир, урушда ёлғон ишлатиш чиройли, уруш бўлмаган пайтда кофир ҳукм чиқарувчи билан мулоқотда ёлғон ишлатиш хунукдир ва ҳоказо аҳкомларни келтириш мумкин. Бунга асос шуки, ақлнинг воқелиги ҳис қилиш аъзолари, воқелик, собиқ маълумотлар ва миядан иборатдир. Ҳис қилиш ақл юритишдаги асосий қисмлардан биридир. Чунки инсон нарсани ҳис қилмайдиган бўлса, унинг ақли ўша нарса устидан ҳеч қандай ҳукм чиқара олмайди. Чунки ақл нарсалар устидан ҳукм чиқариши учун уларни ҳис қилиши керак. Шунинг учун ҳис қилинмайдиган нарсалар устидан ақл ҳукм чиқаролмайди. Масалан, зулмнинг мадҳ ёки мазаммат қилинадиган нарса эканлиги инсон ҳис қиладиган нарса эмас. Чунки у ҳис қилинадиган нарса эмас. Демак, бунда ақлнинг роли бўлиши, яъни ақлнинг зулмни мақтаб ёки ёмонлаб ҳукм чиқариши мумкин эмас. Гарчи инсон зулмнинг мақталадиган ёки қораланадиган нарса эканини унга бўлган нафрати ёки мойиллиги орқали сезсада, сезишнинг ўзи нарса устидан ҳукм чиқариш учун фойда бермайди, аксинча бу ерда ҳис қилиши лозим. Шунинг учун ақлнинг иш ёки нарса устидан чиройли ёки хунук, деб ҳукм чиқариши мумкин эмас. Шунга асосан ақлнинг феъллар ёки нарсалар устидан мадҳ ёки мазаммат қилиб ҳукм чиқариши жоиз бўлмайди. Чунки ақл улар

устидан ҳукм чиқара олмайди ва бу мумкин бўлмаган ишдир). Иқтибос тугади.

Шунга кўра, банданинг ишлари ва уларга алоқадор нарсалар устида мақташ ва қоралаш жиҳатидан ҳукм чиқариш инсонга эмас, Аллоҳга хосдир, бошқача айтганда ақлга эмас шариатга хосдир. Аммо шаръий далил жиҳатидан айтадиган бўлсак, шариат хунук санаш ва чиройли санаш ишини Пайғамбарга эргашиш ва нафс ҳавони қоралаш орқали белгилади. Шунинг учун шаръан олиб қараганда шариат чиройли деган нарса чиройли, ва шариат қоралаган нарса хунукдир.

2 – Шаръий далилларни аниқлаш:

Исломнинг олтин асрида уламолар шаръий ҳукми Аллоҳнинг хитобига чеклаш орқали Уммат ҳаётини назорат қилдилар. Зеро, улар шаръий ҳукм «Шореънинг бандалар амалларига тааллуқли хитоби», деб таъриф беришган. Шореъ, бошқача айтганда шариат тузувчи Аллоҳдир. Шунинг учун улар қонунчилик манбаларини ваҳий олиб келган нарсага чеклашган. Ваҳий олиб келган нарса эса, Аллоҳнинг китоби, суннат, ижмо ва нусуслардаги иллат-боисга асосланган қиёсдир. Аммо бошқа иккиламчи манбаларга келсак, уламолар ва мужтаҳидлар уларни шариат нуқсонли бўлгани учун керак бўлган қўшимча манба сифатида илгари сурмаганлар. Аксинча, биз уларни манба сифатида тан оламизми ёки тан олмаймизми бундан қатъий назар, Қуръон ва Суннат нусуслари уларга ишора қилган, деб ҳисоблашган.

Лекин биз ҳозирги асрда айрим кишиларнинг масолиҳи мурсала ва истиҳсон каби фаръий манбаларни Ислом ва мусулмонларнинг олтин даврида усул уламолари асос солган йўлдан бошқача йўлда шаръий далил сифатида қўллашга уринишаётганини кўряпмиз. Масалан, истиҳсонни ақл чиройли санаган нарса ва масолиҳи мурсалани шариат эмас, ақл манфаатли деган нарса дейишмоқда. Ҳолбуки, олдинги уламолар масолиҳи мурсалани унга кўра қиёс амалга ошадиган иллат йўлларидин бири сифатида қарашган. Улар қиёсни Қуръон ва суннатдан истинбот қилишнинг бир тури деб ҳисоблаганидек, истиҳсонни далилларни таржиҳ қилишнинг бир тури деб билишган. Воқедан таъсирланган янги чиққанлар эса, шу кунларда янгилаш даъвоси билан чиқишди. Бу эса, бир парда бўлиб, унинг ортидан шариатни сохта ақлий аҳкомларга алмаштириш кўзланган. Аллоҳ бу ҳақда бирор ҳужжат туширган эмас. Улар шариат ва унинг манбаларини кенгайтириш ва нусусларини мослашувчан қилиш ҳамда шариат ҳар қандай замон ва маконга яроқли эканини исботлаш учун умумий қоидаларни кўпайтириш каби фарозлар оғушида қолишди.

Бунга қарши ўлароқ Ҳизб ижтиҳод қилди ва унда шаръий далилларни ваҳийга чеклаш учун бор кучини сарфлади. Шаръий далиллар айтиб ўтганимиздек тўрттадир. Айримлар қиёс деганда ақлий қиёсни ёки ақлга асосланиб шаръий ҳукм олишни тушунишди. Шунинг учун Ҳизб собиқ усул уламолари айтганидек қиёс бу ҳар иккисининг иллат бир хил бўлгани учун фаъри аслга эргаштириш деб таърифлади. Аммо бу ердаги иллат ақлий иллат эмас, балки Қуръон бўладими, суннатми ёки ижмоми фарқсиз ваҳий далолат қилган шаръий иллатдир. Шунинг учун қиёсга асосланган шаръий ҳукм шаръий иллатга асосланган ҳукмдир, бу эса шаръий ҳукм ваҳийдан олинганини билдиради.

Масолиҳи мурсала, истиҳсон, саҳобанинг фикри, олдингиларнинг шариати, саҳобалардан кейин Умнатнинг ижмоси, аҳли Мадина ижмоси ва бошқа турли манбаларни далил сифатида келтирган аввалги уламолар бу далилларни шариатдаги камчилик ва етишмовчиликка боғлиқ ёрдамчи манбалар деб ҳисоблашмаган. Аксинча уларни Қуръон ва суннат ишора қилган манбалар деб ҳисоблашган. Ҳатто уларнинг аксарияти бу далилларни Қуръон ва суннатнинг далили деб ҳисоблашган. Зеро, бу далиллар Қуръон ва суннатдан олинган фаър (иккиламчи) аҳкомлардир. Чунки биздан олдингиларнинг шариатини далил қилиб келтираётган киши бу аввалги Пайғамбарларнинг йўлига эргашшига буюраётган Қуръони Каримдан олинган деб қарайди.

﴿أُولَٰئِكَ الَّذِينَ هَدَىٰ اللَّهُ فَبِهَدَنُهُمْ أَفْتَدَهُ﴾

«Ана ўша (юқорида мазкур бўлган зотлар) Аллоҳ ҳидоят қилган кишилардир. Бас, ўшаларнинг йўлларигагина эргашинг! Айтинг (эй Муҳаммад); «Мен сизлардан бунинг учун (яъни Қуръон учун) ҳақ сўрамайман. Бу (Китоб) бутун оламлар учун эслатма (ҳужжат)дир, холос»» [Аньом 90]

Саҳобанинг фикрини далил қилаётган киши бу Росулulloҳ ﷺдан эшитган ёки кўрган суннатнинг ифодаси деб билган. Умнатнинг ижмосини далил қилаётган киши эса, Умнат залолатда бирлашмайди деган фикрда далил қилган. Ҳизб бу далилларни шибҳи далил, яъни далилга ўхшаш нарса деб ҳисоблади. Шунингдек, уларни далил ҳисоблаётганларни рад этиб, далилларни тўрттага; Қуръон, суннат, саҳобалар ижмоси ва қиёсга чеклади.

3 – Шаръий қоидалар

Ҳизб «Жамоатга хос тармоқларнинг барчаси умумий мулкдир», «Корхона ўзи ишлаб чиқараётган нарсанинг ҳукмида бўлади», «Ибодатлар, еб-ичиладиган нарсалар, кийим-кечаклар ва ахлоқ иллатланмайди, аксинча уларда нусусга суянилади», каби янги

шаръий қоидаларга асос солишда катта роль ўйнади. Шунингдек, «Замон ўзгариши билан аҳкомлар ҳам ўзгаради», «Фойдасидан зарари кўпроқ бўлган нарса ҳаромдир», «Битимлардаги эътибор уларнинг лафз ва тузилишида эмас, балки унинг ортидаги мақсад ва маънодадир», «Агар иш тор келиб қолса, енгил тарафини қидир», «Манфаат қаерда бўлса, Аллоҳнинг шариати ҳам ўша ердадир», «Ишларнинг оқибатини эътиборга олиш», каби шариатга ёпиштиришга ҳаракат қилинган қоидаларга қарши чиқди. Бундан ташқари, Ҳизб айрим усул олимлари сўз юритган баъзи қоидаларни тартибга солишда катта роль ўйнади. Зеро, баъзи бузғунчилар уларни ўрганиб, ўз қоидасидан ажратиб юборишган ҳамда маъноларини кенгайтириб, шариатни кенгайтириш, мослаштириш ва ривожлантириш учун уларда йўқ маъноларни беришган эди. Масалан, улар «Заруратлар ҳаромга ҳам рухсат беради» қоидасини бу қоида ўз ичига олмайдиган кўп ҳаромларга рухсат беришда далил қилишди. Шунингдек, «нарсалардаги аслик мубоҳликдир», қоидасини турли вазъий қонунларни олиш жоизлигига далил қилишди ва Усманий давлат ушбу қоидани ҳужжат қилиб чегараларни бекор қилган, дейишди.

Улар бу ишларнинг барчасини шариат ҳар қандай замон ва маконга яроқли, унинг манбалари ва шаръий қоидалари жуда кўп ва мослашувчан, улар ҳар бир воқеа, масала ва муаммога ҳукм беради, деган нарсани исботлаш учун қилишди. Исломий шахсия китоби (учинчи қисми) нафақат усули фикҳ соҳада кўп китобларни ўз ичига олган Исломий кутубхонадан жой олди, балки биз уни давлат, Умат ва шахслар юриши лозим бўлган дастурий ва ижтиҳодий фикрлаш тариқатини янгилади деб айта оламиз. Гарчи Ҳизб ушбу китоб ва ундаги фикрлар, қоидалар ва тартибларни ўзининг табанний қилган фикрлари сифатида берса-да ҳамда Ҳизб улар орқали истинботдаги тариқатини тартиблаштира-да, аслида иш бундан ҳам каттароқдир. Чунки Ҳизб мана шу фикрларни асос сифатида ҳокимият тепасига олиб чиқишни ҳамда давлатдаги қонун чиқариш ва уларни қабул қилиш жараёни шу асосда бўлишни мақсад қилди. Шунинг учун Ҳизб ақлий манфаат баҳона қилиниб шариат чекловидан озод бўлишга олиб борадиган фикрларга қарши туриб, уларга кучли зарба берди.

4 – Мақсадлар ва манфаат орқали иллатлаш ҳақидаги фикр

Мақсадлар ҳақидаги тушунча Имом Шотибийдан олдин ҳам мавжуд эди. У ҳақда кўпчилик уламолар гапирган бўлиб, у пухта назар юритиш ва ўрганиш зарур бўлган чуқур фикрлардандир. Лекин ушбу замонда уни ўрганган кўпчилик кишилар уни тушунишмади. Ҳатто Имом Шотибий ҳам уни тушунмаган ва унга

ундан бўлмаган нарсаларнинг нисбатини берган. Шунинг учун манфаат ва зарар ҳақидаги фикр бугун Имом Шотибийга эргашаётганини даъво қилиб, қайсидир шаръий ҳукми бекор қилишни хошлаётган киши учун баҳона бўлиб қолди. Чунки исломий бошқарув ҳаётдан четлатилиб, унинг ўрнига тоғут бошқаруви келгач, куфр аҳкомларига қонунийлик, яъни Ислом сифатини берган ҳамда шаръий аҳкомларни ўзгартириб бузган авлод етишиб чиқди. Улар Исломни ўз маъносидан буришди, унга ўзидан бўлмаган нарсани қўшишди, янгиланишни баҳона қилиб Исломий аҳкомлар билан куфр аҳкомларини мувофиқлаштириш учун нусусларни таъвил қилишди. Шунингдек, қолган нарсани асраб авайлаш ва йўқотганни қайтариш ҳамда тараққий этишни баҳона қилишди.

Ҳизб ёлғиз ўзи ушбу фикрларни баҳс қилди ҳамда ўзларини мақсадлар фуқаҳолари, дея атаб олган кишиларнинг байроғини рад этди. Ҳизб унга (Исломий шахсия 3 қисм) китобининг катта қисмини ажратди. Ҳизб яна шариат раҳмат бўлиб келди дегани қонунчиликда раҳмат туртки бўлади дегани эмас, аксинча, шариат татбиқ қилиниши ортидан раҳмат ёғилади деганидир, бошқача айтганда, Аллоҳ Таолонинг шариат аҳкомларини қонунийлаштиришдаги ҳикмати у раҳмат бўлганлиги учун эмас, аксинча, унинг натижасида бандаларга раҳмат бўлишидир, бунинг далили шариатнинг раҳмат бўлишини билдирган оятлардир, деб айтди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ﴾

«(Эй Мухаммад), дарҳақиқат **Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик**» [Анбиё 107]

﴿وَنُنَزِّلُ مِنَ الْقُرْآنِ مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ﴾

«**Биз мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган Қуръон оятларини нозил қилурмиз**» [Исро 82]

Лекин бу оятлар иллатни ифодаламайди. Бунга яна Фиръавннинг Мусо ﷺ билан бўлган муносабатини

﴿فَالْتَقَطَهُ آءَالٌ فِرْعَوْنٌ لِّيَكُونَ لَهُمْ عَدُوًّا وَحَرَمًا﴾

«**Бас уни Фиръавн хонадони (ўсиб-улғайгач) ўзларига душман ва ғам-ташвиш бўлиши учун тутиб олдилар**» [Қасос 8]

Шунингдек, Аллоҳ Таолонинг мусулмонларни фаришталар билан қўллаб-қувватлагани ҳақидаги оятларни ҳам келтириш мумкин. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا جَعَلَهُ آللَّهُ إِلَّا بُشْرَى﴾

«Бу (мададни) Аллоҳ фақат сизларга хушхабар бўлсин, деб қилди» [Оли Имрон 126]

Бундан ташқари, қўйидаги оятларни ҳам келтириш мумкин.

﴿وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تَبْيِينًا لِّكُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً وَبُشْرَىٰ لِلْمُسْلِمِينَ﴾

«Сизга — ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун хушхабар бўлган Китобни-Қуръонни нозил қилдик» [Наҳл 89]

﴿فَإِنَّهُ نَزَّلَهُ عَلَىٰ قَلْبِكَ بِإِذْنِ اللَّهِ مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ وَهُدًى وَبُشْرَىٰ لِلْمُؤْمِنِينَ﴾

«Зеро у (Жаброил) Аллоҳнинг изни билан қалбингизга ўзидан аввалги китобларни тасдиқ этадиган ва мўминларга ҳидоят ва хушхабар бўлган Қуръонни нозил қилди»

[Бақара 97]

Ушбу оятлардан мурод шуки, Китоб юборилишидан ҳосил бўладиган натижа унинг инсонлар учун раҳмат бўлишидир. Аллоҳ Таолонинг

﴿مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ﴾

«Шифо ва раҳмат бўлган»

[Исро 82]

деган каломи ҳам иллат маъносида эмас, аксинча, натижаси шифо ва раҳмат эканини англатади. Аслида бирор оятда раҳмат иллат сийғасида келган эмас. Уларнинг бирортаси ҳам иллатга далил бўлмагани учун Аллоҳнинг шариат аҳкомларини қонунийлаштиришдаги ҳикмати раҳмат бўлиши учундир деган тушунча тўғри бўлади. Шундай қилиб, шариат юборишдаги иллат инсонларга раҳмат бўлиши учундир деган гап рад этилади ва шариат татбиқ этилиши натижасида инсонларга раҳмат ёғилади деган гап қабул қилинади.

Яна бу ерда ушбу оятлар Шореънинг шариат юборишдан мақсади нима эканини ўргатганидек, шариатнинг иллатини ҳам ўргатяпти, шунинг учун раҳмат шариатнинг иллатидир, дейиш хатодир. Бундай дейилмайди, чунки бу оятлар гарчи Шореънинг шариатни қонунийлаштиришдан бўлган мақсадини билдираётган бўлса-да, шариатни тузишдаги иллат – раҳматдир, деб баён қилмаяпти. Шунинг учун ғоя билан иллатнинг орасини ажратиб олиш зарур.

Шариат мақсадлари, деганда бутун шариатдан кўзланган мақсадлар тушунилади. Бунда ҳар бир ҳукмнинг мақсади деб тушунмаслик керак. Бунинг далили очиқ бўлиб, раҳмат бутун шариатнинг натижасидир, ҳар бир ҳукмнинг натижаси эмас. Чунки раҳмат шариатнинг бутунича натижаси эканига очиқ далил келган. Ҳар бир ҳукм ёки ҳар бир нусусдан мақсад раҳматдир, деган далил келмаган.

Шунинг учун Шореъ шариатнинг бутунича мақсадини баён қилар экан, айрим аҳкомларнинг айнан ўзидан бўлган мақсадини ҳам баён қилган. Аллоҳ Таоло жин ва инсонларни яратиши ҳақида бундай дейди:

﴿وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ﴾

«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» [Зарийёт 56]

Шунингдек бошқа кўп аҳкомлар ҳақида ҳам айтган. Демак, Аллоҳ Таоло шариатдан бутунича нима мақсад қилганини ҳам баён қилган ҳамда айрим аҳкомларни шариат қилишдаги мақсадини ҳам баён қилган. Шунинг учун муайян ҳукмдан бўлган мақсади бутунича шариатдан бўлган мақсади эмас, бутунича шариатдан бўлган мақсади муайян ҳукмдан бўлган мақсади эмас. Аксинча, Аллоҳнинг мақсади мавзудаги далилдан билинади, у бошқасига ўтмайди ва шу далилда тўхтайдди. Шунга кўра, Аллоҳнинг бутунича шариатдан бўлган мақсади шариат тузишдан бўлган ҳикмати ва ғоясидир. Энди ушбу мақсад шариатнинг оламларга раҳмат бўлиши шариатнинг ҳар бир ҳукмидан бўлган мақсади эмас, аксинча, бутунича шариатдан бўлган мақсади.

Аллоҳ Таоло қайсидир бир ҳукми қонунийлаштиришдан бўлган ҳикматини, яъни ғоясини баён қилганининг маъноси албатта ўша ғоя рўёбга чиқади дегани эмас, аксинча у ғоя рўёбга чиқиши ҳам, чиқмаслиги ҳам мумкин. Масалан, Аллоҳ Таоло ҳаж ҳақида бундай дейди:

﴿لَيْسَ هَذَا مَنَفَعٌ لَهُمْ﴾

«Улар ўзлари учун бўлган (диний ва дунёвий) манфаатларга шоҳид бўлишлари учун» [Ҳаж 28]

Лекин миллионлаган одамлар ҳаж қилсаларда ўзлари учун манфаат бўлганини сезмайдилар. Ёки Аллоҳ Таоло хамр ва қимор ҳақида бундай дейди:

﴿إِنَّمَا يُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُوقِعَ بَيْنَكُمُ الْعَدَاوَةَ وَالْبَغْضَاءَ فِي الْخَمْرِ وَالْمَيْسِرِ﴾

«Ичкилик, қимор сабабли шайтон ўрталарингизга буғзу адоват солишни истайди, холос!» [Моида 91]

Лекин аксар хамр ичадиган ва қимор ўйнайдиганлар ўртасига шайтон буғзу адоват солмайди. Ёки Росулulloҳ ﷺ: **«Рўза тутинглар саломат бўласизлар»**, деган. Аммо аксарият одамлар рўза тутсалар саломат бўлишмайди, аксинча саломатчилигига зарар етиши ҳам мумкин. Ёки Росулulloҳ ﷺ: **«Замзамни нима ниятда ичса, ўша нарса бўлади»**, деган. Аммо кўпчилик замзамни бир неча мақсадларда ичсаларда рўёбга чиқмаган.

Шунга кўра, Аллоҳ Таоло қонунийлаштиришда ғояни баён қилган аҳкомлардан кўзлаган мақсади ўша аҳкомларнинг иллоти эмас, балки ўша аҳкомлардаги Аллоҳнинг ҳикматидир. Шунинг учун ўша аҳкомларда келган маъноларга қиёслаб бўлмайди. Чунки бу ҳикмат ўша ҳукмга хос бўлиб, бошқасига ўтмайди. У ҳикмат рўёбга чиқиши ҳам чиқмаслиги ҳам мумкин. У на шаръий иллат ва на қиёсга алоқадор. Аксинча, у Аллоҳнинг ҳукмдан бўлган ҳикматидир.

Шуни яхши билиш лозимки, Аллоҳнинг бир ҳукмдаги ҳикмати ўша ҳукми қонунийлаштиришдаги мақсади ва ғоясидир. Шунинг учун Шорейнинг ўзи ўша ғояни баён қилади. Бошқача айтганда, шариат мақсадлари, бутунича шариат мақсадлари бўладими, ёки муайян бир ҳукм мақсадими, фарқсиз, унинг мақсад эканига Аллоҳнинг ваҳийсидан бўлган шаръий нусус келиши ҳамда бу нусус ё лафзан ва маънан бўлиши керак. Ёки маънан бўлиб, Росулulloҳ ﷺ уни тушунтирган бўлиши керак. Агар у ҳақда бирор нусус келмаган бўлса, Аллоҳ у ҳақда бизга хабар бермагани учун уни Шорейнинг мақсади ва ҳикмати, деб ҳисобланмайди. Шунингдек, Аллоҳ бизга хабар берган ҳикматларга бошқа ҳукми қиёслаб бўлмайди.

Бу – шариат татбиқ қилиниши ортидан манфаатлар келади ва зарарлар кетказилади деганидир. Лекин манфаатларни жалб қилиш ва зарарларни кетказиш шариатни қонунийлаштиришга боис-иллат бўлади, дегани эмас. Бу иккиси Шорей қонунийлаштиришни мақсад қилган шариатнинг натижасидир ва у асло қонунийлаштиришнинг сабаби эмас. Натижа билан сабаб ўртасида фарқ бор: Натижа шариатни татбиқ қилиш ортидан келади. Сабаб эса, шариат қонунийлаштирилишидан олдин бўлади ва қонунийлаштирилгандан кейин у билан бирга бўлади, шунингдек шариат татбиқ қилиниши ортидан пайдо бўлмайди. Бу ерда мавзу ғоя ҳақида бормоқда. Гап шундаки, ғоя ва дофеъ-ундов, деган нарса бор, лекин ундов ғоядан бошқа нарса. Шунинг учун шариатни бутунича олиб қараганда, унинг қонунийлаштирилишидан кўзланган ғоя-мақсад манфаатни жалб қилиш ва зарарни кетказиш бўлса-да, лекин бу нарса унинг қонунийлаштирилиши учун ундов ва боис, дегани эмас. Шу сабабдан манфаатни жалб қилиш ва зарарни кетказиш шариатнинг қонунийлаштирилиши учун иллат бўла олмайди. Шу билан Ҳизб ушбу фикрнинг ботиллигини баён қилиб, уни ўзига ниқоб қилиб олган кимсаларни фош этди. Чунки бундай кимсалар Умматга ҳар қандай қоидалардан холи ва Ғарбнинг тубан ҳазоратига мос келадиган исломни беришяпти... Аммо – инша Аллоҳ – бу қилмишлари заволга юз тутажакдир.

8 – Дастур ва қонун соҳасида:

Росулulloҳ ﷺ асос солган Мадина ҳужжати тарихдаги биринчи конституцион ҳужжат бўлган эди. Мусулмонлар исломий тарих давомида Исломий давлат учун конституция қабул қилишга катта эътибор қаратмадилар. Усманий давлатнинг охирларида қабул қилинган конституция ортида эса, Ғарб турган эди. Чунки у Исломнинг давлат қонунчилигининг ягона манбаи бўлишига ва давлатнинг ташқи алоқаларида ҳақиқий ҳукм чиқарувчи бўлишига барҳам беришни хоҳлади. У яна давлат учун Ғарб андозасидаги конституция бўлиши ҳамда ўз вужуди ва исломийлигини йўқотишини хоҳлади. Шунингдек, Исломий давлатни парчалаш, унинг вайроналари узра бугунгидек зараркунанда давлатларни тиклаш ва бу давлатларнинг Ғарб андозаси асосида конституциялари бўлишини хоҳлади. Гарчи айрим шахс ва ташкилотлар Исломий конституция қабул қилиш учун арзимас лойиҳаларни ишлаб чиққан бўлса-да, уларнинг аксарияти Ҳизб ут-Таҳрир ишлаб чиққан дастур каби бўла олмади. Яъни шаръий далиллар асосидаги мукамал дастур бўла олмади. Дарҳақиқат, Ҳизб ут-Таҳрир ўзи барпо этишни хоҳлаётган Халифалик давлати учун тўла ва бутун дастур ишлаб чиқишга ҳаракат қилди. Сўнгра уни 1963 йили бевосита ҳарбий мустамлакадан озод бўлган ёки озод бўлаётган Исломий Умнат орасида баҳс ва мунозара қилиниши учун Умнатга тақдим этди. Бундан ташқари, куфр кучлари Исломий давлат заифлашган пайтда унинг атрофидаги бўлақларини итдек талашди. Сўнгра уни тугатиш, бирлигига барҳам бериш, номи давлат бўлган географик вужудларга тақсимлаш ҳамда уларни Сайкс-Пико шартномасига кўра инглиз ва французлар ўртасида бўлиб олишга ҳаракат қилишди.

Олтмишинчи йилларга келиб мустамлакачилик юзи ўзгартирилиб, мустамлака қилинган юртларга сохта мустақилликлар берила бошлади. Бу эса, мустамлакачиларнинг ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиб, сиёсий нуфузларини ўзларининг содиқ малайлари орқали сақлаб қолишида ўз аксини топди. Бу билан улар ўзларини қонли мустамлакадан халқни озод қилган халоскорлар қилиб кўрсатишди. Давлатлар мустақилликка эришгач, ўзларининг «мустақил байроқлари» ва миллий гимнларини қабул қилиб, конституциялар ишлаб чиқишди. Улар давлатнинг янги конституциясини қабул қилар эканлар, ҳеч қайси халқлар эга бўлмаган Умнатнинг шаръий қонунчилик ва амалий фикҳий меросига эмас аксинча, Шарқ ва Ғарбга мурожаат қилишди. Ҳолбуки, Наполеон Мисрни босиб олар экан, имом Моликнинг фикҳий девонидек катта ўлжани қўлга киритиб, шахсан ўзи уни Францияга юборган эди.

Ҳизб ут-Таҳрир ўша пайтда ушбу дастурни ишлаб чиқар экан, Ғарбдан, унинг сақофати, қонунлари ва дастурларидан

таъсирланган анави ҳукмдорларга қарата бундай деб айтмоқчи бўлди: кофир Ғарб остоналарида тиланчилик қилманг, аксинча бой қонунчилик меросингизни қидиринг, шунда уни тўлиқ қонунчилик низоми эканини ҳамда унда Исломдан бошқа ҳеч нарса йўқлигини ва Исломдан бошқасидан таъсирланмаганини топасиз. Ҳизб ут-Таҳрир Халифалик давлати дастури лойиҳасини ундаги моддалар бир шодага терилган, маҳорат билан тузилган, таянчлари мукамал ҳолатда ишлаб чиқди. Сўнг, Исломий Умматни айна дастурни татбиқ қилишга чақириб, ўзларини таъсис кенгаши деб атаётган анавиларга қарата Умматнинг мана бундай деб айтишини хоҳлади: Таъсис кенгаши нима учун керак?! Наҳотки, биз тарихда энди пайдо бўлган-янги уммат бўлсак?! Ўз муаммоларимизни ўзимиз ечиш ўрнига бегоналардан ёрдам сўраймизми?! Биз узоқ тарихга эга ва ўнлаб аср давомида инсониятга яхшилик улашиб келган Умматмиз эмасмизми?! Ахир бизда дунёни адашиш, зулм ва зое кетишдан сақлаш учун тақдим этадиган нарса бор бўлса ҳамда Ислом бутун оламга раҳмат бўлиб келган буюк дин бўлса.

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ﴾

«(Эй Муҳаммад), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик» [Анбиё 107]

Араб баҳори кўзғолонлари бошланиб, Ибн Али, Муборак ва бошқалар қулаганидан кейин, баъзилар режим қулади деб ўйлади ва юрт учун янги конституция қабул қилиш ҳақида турли гап-сўзлар кўпайди. Сўнгра мувофиқлаштирилган конституция қабул қилиш учун олдингилардан фарқ қилмайдиган ҳамда ўзида сўлчилар ва илмонийлар билан исломчиларни жамлаган таъсис кенгаши тузилди. Шу ерда савол туғилади: Хўш, бу ерда мувофиқлашув-келишув кимлар ўртасида бўляпти? Манфаатпарастлар ўртасида эмасми? Ёки Шарқ билан Ғарб ўртасидами? Ёки имон билан куфр ўртасидаги келишувми?! Сўнгра аксар конституцияларимизда алдаш учун қабул қилинган Исломий шариат қонунчилигининг асосий манбаидир, деган модда ҳақида қайта баҳс бошланди. Лекин Уммат фақат Ислом қонунчилигининг ягона манбаи бўлишини хоҳлайди. Шунингдек, у исломий ақида давлат асоси бўлишини ҳамда унинг вужуди, жиҳози, назорати ва бошқаларига ёт нарса аралашмаслиги, аралашган тақдирда Исломий ақидани асос қилган ҳолда аралашшини хоҳлайди. Исломий ақида дастур ва қонунларнинг асосидир ва у фақат исломий ақидадан келиб чиққан нарсанигина қабул қилади.

Бу кенгаш аъзолари зулмни конституция сифатида қонунийлаштирган аввалги золим кенгашлардан фарқ қилмайди. Улар Умматга ўз ақидасидан келиб чиққан конституция бўлишини

хоҳлашмайди, аксинча, улар Умматнинг биринчи душмани бўлмиш Ғарбни рози қилишни исташади. Улар ҳақида айтиш мумкин бўлган гапларнинг энг нодири шуки, улар золимлардир.

﴿وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ﴾

«Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар золимлардир» [Моида 45]

Уларнинг конституциялари қўзғолондан олдингисию, кейингиси фарқсиз, ҳеч бир жиҳатдан уйғун келмайдиган конституциядир. Уни ҳар томонини текшириб кўрилса, кофир Ғарбдан олиб келинганлиги аён бўлади. Ҳолбуки, Ғарб бадбўй капиталистик тузум сабабли иқтисодий кризислардан азият чекмоқда. Анавилар эса, мана шу Ғарбга маҳлиё бўлиб, кўзларини кўр, қулоқларини кар қилиб олишган.

Умат имон келтириш ва амал қилиш учун Исломий бошқарувдан бошқасига рози бўлмайди ҳамда Пайғамбарлик минҳожии асосидаги Халифалик давлатидан бошқасини хоҳламайди. Исломий давлат қайта барпо этилгач, анавилар фахрланаётган конституциялар жарга улоқтирилади.

Мусулмонлар фикҳ деганда тафсилий далиллардан истинбот қилинган шаръий масалалар ҳақидаги илмни тушунишади. Шундай экан, биз Қуръон, суннат ва бу иккиси ишора қилган саҳобалар ижмоси ва шаръий иллатга асосланган қиёсдан истинбот қилинган амалий қонунчиликка эгамиз. Бу қонунчилик эса, бугунги барча муаммоларни ечишга қодир.

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» [Моида 3]

﴿وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تَيِّدًا لِّكُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى﴾

«Сизга — ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят бўлган Китобни-Қуръонни нозил қилдик» [Наҳл 89]

Умат Исломий ёки ғайриисломий конституциядан бирини танлашда ихтиёрли эмас. Аксинча, фақат Исломий конституцияни қабул қилиши вожиб. Ислом ушбу Умматнинг ақидаси бўлиб, у Умматнинг сақофати, ҳазорати ҳамда фикҳий ва қонунчилик меросини ифодалайди. Умат Ислом билан яшар экан, инсонлар томонидан чиқарилган қонунлар каби фақат суд залларида эмас, балки ҳар бир жойда унинг аҳкомларига қулоқ тутаяди. Умат Исломни ҳаётнинг барча соҳаларида тирик ҳолда кўради, уни минбарлар, мадрасалар, университетлар ва клубларда тинглайди. Ислом Умат қаерда бўлса, у билан бирга бўлади. Шулардан

кейин, Уммат виждонидан ўзилган, қотиб қолган вазъий қонунларни судларимизда қўллаймизми?!

Уммат Ислом аҳкомларига рози, уларга бўйсунди ва уларни татбиқ қилишдан қочиш ҳақида ўйламайди. Масалан, муслмон молининг закотини рози бўлган, яхши кўрган ва таслим бўлган ҳолда беради. Айти пайтда золим қонунлар орқали зўрлаб киргизилган солиқларни тўлашда ўйланиб қолади.

﴿فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا﴾

«Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмадилар» [Нисо 65]

Аллоҳнинг изни ила, яқинда барпо этиладиган Халифалик давлатидаги исломий дастур Умматнинг айрим фарзандларида кўринаётган Ғарбга қарамлик ва турғунлик ҳолатига – гарчи озгинагина намоён бўлса ҳам – барҳам беради. Аммо улар ҳозирда ўз динлари, сақофатлари ва буюк ҳазоратларидан юз ўгиришмоқда.

﴿وَإِذَا قِيلَ لَهُم تَعَالَوْا إِلَىٰ مَا أَنزَلَ اللَّهُ وَإِلَىٰ الرَّسُولِ رَأَيْتَ الْمُنَافِقِينَ يَصُدُّونَ عَنكَ صُدُودًا﴾

«Қачон уларга «Аллоҳ нозил қилган Китобга ва пайғамбар ўғитларига келинглр», дейилса, у мунофиқларнинг сиздан қаттиқ юз ўгирганларини кўрасиз» [Нисо 61]

Биз Ғарб ҳазоратидан таъсирланганларга айтаемизки, Аллоҳга ёлғон тўқиманг ва Ислом бошқарув низомига эга эмас, биз жумҳурият, демократик, фуқаровий, парламентлик, президентлик ва қўшма низом қабул қиламиз ва айти пайтда шариатни қонунчиликнинг манбаи қиламиз деб гапирманг. Чунки бу иккиси бир-бирига зиддир. Биз бошқаришимиз ва бўйсунушимиз лозим бўлган низом Исломий Халифалик низомидир. Бу низомнинг биносига Росулulloҳ ﷺ асос солдилар. У кишининг ортидан рошид халифалар мана шу йўлдан юришди. Биз кучимиз етганича Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифаликни ўзимиз учун бошқарув низоми сифатида ушлайлик. Шунда Аллоҳ рози бўлади. Халқимиз у орқали бирлашади ҳамда номусларимиз, бойлигимиз ва ресурсларимиз сақланади. Биз унда Аллоҳнинг дўстларига тинчлик, душманларига уруш эълон қиламиз. Ўша кунда исломий дастурни татбиқ қиламиз ва мўминлар Аллоҳнинг нусрати сабабли шодланурлар. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Араб Амирликлари дунёдаги энг катта «пиво бари»га мезбонлик қилади		
<p>Германия оммавий ахборот воситаларининг билдиришича, Араб Амирликлари келгуси йили ўтказилиши белгиланган дунёдаги энг катта «пиво» фестивалига мезбонлик қилишга розилик берган. Германиянинг «Бильд» газетаси берган хабарга кўра, Амирликлар узунлиги 60 метрга етиши билан «дунёдаги энг узун пиво» бари ҳисобланган ушбу бар тадбирини Дубайда ўтказилишига яшил чироқ ёқиб берди. Хабарда айтилишича, фестивал дунёдаги энг катта майхонани ҳамда 2021 йил 7 октябрда бошланиб, 2022 йил 31 мартгача давом этадиган ичкиликбозликни ўз ичига олади ва бу тадбирда Мюнхендаги «Оригинал пиво фестивали»га тақлид қилинади. Германиянинг «Шпигель» журнали Дубайдаги фестивалнинг ташкилотчиларидан бири ва Берлиндаги рождество ярмаркаси бошлиғи Чарлз Блумнинг «Амирликларнинг расмийлари ушбу тадбирга яшил чироқ ёқди», деб айтган сўзини келтиради. Унинг қўшимча қилишича, фестивал майдончасида алкоголь ичимликлар истеъмол қилишга рухсат берилади. Бироқ, иштирокчилар ўз меҳмонхоналарига қайтиш учун автобусларга минишга ва шаҳарда саёҳат қилмасликка мажбур. Унга кўра, бу мурасасозлик Араб Амирликлари ва Германия маданиятини ҳурмат қилишга уринишдир.</p> <p>Ал-Ваъй: Амирликлар ҳукмдори валиаҳд ибн Зойид Исломга душманлик қилиш ва Ислом душманлари сафида туришда ҳаммадан ўтиб тушди. Унинг душманлиги ҳар бир соҳада Исломга қарши курашишдан ҳамда исломчиларга қарши тил бириктириш ва яҳудий вужуди билан муносабатларни нормаллаштиришда биринчи сафда туришдан бошланди... У ҳар қандай ёмонликда биринчи бўлишни истамоқда. Мана, унинг ёмонлиги дунёдаги энг катта «пиво» фестивалига мезбонлик қилиш даражасига етди. Бу воқелик ҳар бир мусулмонни бу кимсанинг асл келиб чиқиши ва яширин томонлари нима экан, деб ўйлашга ундайда... Бугунги кундаги мусулмонларни бошқараётган ҳукмдорларнинг аҳволи ўзи шу. Уларнинг баъзилари ўзининг адоватини Ислом ва мусулмонларга очиқ-ошкор қилган бўлса, адоватини ошкор қилмаганлари ёмонликда улардан кам эмас. Бу давр ниқоблар тушадиган даврдир. Бундан кейин эса, қийин ҳисоб-китоб даври келади, инша Аллоҳ.</p>		
Газо уруши ва америкалик яҳудийларга нисбатан ортиб бораётган очиқ нафрат		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>(Америкалик яҳудийларнинг антисемитизм ва тоқатсизликнинг бошқа турларига қарши курашиш ташкилоти бўлмиш) Антидиффамацион лигасига кўра, Ҳазога қарши агрессия аланга олганидан кейин Американинг бир қатор шаҳарларида, хусусан, Нью-Йорк ва Лос Анжелес каби яҳудий жамоалар кўп тўпланган жойларда яҳудийлар ҳужумга учраган. Уларга зўравонлик ёки ибодат жойларини ёқиш билан таҳдид қилинган. Америкадаги энг катта яҳудий ташкилотлардан бири ҳисобланган ушбу лиганинг билдиришича, 13 майдан 17 майга қадар твиттерда у ёки бу тарзда «Гитлер ҳақ эди», деган ибора такрорланган. Ушбу муассаса раҳбари Жонатан Гринблатт ўз интервьюларининг бирида бундай тенденциянинг хатаридан бонг урди. Бошқа яҳудий ташкилотлар ҳам бундай тўлқиннинг «кенг кўламли оқибатлари»дан огоҳлантириб, президент Байденни «унга қарши кескин курашиш»га чақиришди. Бундай муносабатлардан олдин сўнгги йилларда яҳудийларга нисбатан нафрат тўйғуларининг ўсиб бораётганини акс эттирувчи воқеалар қўрқувни янада кучайтирди. Бу воқеаларнинг авж нуқтаси 2017 йилнинг ёзида Шарлотсвил шаҳридаги намойишда бўлди. Бу намойишда оқ танли ирқчилар «яҳудийлар бизнинг жойимизни асло эгаллай олмайди», деб ҳайқиришди. Кейин бунинг ортидан 2018 йил октябр ойида Питтсбургдаги ибодатхонада қирғин содир бўлди. Бу қирғинда қуролланган оқ танли ирқчилар томонидан 11 киши ўлдирилди.</p> <p>Ал-Ваъй: Америкадаги нафрат тенденцияси ва ирқчиликка мойилликнинг қайта жонланиши фақат яҳудийларгагина қаратилмаган. Аксинча, Трамп даврида очикча чиққан бу тенденция аксар озчиликларни ҳам ўз ичига олади. Чунки Трамп юзининг ранги ёки эътиқоди ва ҳатто сиёсий позицияси билан фарқланиб турган бошқа одамларни камситишни қонунийлаштирди. (Жорж Флойднинг ўлдирилиши, коронавируснинг Хитой вируси деб аталиши ва ирқчиликка асосланган янги иммиграцион қонунлар бунга мисолдир...) Шунинг учун Америкадаги яҳудийларнинг кўпчилиги Трамп сиёсатидан хавотирда. Трамп Қуддуснинг (Исроил) пойтахти деб тан олинишини уларга тақдим этиб, (Аср келишуви) орқали уни жорий қилишга уринганида ҳам яҳудийлар уни қўллаб қувватлашмаган.</p>		
<p>Аxios: Яҳудий ташкилотлар душманчилик ҳужумлари кучайганидан кейин Оқ уй билан ишларни мувофиқлаштирмақда</p>		
<p>Америкада антисемитистик ҳужумлар кучайганидан кейин бунга қарши чора кўриш керак деган босимлар ҳамда бунга чора кўриш</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>секин бўлгани учун яҳудий ташкилотлар томонидан Оқ уй маъмуриятига йўлланган танқидлар манзарасида Оқ уй маъмурият расмийлари билан яҳудий мудофаа ташкилотлари ўртасида бир неча учрашув ўтказишни таклиф қилди. Американинг Axios веб-сайти томонидан билдирилишича, биринчи учрашувда иштирок этган бешта яҳудий ташкилоти раҳбарлари ФБР вакиллари дохил АҚШ адлия вазирлиги вакиллари билан учрашишни ҳамда яҳудийларга қарашли ибодатхоналар ва бошқа ибодат жойлари ёки нотижорат ташкилотлар атрофида хавфсизликни кучайтириш учун қўшимча грантлар ажратишни талаб қилишди. Улар, шунингдек, (Исроил) ва Ҳазодаги зўравонликлардан кейин уюштирилган ҳужум ва таҳдидлар ортидан АҚШ маъмуриятини антисемитизмга қарши курашиш учун иккита лавозим таъсис этишга чақиришмоқда. Биринчи лавозим яҳудий жамоатчилиги билан Оқ уй алоқаларини тиклашга қаратилади, иккинчиси эса, давлат департаментининг антисемитизмни кузатиш ва унга қарши кураш бўйича махсус вакили бўлади. Иккинчи лавозим элчи даражасига кўтарилгани учун аввало Сенат томонидан тасдиқланиши лозим. Бу гуруҳлар диний етакчиларни сафарбар қилиш учун «ҳаракат куни» ўтказишни ва фаолларни Конгресс эътиборини жалб қилишга йўналтиришни режалаштирган.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Яҳудийлар ўз жинойтлари ва очкўзлигини яшириш ҳамда уларга қарши авж олган нафратдан ўзларини ҳимоя қилиш учун антисемитизмдан қалқон сифатида фойдаланишмоқда... Ғарб давлатлари, хусусан, Америка у билан гўеки тегиниб бўлмайдиган ва муҳокама қилинмайдиган муқаддасларнинг муқаддасидек муносабатда бўлмоқда. Бу эса, яҳудийлар нуфузи ва унинг Ғарб сиёсатига таъсири кучли бўлгани учун эмас, балки, Ғарб бундай шиорлар билан яҳудийларни рози қилиб, тинчлантирмоқчи. Бундан мақсад, уларни мусулмонлар жисми ўртасига ўрнатиш орқали мусулмонларни заифлаштириш миссиясини давом эттиришдир. Америка яҳудийларининг ушбу масаладан фойдаланишдаги диққатга сазовор нарса шуки, улар расмий лавозимларни пайдо қилишга ва уни ўзлари унда нуфузга эга бўлган Конгрессга боғлашга интилишади. Шундай қилиб, улар маъмуриятга кириб бориб янада кўпроқ имкониятга эга бўлиш учун ҳар бир ходисадан фойдаланишади.</p>		
<p align="center">«Ислом харитаси» мунозараларга сабаб бўлди</p>		
<p>Австрия ҳукумати тарафидан масжидлар ҳамда исломий муассасалар жойлашган ўринни аниқлаш учун тузилган «Ислом харитаси» кўплаб австриялик мусулмонлар ва уларнинг</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймади ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>вакилларини хавотирга солиб, ғазабини кўзғади. IGGÖ мусулмонлар уюшмасининг билдиришича, интерактив харита «ҳукуматнинг Австрияда истиқомат қилаётган мусулмонларни эҳтимолий хавф сифатида белгилаш нияти борлигини» кўрсатади. ИМО Исломий уюшмаси раҳбари: «Австриядаги яҳудий ёки насронийлар учун бунга ўхшаган харита тузилишини тасаввур қилиш мумкинми?» дея савол ташлайди. У радиого берган интервьюсида: «Харитада терроризм билан Австриянинг 8,9 миллион аҳолиси амал қилиб келаётган дин аралаштириб юборилган», дея қўшимча қилди. Австрия ҳукуматининг интерактив веб-сайти «Исломнинг миллий харитаси»ни нашр этди. Бу харитада 600дан ортиқ масжид, муассаса ва уюшманинг жойлашган ўрни, шунингдек, таниқли шахслар ва уларнинг эҳтимолли алоқалари кўрсатилган. Бу харита Исломий уюшмалар ҳақида маълумот бериш сўровномасини ҳам ўз ичига олади ва унда мусулмонлар рўйхатини тайёрлаш талаб қилинади. Иммиграция вазираси Сузан Раб харитадан мақсад «мусулмонларни умумий турда шубҳа остига олиш эмас»лигини, балки, бундан «динга эмас, балки, сиёсий ақидаларга қарши курашиш» эканлигини урғулади. Вазира харитани намойиш қилиш пайтида харита шаффофликни рўёбга чиқаришга ҳисса қўшишини айтди ва бу ерда ташланишини керак бўлган муҳим саволлар бор деб қўшимча қилди. У аёлларга, семитизмга, интеграцияга қарши муносабатлар, шунингдек, ирқчиликка мансуб қарашлар кутилмаганда пайдо бўлиб қолишига ишора қилиб ўтди.</p> <p>Ал-Ваъй: Фарбнинг Исломдан хавотирланиши тобора ортиб бормоқда. Улар унга қарши қандай курашишни билишмаяпти. Бунинг бирдан-бир сабаби шуки, улар Исломнинг бошқа динлар каби фақат руҳий дин эмаслигини тан олишни исташмайди. Ислом ўз низомига, ҳаёт қонунлари ва ўз ақидасига эга бўлган диндир. Унинг ақидаси, низом ва қонунлари Фарб ҳазоратига зиддир ва у билан тўқнашади. Шунинг учун ким сиёсий Исломга (исламизмга) қарши курашса, Исломга қарши курашади.</p>		
<p align="center">Хитой бир неча ўн йиллик тақикдан кейин эр-хотинга учта фарзанд кўришга рухсат берди</p>		
<p>«Синхуа» ахборот агентлиги Хитой коммунистик партияси марказий қўмитаси сиёсий бюроси йиғилишидан иқтибос келтириб билдиришича, Хитой ҳар бир эр-хотинга учтагача фарзанд кўришга рухсат берган. Си Цзиньпин бош котиб сифатида бошқариб келаётган Хитой коммунистик партияси марказий қўмитаси жамиятнинг қариши муаммосини самарали ҳал этишга қаратилган</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>асосий сиёсий чора-тадбирларга доир ҳисоботни тинглаш йиғинида шунга қарор қилган. Бундай қарор қариялар сони ортиб бораётганини ўрнини қоплаш учун туғилишнинг паст даражасини ошириш умидида қабул қилинган. Расмийлар қари жамиятнинг ишчи кучи етишмаслигига сабаб бўлишидан кўрқишмоқда. Чунки ишчи кучининг етишмаслиги иқтисодий ўсишни хавф остига қўйиши мумкин. Ҳар ўн йилда ўтказиладиган рўйхатга олиш Хитойда аҳоли сонининг ўсиши энг паст даражада эканлигини кўрсатганидан кейин мана шундай қадам ташланган. Аҳолини рўйхатга олиш ҳукуматни аҳоли сони камайишига йўл қўймаслик учун эр-хотинларни кўпроқ фарзанд кўришга ундайдиган чораларни кўришга мажбур қилди. Ўтган ойда Хитойда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш шуни кўрсатдики, ўтган йили тахминан 12 миллион бола дунёга келган. 2016 йилда 18 миллион бола дунёга келган эди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Туғилиш даражасини пасайтириш ёки кўпайтириш қарори манфаатга ёки ҳаёт ҳақидаги нотўғри кўз-қарашга асосан қарор чиқарадиган давлатларга эмас, балки Ўз махлуқотлари ҳолатини яхши биладиган, меҳрибон ва ҳар нарсадан хабардор зот бўлмиш Аллоҳга боғлиқдир. Хитойнинг эр-хотинларни битта фарзанд кўришга мажбур қилиш орқали туғилишни чеклаш қарори, айниқса, Хитой Қўшма Штатлар билан глобал рақобатга ўтган бир даврда, туғилишда ўғил ва қиз болалар нисбатининг сезиларли даражада номутаносиблигига, 65 ёшдан ошган қариялар сонининг кескин ўсишига ҳамда ишчи кучи нисбатининг иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатадиган даражада пасайиб кетишига олиб келди. Бу қарор билан шаръий аҳкомлар ўртасида катта фарқ бор. Зеро, шаръий аҳкомлар кўпхотинликни, серпушт ва меҳр-оқибатли аёллар билан турмуш қуришни тарғиб қилади, шунингдек, Аллоҳга ва охират кунига имон келтиришга ҳамда даъват ва жиҳодга асосланади. Шунинг учун мусулмон киши ўзини шундай бир Раббоний аҳкомлар қаршисида кўрадики, бу аҳкомлар ёш, мужоҳид ва барча эзгу сифатларга эга жамиятни вужудга келтиради. Ҳарб, Хитой ва бутун дунё давлатлари эса, ўзларини боши берк кўчага олиб кириб қўядиган қарорлар қаршисида кўришмоқда. □</p>		

ҚУРЪОНИ ҚАРИМ СУҲБАТИДА

﴿وَلَقَدْ آتَيْنَا بَنِي إِسْرَائِيلَ الْكِتَابَ وَالْحُكْمَ وَالنُّبُوَّةَ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَى الْعَالَمِينَ ﴿١٦﴾ وَعَاتَيْنَاهُمْ يَتِينَ مِنَ الْأَمْرِ فَمَا اخْتَلَفُوا إِلَّا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْعِلْمُ بَعِيثًا بَيْنَهُمْ إِنَّ رَبَّكَ يَقْضِي بَيْنَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِيمَا كَانُوا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ ﴿١٧﴾ ثُمَّ جَعَلْنَاكَ عَلَى شَرِيعَةٍ مِنَ الْأَمْرِ فَاتَّبِعْهَا وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٨﴾ إِنَّهُمْ لَنْ يُغْنُوا عَنْكَ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا وَإِنَّ الظَّالِمِينَ لَبَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ وَاللَّهُ وَلِيُّ الْمُتَّقِينَ ﴿١٩﴾ هَذَا بَصِيرَةٌ لِلنَّاسِ وَهُدًى وَرَحْمَةً لِقَوْمٍ يُوقِنُونَ﴾

«16. Дарҳақиқат Биз Бану Исроил (қавми)га Китоб-Таврот, ҳикмат ва пайғамбарлик ато этдик ва уларни ҳалол-пок нарсалардан ризқлантирдик ҳамда уларни (ўз замонларидаги) барча оламдан устун қилдик. 17. Яна Биз уларга (дин) ишлари ҳақида аниқ-равшан ҳужжатлар ато этдик. Бас, улар ихтилоф қилмадилар, магар уларга (Биз томонимиздан дин ҳақида) илм-ҳужжат келганидан сўнг ўзаро ҳасад-адоват қилишиб (талашиб-тортишдилар). Албатта Парвардигорингиз Қиёмат кунида уларнинг ўрталарида ихтилоф қилиб ўтган нарсалари ҳақида ҳукм қилур. 18. Сўнгра (Эй Муҳаммад), Биз сизни (дин) ишидан бир шариат (аниқ-равшан йўл) устида (барқарор) қилдик. Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эргашиг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг! 19. Чунки, (агар сиз уларнинг ҳавойи нафслари кўрсатган залолат йўлига юрсангиз) улар сиздан Аллоҳ томонидан бўлган бирон нарсани (азобни) қайтара олмаслар. Албатта золимлар бир-бирларига дўстдирлар. Аллоҳ эса тақводор зотларнинг дўстидир. 20. Ушбу (Қуръон барча) одамлар учун (равшан) кўрсатмалардир ва аниқ ишонадиган қавм учун ҳидоят ва раҳматдир» [Жосия 16-20]

Саййид Қутб роҳимаҳуллоҳнинг «Қуръон соясида» номли китобида

﴿وَلَقَدْ آتَيْنَا بَنِي إِسْرَائِيلَ الْكِتَابَ وَالْحُكْمَ وَالنُّبُوَّةَ﴾

(Дарҳақиқат Биз Бану Исроил (қавми)га Китоб-Таврот, ҳикмат ва пайғамбарлик ато этдик), деган оят тафсирида шундай келади: «Уларга ато этилган таврот Аллоҳнинг шариати

эди. Уларда Аллоҳнинг шариатини ўрнатиш учун ҳокимият бор эди. Уларга Мусонинг рисолатидан кейин шариатга ва Китобга амал қилинишини таъминлаш учун пайғамбарлик ато этилган эди. Уларга пайғамбарлар узоқ вақт давомида кетма-кет юборилганди.

﴿وَرَزَقْنَاهُمْ مِّنَ السَّمَاوَاتِ﴾

(Уларни ҳалол-пок нарсалардан ризқлантирдик). Уларнинг подшоҳлиги ва пайғамбарликлари Нил ва Фурот ўртасидаги серҳосил, пок ва муқаддас заминда эди.

﴿وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَى الْعَالَمِينَ﴾

(Уларни (ўз замонларидаги) барча оламдан устун қилдик). Уларнинг бошқа халқлардан устунлиги қуйидаги сабабларга кўра табиий эди: Улар Аллоҳнинг шариати билан етакчилик қилишга танландилар; уларга Китоб, ҳикмат ва пайғамбарлик ато этилди.

﴿وَأَتَيْنَاهُم بَيِّنَاتٍ مِّنَ الْأَمْرِ﴾

(Яна Биз уларга (дин) ишлари ҳақида аниқ-равшан ҳужжатлар ато этдик). Уларга ато этилган шариат аниқ-равшан, кескин ҳамда ноаниқлик, чалкашлик ва қарама-қаршилиқлардан холи эди. Унда келишмовчиликлар учун ҳеч қандай сабаб йўқ эди. Бироқ, улар келишмовчиликларга гирифтор бўлдилар. Улар ўртасидаги келишмовчилик шариатдаги ноаниқлик тўғрисида ва улар тўғри ҳукми билмаганликлари учун келиб чиқмаган эди.

﴿فَمَا اخْتَلَفُوا إِلَّا مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَهُمُ الْعِلْمُ﴾

(Бас, улар ихтилоф қилмадилар, магар уларга (Биз томонимиздан дин ҳақида) илм-ҳужжат келганидан сўнг (талашиб-тортишдилар)). Улар ўртасидаги келишмовчилик ҳақни била туриб ўзаро ҳасад-адоват қилганларидан келиб чиқди.

﴿بَغِيًّا بَيْنَهُمْ﴾

(Ўзаро ҳасад-адоват қилишиб). Шундай қилиб, уларнинг ер юзиде етакчилик ва халифалик қилиши якун топди ҳамда уларнинг иши Аллоҳнинг ихтиёрида қолди. Аллоҳ Қиёмат Кунисида Ўзи истагандай ҳукм қилади.

﴿إِنَّ رَبَّكَ يَقْضِي بَيْنَهُمْ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِيمَا كَانُوا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ﴾

(Албатта Парвардигорингиз Қиёмат кунисида уларнинг ўрталарида ихтилоф қилиб ўтган нарсалари ҳақида ҳукм қилур). Сўнг Аллоҳ ер юзиде Халифалик қилишни янги рисолатга ва янги пайғамбарга юклади. У шариатни тўғри йўлга қайтарди, само етакчилигининг поклигини қайта тиклади ва одамлар ҳавои нафси билан эмас, балки, Аллоҳнинг шариати билан бошқарди.

﴿ثُمَّ جَعَلْنَاكَ عَلَىٰ شَرِيْعَةٍ مِّنَ الْأَمْرِ فَاتَّبِعْهَا وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

(Сўнгра (Эй Муҳаммад), Биз сизни (дин) ишидан бир шариат (аниқ-равшан йўл) устида (барқарор) қилдик. Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эргашинг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!). Шундай қилиб, ҳамма нарса аниқ бўлди: Инсон Аллоҳнинг шариатига ёки билмайдиган кимсаларнинг ҳавои нафсига эргашади. Бу ерда учинчи тахмин йўқ. Аллоҳнинг шариати билан одамларнинг ҳавои нафслари ўртасида ўртача йўл бўлмайди. Ким Аллоҳнинг шариатини тарк этса, ҳукм қилиш учун ҳавои нафсга эргашган бўлади. Аллоҳнинг шариатига тегишли бўлмаган ҳар бир нарса билмайдиган кимсалар мойил бўлган ҳавои нафсдир. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло Ўз Росули ﷺ ни билмаган кимсаларнинг ҳавои нафсига эргашилдан огоҳлантиради. Бундай кимсалар, Аллоҳ томонидан бўлган бирон нарсани қайтара олмайдилар ва агар бир-бирлари билан дўстлашиб, бир-бирларига кўмакчи бўлсалар ҳам, Расулulloҳ ﷺ га зарар етказа олмайдилар.

﴿إِنَّهُمْ لَن يُغْنُوا عَنْكَ مِنَ اللَّهِ شَيْئًا وَإِنَّ الظَّالِمِينَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ وَاللَّهُ وَلِيُّ الْمُتَّقِينَ﴾

(Чунки, (агар сиз уларнинг ҳавойи нафслари кўрсатган залолат йўлига юрсангиз) улар сиздан Аллоҳ томонидан бўлган бирон нарсани (азобни) қайтара олмаслар. Албатта золимлар бир-бирларига дўстдирлар. Аллоҳ эса тақводор зотларнинг дўстидир). Бу ва ундан олдинги оятлар изоҳ ва қўшимча тафсилотларга ҳожат қолдирмай, даъват соҳибининг йўлини белгилаб беради.

﴿ثُمَّ جَعَلْنَاكَ عَلَىٰ شَرِيْعَةٍ مِّنَ الْأَمْرِ فَاتَّبِعْهَا وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾ ﴿١٨﴾

﴿ثُمَّ جَعَلْنَاكَ عَلَىٰ شَرِيْعَةٍ مِّنَ الْأَمْرِ فَاتَّبِعْهَا وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾ ﴿١٨﴾

(18. Сўнгра (Эй Муҳаммад), Биз сизни (дин) ишидан бир шариат (аниқ-равшан йўл) устида (барқарор) қилдик. Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эргашинг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг! 19. Чунки, (агар сиз уларнинг ҳавойи нафслари кўрсатган залолат йўлига юрсангиз) улар сиздан Аллоҳ томонидан бўлган бирон нарсани (азобни) қайтара олмаслар. Албатта золимлар бир-бирларига дўстдирлар. Аллоҳ эса тақводор зотларнинг дўстидир).

Фақат биргина шариатгина мана шундай сифатга лойиқ келади. Ундан бошқа қонунлар жаҳолат ва ҳавои нафснинг натижаларидир. Даъват соҳиби фақат шариатга эргашмоғи ва ҳавои нафсни тарк этиб, шариатдан қилча оғишмаслиги лозим. Зеро, ҳавои нафсига

эргашган кимсалар Аллоҳнинг азобидан қочиб қутула олмайдилар. Улар шариатга эргашганларга қарши курашишда бир-бирларига кўмакчи бўлишади. Уларга таяниш мумкин эмас, улар шариатга эргашганларга зарар етказишга заифлик қилишади. Чунки Аллоҳ тақводорларнинг Дўстидир. Аллоҳнинг дўстлигидан улуғ дўстлик бўлмайди. Шунингдек, нафс-ҳаво устида дўстлашган жоҳилларнинг дўстлигидан ҳам паст дўстлик бўлмайди.

Аллоҳ Таолонинг

﴿ثُمَّ جَعَلْنَاكَ عَلَىٰ شَرِيعَةٍ مِّنَ الْأَمْرِ فَاتَّبِعْهَا وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

(Сўнгра (Эй Мухаммад), Биз сизни (дин) ишидан бир шариат (аниқ-равшан йўл) устида (барқарор) қилдик. Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эргашинг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!), деган ояти тафсирида Табарий шундай дейди: «Аллоҳ Таоло Ўз Росули Мухаммад ﷺ га эслатма бериб айтади: Эй Мухаммад, Биз Сизга сифатлаб берган Бану Исроилга шариат ато этганимиздан кейин Сизни

﴿عَلَىٰ شَرِيعَةٍ مِّنَ الْأَمْرِ﴾

((Дин) ишидан бир шариат (аниқ-равшан йўл) устида) барқарор қилдик. Яъни сиздан аввалги пайғамбарларимизни буюрган диндаги тўғри тариқат ва манҳаж устида сизни барқарор қилдик.

﴿فَاتَّبِعْهَا﴾

(Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эргашинг). Яъни Сизга берилган мана шу шариатга эргашинг.

﴿وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

(Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эргашинг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!). Яъни, ҳақни ботилдан ажрата олмайдиган жоҳиллар чақирган нарсага эргашманг. Агар улар чақирган нарсага амал қилсангиз, ҳалок бўласиз».

﴿ثُمَّ جَعَلْنَاكَ عَلَىٰ شَرِيعَةٍ مِّنَ الْأَمْرِ فَاتَّبِعْهَا وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

(Сўнгра (Эй Мухаммад), Биз сизни (дин) ишидан бир шариат (аниқ-равшан йўл) устида (барқарор) қилдик. Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эргашинг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!), ояти тўғрисида Қуртубийнинг тафсирида шундай келади: «(شريعة) Шариат) Аллоҳ динда бандалари учун қонун қилиб белгилаган барча нарсани англатади. Бу сўзнинг кўплиги شرائع бўлиб, у Аллоҳ махлуқотлари учун қонун қилиб белгилаб берган йўл-йўриқларни англатади.

﴿جَعَلْنَاكَ عَلَىٰ شَرِيعَةٍ مِّنَ الْأَمْرِ﴾

(Биз сизни (дин) ишидан бир шариат (аниқ-равшан йўл) устида (барқарор) қилдик). Яъни Биз Сизни ҳақ йўлга йўллайдиган (Дин) ишидан бўлган аниқ-равшан йўл устида барқарор қилдик, деганидир. Ибн Аббос айтади: Биз Сизни шариат, яъни, ҳидоят устида барқарор қилдик. Қатода, Шариат – буйруқ ва қайтариқ ҳамда ҳадлар ва фарзлардир, дейди. Муқотил, ундан мурод байинадир, чунки у ҳаққа элтувчи йўлдир, дейди. Калбий эса, Суннатдир, чунки у олдинги пайғамбарлар йўлини қонунийлаштиради, дейди. Ибн Зайд, у диндир, чунки у нажот йўлидир, дейди. Ибн Арабий айтади: *أمر الأمر* сўзи луғатда иккита маънони англатади: Биринчиси: «иш» маъносида. Бу маъно Аллоҳ Таолонинг

﴿فَاتَّبِعُوا أَمْرَ فِرْعَوْنَ وَمَا أَمْرُ فِرْعَوْنَ بِرَشِيدٍ﴾

«Улар Фиръавннинг ишига бўйсундилар. Ҳолбуки, Фиръавннинг иши тўғри эмасдир» [Ҳуд 97]

деган оятида келади. Иккинчиси: Қайтариқнинг зидди бўлган буйруқ сўзини англатади. Бу ерда ҳар икки маънони ишлатиш тўғри бўлади. Шунда «Биз Сизни дин, яъни, Ислом йўлида барқарор қилдик», деган маънода бўлади. Бу Аллоҳ Таолонинг

﴿ثُمَّ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ أَنِ اتَّبِعْ مِلَّةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

«Сўнгра (Биз, эй Мухаммад), сизга ҳақ йўлдан тойилмаган Иброҳимнинг динига эргашинг, у мушриклардан эмас эди, деб ваҳий юбордик » [Наҳл 123]

деган оятидаги кабидир.

Ибн Касирнинг тафсирида қуйидагича келади:

﴿ثُمَّ جَعَلْنَاكَ عَلَىٰ شَرِيعَةٍ مِّنَ الْأَمْرِ فَاتَّبِعْهَا وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

(Сўнгра (Эй Мухаммад), Биз сизни (дин) ишидан бир шариат (аниқ-равшан йўл) устида (барқарор) қилдик. Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эргашинг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!). Яъни, Парвардигорингиз сизга ваҳий қилган нарсага эргашинг ва мушриклардан юз ўгиринг. Бу оят борасида Бағавийнинг тафсирида қуйидагича келади:

Эй, Мухаммад

﴿ثُمَّ جَعَلْنَاكَ عَلَىٰ شَرِيعَةٍ﴾

(Сўнгра (Эй Мухаммад), Биз сизни (дин) ишидан бир шариат (аниқ-равшан йўл) устида (барқарор) қилдик). Яъни, Мусодан кейин

﴿مِنَ الْأَمْرِ﴾

(дин ишидан), бўлган йўл устида барқарор қилдик.

﴿فَاتَّبِعْهَا وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

(Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эргашиг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!). Яъни, кофирларга эргашманг. Бунинг сабаби шуки, кофирлар «ота-боболаринг динига қайт, чунки улар сендан афзалроқдир», дейдилар.

﴿ثُمَّ جَعَلْنَاكَ عَلَىٰ شَرِيعَةٍ مِّنَ الْأَمْرِ فَاتَّبِعْهَا وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

(Сўнгра (Эй Мухаммад), Биз сизни (дин) ишидан бир шариат (аниқ-равшан йўл) устида (барқарор) қилдик. Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эргашиг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!), ояти тўғрисида Саъдийнинг тафсирида қуйидагича келади: «Яъни, Биз Сизга барча яхшиликларга чақирадиган ва барча ёмонликлардан қайтарадиган тўлиқ шариатни бердик.

﴿فَاتَّبِعْهَا﴾

(Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эргашиг). Чунки унга эргашишда абадий бахт-саодат, ютуқ ва муваффақият бор.

﴿فَاتَّبِعْهَا وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَ الَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾

(Бас, сиз (фақат мана шу йўлга) эргашиг ва билмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!). Яъни, истаклари аниқ билимга асосланмаган жоҳилларнинг ҳавои нафсига эргашманг. Улар Росулulloҳ ﷺнинг шариатига қарши чиққан ва ҳавои нафсига эргашган барча жоҳиллардир». □

ХОЛИСЛИК ИБОДАТ РУКНЛАРИДАН БИРИ БЎЛИБ, АЛЛОҲ УСИЗ ҲЕЧ БИР АМАЛНИ ҚАБУЛ ҚИЛМАЙДИ

Холислик ибодатни қасд қилиш орқали Аллоҳ Азза ва Жаллани яғоналашдир, бошқача айтганда банда амалга киришар экан, фақат Аллоҳнинг розилигини исташидир. Баъзи салаф уламолари шундай дейишган: Холислик ўз амалингга Аллоҳдан бошқасини гувоҳ ва мукофотловчи бўлишини истамаслигингдир. Қуръон ва ҳадис холисликни бир неча иборалар билан ифодалаб, уни холислик ва тўғри ният, деб тушунтирган. Масалан Қуръонда **«Менгагина ибодат қилади ва менга ҳеч нарсани шерик қилмайди»** дейилса, ҳадисда **«Аллоҳнинг розилигини истайди»**, **«Бир амални имон ва савоб умидида қилса»**, **«Бошқасини фақат Аллоҳ Азза ва Жалла учун яхши кўриши»** дейилади. Ушбу турдаги ҳадислар муслмон кишининг ҳар бир ишида холислик ўлчов бўлиши лозимлигини баён қилади. Чунки, айниқса нафс ҳар бир амал ортида ўзини кўрсатиш ва у билан мақтанишни яхши кўради. Шунинг учун ҳар бир ишда холислик бўлиши талаб қилинади, токи у амал табиий бўлсин.

Анас ибн Молик айтади: Расулуллоҳ ﷺ Табук ғазотидан қайтиб, Мадинага яқинлашгач:

«إِنَّ بِالْمَدِينَةِ أَقْوَامًا، مَا سَرَّتُمْ مَسِيرًا، وَلَا قَطَعْتُمْ وَاذِيًّا إِلَّا كَانُوا مَعَكُمْ»

«Мадинада бир қанча қавмлар қолган бўлиб, сизлар қаерга борсангиз ва қайси водийга тушсангиз улар ҳам сизлар билан бирга бўлади», дедилар. Шунда саҳобалар: Эй Аллоҳнинг Росули Мадинадагими, деб сўрашган эди. Расулуллоҳ ﷺ:

«وَهُمْ بِالْمَدِينَةِ، حَبَسَهُمُ الْعُدْرُ»

«Ҳа, улар Мадинада бўлиб, узр туфайли у ерда қолиб қолишди», дедилар. Бухорий ривояти.

Абу Дардо ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ أَتَى فِرَاشَهُ وَهُوَ يَنْوِي أَنْ يَقُومَ يُصَلِّيَ مِنَ اللَّيْلِ، فَغَلَبَتْهُ عَيْنَاهُ حَتَّى أَصْبَحَ، كُتِبَ لَهُ مَا نَوَى، وَكَانَ نَوْمُهُ صَدَقَةً عَلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ عَزَّ وَجَلَّ»

«Кимки тунда намоз ўқиш нияти билан ухласа, сўнг уйқу ғолиб келиб, тонггача ухлаб қолса, унга ният қилган нарсаси ёзилади. Уйқуси эса, Роббиси томонидан унга садақа қилинган бўлади». Насоий ривояти.

Кабшатул Анморий رحمته Росуллуллоҳ ﷺнинг шундай деганини эшитгани ҳақида айтади:

«إِنَّمَا الدُّنْيَا لِأَرْبَعَةٍ نَفَرٍ عَبْدٍ رَزَقَهُ اللَّهُ مَالًا وَعِلْمًا، فَهُوَ يَتَّقِي اللَّهَ وَيَصِلُ فِيهِ رَحْمَهُ وَيَعْلَمُ لِلَّهِ فِيهِ حَقًّا، فَهَذَا بِأَفْضَلِ الْمَنَازِلِ، وَعَبْدٌ رَزَقَهُ اللَّهُ عِلْمًا وَمَمْ يَرْزُقُهُ مَالًا، فَهُوَ صَادِقُ النَّبِيَّةِ يَقُولُ: لَوْ أَنَّ لِي مَالًا لَعَمِلْتُ بِعَمَلِ فَلَانٍ، فَهُوَ نَبِيَّتُهُ فَأَجْرُهُمَا سَوَاءٌ، وَعَبْدٌ رَزَقَهُ اللَّهُ مَالًا وَمَمْ يَرْزُقُهُ عِلْمًا، فَهُوَ يَخْطُ فِي مَالِهِ بِغَيْرِ عِلْمٍ، لَا يَتَّقِي فِيهِ رَبَّهُ وَلَا يَصِلُ فِيهِ رَحْمَهُ وَلَا يَعْلَمُ لِلَّهِ فِيهِ حَقًّا، فَهَذَا بِأَحَبِّثِ الْمَنَازِلِ، وَعَبْدٌ لَمْ يَرْزُقَهُ اللَّهُ مَالًا وَلَا عِلْمًا، فَهُوَ يَقُولُ: لَوْ أَنَّ لِي مَالًا لَعَمِلْتُ فِيهِ بِعَمَلِ فَلَانٍ، فَهُوَ نَبِيَّتُهُ فَوَزْرُهُمَا سَوَاءٌ»

«Дунёда тўрт турли банда бўлади: Биринчиси, Аллоҳ томонидан мол ва илм берилган киши. У Аллоҳга тақво қилиб, силаи раҳм йўлида молидан сарфлайди, молида Аллоҳнинг ҳаққи борлигини билди. Мана шу энг яхши даражадир. Иккинчиси, Аллоҳ илм билан ризқлантирган, аммо мол билан ризқлантирмаган кишидир. У нияти тўғри киши бўлиб, менда ҳам мол бўлганда албатта фалончи каби иш қилган бўлардим, дейди. У шу нияти учун (ўша амални қилган киши билан) бир хилда ажр олади. Учинчиси, Аллоҳ мол билан ризқлантирган, аммо илм билан ризқлантирмаган киши. У молини илмсизлик билан соғуриб, бу борада Роббисидан тақво қилмайди, силаи раҳм йўлида молидан сарфламайди, молида Аллоҳнинг ҳаққи борлигини билмайди. Бу – энг ёмон даражадир. Тўртинчиси, Аллоҳ мол билан ҳам, илм билан ҳам ризқлантирмаган бўлади ва у менда ҳам мол бўлганида албатта фалончи каби (яъни ҳаром ишни қилган одам каби) иш қилган бўлардим, дейди. Шу нияти

учун (ўша гуноҳни қилган киши билан), **бир хилда гуноҳ олади»**. (Термизий ривояти).

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган ҳадисда келишича, Росулulloҳ ﷺ га: Эй Аллоҳнинг росули қиёмат куни сизнинг шафоатингизга энг лойиқроқ киши ким деб сўрашган эди, У зот:

«لَقَدْ ظَنَنْتُ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ أَنَّ لَا يَسْأَلُنِي عَنْ هَذَا الْحَدِيثِ أَحَدٌ أَوْلَ مِنْكَ؛ لِمَا رَأَيْتُ مِنْ حِرْصِكَ عَلَى الْحَدِيثِ: أَسْعَدُ النَّاسِ بِشَفَاعَتِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ: مَنْ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، خَالِصًا مِنْ قَلْبِهِ أَوْ نَفْسِهِ»

«Эй Абу Ҳурайра сизнинг ҳадисга қизиқишингиз юқори бўлгани учун бу ҳадисни биринчи бўлиб сиз сўрайсиз, деб гумон қилган эдим. Қиёмат куни менинг шафоатимга энг лойиқ бўлган киши ла илаҳа иллаллоҳни қалбидан, холис айтган кишидир», дедилар. Бухорий ривояти.

Итбон ибн Молик Ансорий ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّ اللَّهَ حَرَّمَ عَلَى النَّارِ مَنْ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ، يَبْتَغِي بِذَلِكَ وَجْهَ اللَّهِ»

«Ла илаҳа иллаллоҳни Аллоҳнинг розилигини истаб айтган кишига Аллоҳ дўзахни ҳаром қилган».

Уқба ибн Омир ﷺ ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَتَوَضَّأُ فَيَحْسِنُ وُضْوءَهُ، ثُمَّ يَقُومُ فَيُصَلِّيَ رَكَعَتَيْنِ، مُقْبِلًا عَلَيْهِمَا بِقَلْبِهِ وَوَجْهِهِ إِلَّا وَجَبَتْ لَهُ الْجَنَّةُ»

«Қайси бир мўмин чиройли таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқиса ва бу иккисида Аллоҳга холис бўлиб, итоаткор бўлса, унга жаннат вожиб бўлади». Муслим ривояти.

Абу Саъд Худрий ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ шундай дейдилар:

«مَنْ صَامَ يَوْمًا فِي سَبِيلِ اللَّهِ، بَعَدَ اللَّهُ وَجْهَهُ عَنِ النَّارِ سَبْعِينَ خَرِيفًا»

«Ким Аллоҳ йўлида бир кун рўза тутса, Аллоҳ уни дўзахдан етмиш йил узоқлаштиради». Муттафақун алайҳ.

Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم айтадилар:

«مَنْ صَامَ رَمَضَانَ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا، غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ»

«Кимда ким имон ва савоб умидида рамазон рўзасини тутса, ўтган гуноҳлари кечирилади». Муттафақун алайҳ.

Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم айтадилар:

«مَنْ قَامَ رَمَضَانَ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا، غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ»

«Кимда ким имон ва савоб умидида рамазонда тунаса, ўтган гуноҳлари кечирилади». Бухорий ривояти.

Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم айтадилар:

«مَنْ قَامَ لَيْلَةَ الْقَدْرِ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا، غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ»

«Ким қадр кечасида имон ва савоб умидида тунаса, ўтган гуноҳлари кечирилади». Муттафақун алайҳ.

Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم айтадилар:

«أَنَّ رَجُلًا زَارَ أَحَا لَهُ فِي قَرْيَةٍ أُخْرَى، فَأَرْصَدَ (أَي أَعَدَّ) اللَّهُ لَهُ عَلَى مَدْرَجَتِهِ (أَي طَرِيقِهِ)

مَلَكًا، فَلَمَّا أَتَى عَلَيْهِ قَالَ: أَيْنَ تَرِيدُ؟ قَالَ: أُرِيدُ أَحَا لِي فِي هَذِهِ الْقَرْيَةِ. قَالَ: هَلْ لَكَ

عَلَيْهِ مِنْ نِعْمَةٍ تَرْتُهَا؟ (أَي تَقُومُ بِإِصْلَاحِهَا وَتَنْهَضُ إِلَيْهِ بِسَبَبِ ذَلِكَ)، قَالَ: لَا،

غَيْرَ أَيِّ أَحَبَّتُهُ فِي اللَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، قَالَ: فَإِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكَ بِأَنَّ اللَّهَ قَدْ أَحَبَّكَ كَمَا

أَحَبَّتَهُ فِيهِ»

«Бир киши бошқа қишлоқдаги биродарини зиёрат қилмоқчи бўлди. У йўлда кетаётганда, Аллоҳ унга бир фариштани йўлиқтирди. Фаришта унинг олдига келиб, қаерга кетяпсан? – деди. У эса, мана бу қишлоқдаги биродаримникига деб жавоб берди. Шунда фаришта: Сенда унга беришинг керак бўлган бирон нарса борми? – деб сўради. У киши эса: Йўқ, мен уни фақатгина Аллоҳ йўлида яхши кўраман, холос, деди. Шунда фаришта: Мен Аллоҳнинг сенга юборган элчисиман, албатта Аллоҳ сен биродарингни яхши кўрганингдек сени ҳам яхши кўради, деди». Муслим ривояти.

Абу Ҳурайра Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم дан шундай ривоят қилади:

«مَنْ سَرَّهُ أَنْ يَجِدَ طَعْمَ الْإِيمَانِ، فَلْيُحِبِّ الْمَرْءَ لَا يَجُئُهُ إِلَّا اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ»

«Имон ҳаловатини топиш кимни хурсанд қилса, биродарини Аллоҳ Азза ва Жалла йўлида яхши кўрсин». Имом Аҳмад ривояти.

Абу Ҳурайра ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ تَصَدَّقَ بِعَدْلِ ثَمَرَةٍ مِنْ كَسْبٍ طَيِّبٍ، وَلَا يَقْبَلُ اللَّهُ إِلَّا الطَّيِّبَ، وَإِنَّ اللَّهَ يَتَقَبَّلُهَا بِيَمِينِهِ، ثُمَّ يُرِيهَا لِصَاحِبِهِ، كَمَا يُرِي أَحَدُكُمْ فَلَوَّهُ، حَتَّى تَكُونَ مِثْلَ الْجَبَلِ»

«Ким ҳалол йўл билан касб қилган молидан битта хурмо миқдорича садақа қилса – зеро, Аллоҳ тоййиб (ҳалол)нигина қабул қилади – Аллоҳ уни ўнг қўли билан қабул қилади. Сўнгра уни худди сизлардан бирингиз тойчоғини тарбиялаганидек тарбиялайди (яъни кўпайтиради) ҳатто у (қиёмат куни) тоғдек бўлади». Муттафақун алайҳ.

Абу Ҳурайра Росулulloҳ ﷺ дан ривоят қилади:

«مَنْ اتَّعَ جَنَازَةَ مُسْلِمٍ إِمَانًا وَاحْتِسَابًا فَصَلَّى عَلَيْهِ، ثُمَّ انْتَهَرَ حَتَّى يُوَضَعَ فِي قَبْرِهِ، كَانَ لَهُ قِيرَاطَانِ، أَحَدُهُمَا مِثْلُ أُحُدٍ، وَمَنْ صَلَّى عَلَيْهِ ثُمَّ رَجَعَ كَانَ لَهُ قِيرَاطٌ»

«Ким имон ва савоб умидида бир мусулмоннинг жанозасига бориб, намоз ўқиса ва у қабрига қўйилгунича кутса, унга икки қийрот савоб ёзилади. Уларнинг биттаси Уҳуд тоғича бўлади. Фақат жаноза ўқиб қайтса (яъни қабрга қўйилишини кутиб турмаса) бир қийрот савоб ёзилади». Насоий ривояти.

Зайд ибн Холид رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«مَنْ جَهَّزَ غَارِيًّا (أَيَ أَعَدَ لَهُ مَا يَحْتَاجُهُ فِي سَفَرِهِ) فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَقَدْ غَرَا (أَيَ لَهُ مِثْلُهُ فِي الْأَجْرِ)، وَمَنْ خَلَّفَ غَارِيًّا فِي أَهْلِهِ بَحْرٍ (أَيَ قَضَى حَاجَةَ أَهْلِهِ فِي غَيْبَتِهِ) فَقَدْ غَرَا»

«Ким Аллоҳ йўлида ғазотга чиқмоқчи бўлаётган кишини тайёрласа (яъни унга сафар харажатларини тайёрлаб берса), у ҳам ғазот қилган бўлади (яъни унга ҳам ғазот қилганнинг ажри бўлади). Ким Аллоҳ йўлида ғазотга чиққан кишининг оиласини йўқлаб турса (яъни, йўқлигида оиласининг эҳтиёжини таъминлаб турса), у ҳам ғазот қилган бўлади». Муттафақун алайҳ.

Ибн Умар رضي الله عنه ривоят қилган ҳадисда Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم айтадилар:

«مَنْ طَلَبَ الْعِلْمَ لِيُبَاهِيَ بِهِ الْعُلَمَاءَ، أَوْ لِيُمَارِيَ بِهِ السُّفَهَاءَ، أَوْ يَصْرِفَ بِهِ وُجُوهُ النَّاسِ إِلَيْهِ، أَدْخَلَهُ اللَّهُ النَّارَ»

«Кимки илмни уламолар олдида мақтаниш, аҳмоқлар билан тортишиш ва одамларнинг эътиборини тортиш учун ўрганса, Аллоҳ уни дўзахга киритади». Ибн Можжа ривояти. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинган бошқа ҳадисда эса шундай келади:

«مَنْ طَلَبَ عِلْمًا مِمَّا يُبْتَغَى بِهِ وَجْهُ اللَّهِ، لَا يَطْلُبُهُ إِلَّا لِيُصِيبَ بِهِ عَرَضًا مِنَ الدُّنْيَا، لَمْ يَرْحَ رَائِحَةَ الْجَنَّةِ، وَإِنَّ رِيحَهَا لَيُوجَدُ مِنْ مَسِيرَةِ خَمْسِمِائَةِ عَامٍ»

«Ким бирор илмни Аллоҳнинг розилиги учун эмас, балки дунёвий неъмат учун ўрганса, жаннат ҳидини ҳам ҳидламайди. Жаннатнинг ҳиди эса беш юз йиллик масофадан келади». Аҳмад ва Довуд ривояти.

Абу Ҳурайра Росулulloҳ صلى الله عليه وسلم дан ривоят қилган ҳадисда айтади:

«إِنَّ اللَّهَ لَا يَنْظُرُ إِلَى أَجْسَامِكُمْ وَلَا إِلَى صُورِكُمْ، وَلَكِنْ يَنْظُرُ إِلَى قُلُوبِكُمْ»

«Аллоҳ Таоло сизларнинг жисмингизга ҳам, суратингизга ҳам қарамайди, аксинча, қалбингизга қарайди». Муслим ривояти. □

РОСУЛУЛЛОҲ ﷺ ВА АБУ БАКР СИДДИҚ БИЛАН БИРГА БЎЛГАН КИШИЛАРНИНГ УЧИНЧИСИ СУҲАЙБ РУМИЙ

Суҳайб (Абу Яҳё) Синон ибн Моликнинг ўғлидир. Унинг жоҳилиятдаги ҳаёти ҳақида айтадиган бўлсак, бадавлат оилада туғилди. Унинг отаси Абилланинг ҳоқими ва Кисронинг ўша ердаги волийси эди. Синон Исломдан кўп йиллар олдин Ироққа кўчиб кетган араблардан бўлиб, Фурот дарёси қирғоғида саройи бор эди. Суҳайб фаровонлик ва тўкин-сочинликда улғайди. Лекин бир куни унинг юрти румликлар ҳужумига учради. Босқинчилар кўплаган сондаги одамларни асирга олиб ўзлари билан олиб кетишди, улар орасида Суҳайб ҳам бор эди. Унинг ёшлиги румлик болалар орасида ўтди. Уларнинг тили ва шевасини ўрганди, шунинг учун Румий деб аталди. Қулфурушлар уни маккалик Абдуллоҳ ибн Жудъонга сотиб юборишди. Суҳайб ўзининг заковати, ғайрати ва холислиги билан янги хўжайинини ҳайратга солди. Натижада хўжайини уни қулликдан озод қилди. У Суҳайб билан савдо қилиб, катта бойлик тўплади.

Суҳайб ибн Синон Пайғамбаримизга ваҳий келишидан олдин у зот билан дўст эди. У зотга ваҳий келиб Пайғамбар бўлгач, Суҳайбни Исломга даъват қилди ва Суҳайб биринчилардан бўлиб Исломга кирди. Суҳайб Арқамнинг ҳовлисида Аммор ибн Ёсир билан бир вақтда Исломга кирган эди. Бу ҳақда Аммор ибн Ёсир шундай ҳикоя қилди: Мен Суҳайб билан Арқамнинг эшиги олдида учрашдим, Росулulloҳ ﷺ ҳам ўша ерда экан. Мен Суҳайбга нимага келдинг десам, у сен ўзинг нима учун келдинг деди. Шунда мен: Муҳаммаднинг олдига кириб нима деяётганини эшитиш учун деган эдим, у: Мен ҳам шунинг учун келдим деди. Сўнгра иккимиз Росулulloҳ ﷺ ҳузурига кирдик, у киши бизни Исломга даъват қилдилар. Биз Исломни қабул қилдик ва кечгача туриб, тунда яширинча чиқиб кетдик. Улар ўттиздан зиёд одам Исломга кирган пайтда мусулмон бўлишган эди. Ибн Саъд ва Табароний Умму Ҳониъ ва Абу Умоадан ривоят қилишларича, Росулulloҳ ﷺ шундай деган эдилар:

«السَّبَاقُ أَرْبَعَةٌ: أَنَا سَابِقُ الْعَرَبِ، وَصُهَيْبُ سَابِقُ الرُّومِ، وَبِلَالٌ سَابِقُ الْحَبَشَةِ، وَسَلْمَانُ سَابِقُ الْفُرْسِ»

«Пешқадамлар тўрттадир: Мен арабларнинг, Суҳайб румликларнинг, Билол Ҳабашларнинг, Салмон эса, Форсларнинг пешқадамидир».

Суҳайб қул бўлгани учун Қурайш уни пастга уриб, Билол, Аммор, унинг онаси Сумайя ва Ҳаббоб ибн Аратлар каби азоблади. Қурайш уни ушлаб, темир либос кийдириб, қуёш жазирамасига қўйишди. Сўнг хушидан кетиб нима деяётганини билмай қолгунича Ислом

дини ни тарк этасан, деб азоблашди. Сухайб ва азобланган заифхол мусулмонлар ҳақида ушбу оят нозил бўлди:

﴿ثُمَّ إِنَّ رَبَّكَ لِلَّذِينَ هَاجَرُوا مِنْ بَعْدِ مَا فُتِنُوا ثُمَّ جَاهَدُوا وَصَبَرُوا إِنَّ رَبَّكَ مِنْ بَعْدِهَا لَغَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

«Сўнгра (эй Муҳаммад, билингки) албатта Парвардигорингиз, фитналарга дучор этилганларидан кейин (Маккаи мукараммадан Мадинаи мунавварага) ҳижрат қилган, сўнг (Аллоҳ йўлида) жиҳод этиб, (бу жиҳод машаққатларига сабр-тоқат қилган зотлар учун) мадакор, ёрдамчидир. Албатта, Парвардигорингиз у (меҳнат-машаққатларни кўтарганларидан) кейин (улар учун) мағфират қилгувчи, меҳрибондир» [Наҳл 110]

Абдуллоҳ ибн Масъуд айтади: Бир гуруҳ Қурайшликлар Росулulloҳ ﷺ, Ҳаббоб ибн Арат, Сухайб, Билол ибн Рабоҳ ва Аммор ибн Ёсирлар ўтирган жойдан ўтиб кетаётиб, (уларни пастга уриб) «Шулардан розимисан?! дейишганда, ушбу оят нозил бўлди:

﴿وَأَنْذِرْ بِهِ الَّذِينَ يَخَافُونَ أَنْ يُحْشَرُوا إِلَىٰ رَبِّهِمْ لَيْسَ لَهُمْ مِنْ دُونِهِ وَاكٌ وَلَا شَفِيعٌ عَلَيْهِمْ يَتَّقُونَ﴾

﴿وَلَا تَطْرُدِ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ بِالْغَدَاةِ وَالْعَشِيِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُ ۗ مَا عَلَيْكَ مِنْ حِسَابِهِمْ مِّنْ شَيْءٍ وَمَا مِنْ حِسَابِكَ عَلَيْهِمْ مِّنْ شَيْءٍ ۖ فَتَطْرُدَهُمْ فَتَكُونَ مِنَ الظَّالِمِينَ﴾

﴿وَكَذَٰلِكَ فَتَنَّا بَعْضَهُمْ بِبَعْضٍ لِّيَقُولُوا أَهَٰؤَٰلَاءَ مَنَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِّنْ بَيْنِنَا أَلَيْسَ اللَّهُ بِأَعْلَمَ بِالشَّاكِرِينَ﴾

﴿وَإِذَا جَاءَكَ الَّذِينَ يُؤْمِنُونَ بِآيَاتِنَا فَقُلْ سَلَّمْتُ عَلَيْكُمْ كَمَا كَتَبْتُ رَبُّكُمْ عَلَىٰ نَفْسِهِ الرَّحْمَةَ ۗ أَنَّهُ مَن عَمِلَ

مِنْكُمْ سَوْءًا بِجَهْلَةٍ ثُمَّ تَابَ مِنْ بَعْدِهِ وَأَصْلَحَ فَأَنَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ﴾

﴿وَكَذَٰلِكَ نَقُصُّ الْآيَاتِ وَلِتَسْتَتِينَ سَبِيلَ الْمُجْرِمِينَ﴾

﴿قُلْ إِنِّي نُهَيْتُ أَنْ أَعْبُدَ الَّذِينَ تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ قُلْ لَا آتِيْعُ

أَهْوَاءَكُمْ قَدْ ضَلَلْتُمْ إِذَا وَمَا أَنَا مِنَ الْمُهْتَدِينَ﴾

﴿قُلْ إِنِّي عَلَىٰ بَيِّنَةٍ مِّنْ رَبِّي وَكَذَّبْتُمْ بِهِ ۗ مَا

عِنْدِي مَا تَسْتَعْجِلُونَ بِهِ ۗ إِنِ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ يَقُصُّ الْحَقَّ وَهُوَ خَيْرُ الْفَاصِلِينَ﴾

﴿قُلْ لَوْ أَنَّ عِنْدِي مَا تَسْتَعْجِلُونَ بِهِ ۗ لَفُضِيَ الْأَمْرُ بَيْنِي وَبَيْنَكُمْ ۗ وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِالظَّالِمِينَ﴾

«(Эй Муҳаммад), бу (Қуръон) билан ўзлари учун Аллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир оқловчи бўлмаган ҳолда Парвардигорлари даргоҳида тўпланишдан қўрқадиган зотларни қўрқитинг! Шояд улар (гуноҳ ишлардан) парҳез қилсалар. Эртаю кеч Парвардигорларининг юзини истаб, Унга илтижо қиладиган зотларни (ҳузурингиздан) ҳайдаманг! Сизнинг зиммангизда уларнинг ҳисоб-китобларидан ҳеч нарса йўқдир ва сизнинг ҳисоб-китобингиздан уларнинг зиммаларида ҳеч нарса йўқдир. Бас, уларни ҳайдаб

золимлардан бўлиб қолманг! «Бизларнинг орамиздан ана ўшаларга Аллоҳ инъом қилган эмишми?» — дейишлари учун уларнинг баъзиларини баъзилари билан ана шундай имтиҳон қилдик. Ахир шукр қилгувчиларни Аллоҳ яхшироқ билгувчи эмас-ми?! Қачон сизнинг олдингизга Бизнинг оятларимизга имон келтирадиган зотлар келсалар: «Сизларга тинчлик бўлсин, Парвардигорингиз Ўз зиммасига раҳмат қилишни ёзгандир. Сизлардан ким билмасдан бирон ёмонлик (гуноҳ) қилса, сўнгра ўша ёмонлигининг кетидан тавба қилиб, (ўзини) тузатса, бас, (гуноҳи кечирилади), албатта (Аллоҳ) мағфиратли, меҳрибондир», деб айтинг. (Ҳақиқий мўминлар кимлар экани маълум бўлиши) ва жиноятчи кимсаларнинг йўли ошкор бўлиши учун оятларимизни мана шундай муфассал қилурмиз. Айтинг: «Мен Аллоҳдан ўзга — сизлар илтижо қилаётган бутларга бандалик қилишдан қайтарилганман». Айтинг: «Сизларнинг ҳавоий-нафсларингизга эргашмайман. Зеро у ҳолда йўлдан озурман ва ҳидоят топгувчилардан бўлмай қолурман». Айтинг: «Мен Парвардигорим тарафидан (Унинг ёлғиз маъбуд эканлиги хусусида) аниқ ҳужжатга эгаман. Сизлар эса уни ёлғон дедингиз. Сизлар шоштираётган нарса (яъни Аллоҳнинг азоби) менинг илгимда эмас. Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир. У фақат ҳақни сўйлар. У (ҳақ билан ноҳақни) ажратгувчиларнинг энг яхшисидир. Айтинг: «Агар сизлар шоштираётган нарса менинг илгимда бўлганида эди, албатта сизлар билан ўртамиздаги иш тугаган бўлур эди (яъни мен сизларни дарҳол азоблаган бўлур эдим). Аллоҳ золимларни жуда яхши билгувчидир»» [Анъом 51-58]

Росулulloҳ ﷺ Суҳайбни яхши тарбиялагани учун у зот ҳижрат қилиш ҳақида ташвиш қилиши билан Суҳайб буни билди. Суҳайб Росулulloҳ ﷺ ва Абу Бакрлар билан бирга ҳижрат қилиши фараз қилинган эди. Лекин кофирлар унга тўсқинлик қилганлари туфайли, Росулulloҳ ﷺ ва Абу Бакрлар йўлга чиқиб кетишди. Суҳайб улардан қочиб, саҳрода кетаётган пайти, бир гуруҳ Қурайшликлар унга етиб олишди. Суҳайб уларга: «Эй Қурайш жамоаси ичингизда камон отиш бўйича менга етадигани йўқ. Аллоҳга қасамки ўқдонимдаги ўқларни отиб бўлмасдан менга яқинлаша олмайсиз, агар яқинлашсангиз кўлимда ҳеч нарса қолмагунича қиличим билан уришаман, хоҳласангиз келаверинг. Истасангиз молимни яширган жойни айтиб бераман ва мени тинч қўясизлар», деди. Шунда мушриклар бойликни танлаб уни тарк этишди ва айтишдики: Сен орамизга қашшоқ бўлиб келдинг, сўнг бойидинг ва шунча ишни қилиб, мол билан қочяпсанми? Шунда

Суҳайб бойлиги турган жойни айтиб, Мадинага кетди. Суҳайб Росулulloҳ ﷺга Қубода етиб олди. Росулulloҳ ﷺ эса уни кўрмасдан олдин: **«Абу Яҳёнинг савдоси фойдали бўлди»**, деб икки марта айтдилар. Шунда Суҳайб: Эй Аллоҳнинг Росули мендан олдин сизга ҳеч ким келмади, шунинг учун бу ҳақда фақат Жаброил алайҳиссалом хабар бериши мумкин, деди. Бу ҳақда куйидаги оят нозил бўлди:

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْرِي نَفْسَهُ أُتْبَعَاءَ مَرَضَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ﴾

«Одамлар орасида Аллоҳ ризолиги йўлида ўз жонини берадиган зотлар ҳам бор. Аллоҳ бандаларига ғамхўр, меҳрибондир» [Бақара 207]

Суҳайб Румий шахсиятининг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг Исломига ва Росулulloҳ ﷺга садоқати эди. Суҳайб Румий айтади: «Росулulloҳ ﷺ қатнашган ҳар бир ҳодиса, сария ва ғазотда у киши билан бирга, у кишининг ўнг ва чапида бўлдим. Муслмонлар олдиларидан кўрқса олдида, ортларидан кўрқса ортида юрдим. У киши Роббиларига йўлиққунларича ўртамизга бирор душманни қўймадим». Суҳайб тақводорлигидан ташқари хушчақчақ ва ҳазилкаш эди. Бир куни Росулulloҳ ﷺ уни бир кўзи касалланган ҳолда хурмо еяётганини кўриб, кулган ҳолда: «Кўзинг оғриб турган ҳолда хурмо еяпсанми», деган эдилар. У ҳечқиси йўк, мен уни соғ кўзим билан еяпман, деб жавоб берган эди.

Суҳайб эҳсонкор ва саҳий бўлганлигидан, байтул молдан у учун ажратилган ҳадяларни Аллоҳ йўлида эҳсон қилиб юборар эди. Шунингдек, у муҳтожларга ёрдам берадиган, қийналганга кўмаклашадиган ҳамда мискин, етим ва асирларни таомлантирадиган киши эди. Умар ибн Хаттоб унинг ўта саҳоватпешалигини кўриб, сен жуда ҳам кўпчилик кишиларни таомлантиряпсан ва ҳатто исроф қилиш даражасига боряпсан, дея огоҳлантирган эди. Шунда Суҳайб айтдики: Мен Росулulloҳ ﷺни:

﴿خَيْرًاكُمْ مَنْ أَطْعَمَ الطَّعَامَ وَرَدَّ السَّلَامَ﴾

«Сизларнинг энг яхшингиз кўп таомлантирадиган ва саломлашадиганингиздир», деганларини эшитганман. Мени кўпчиликни таомлантиришга ундаган нарса шудир.

Саҳобаларнинг унга нисбатан тутган позицияси ҳақида айтадиган бўлсак, Умар ибн Хаттобнинг позицияси алоҳида эътиборга лойиқдир. Имом Бағавий Зайд ибн Асламдан, у эса, Умардан шундай ривоят қилади: Эй Суҳайб мен сенда учта хислатдан бошқа айбни кўрмаяпман: Ўзинг араб бўла туриб, тилинг ажамий, лақабинг эса Пайғамбарники ва молингни эса исроф қиласан, деди. Шунда Суҳайб айтдики: Молимни фақат ҳақ йўлда

сарфлайман ва эҳсон қиламан, лақабни Росулulloҳ ﷺ берганлар. Насабим араб, лекин мени румликлар ёшлигимда қул қилиб олган ва мен уларнинг тилларида сўзлашаман.

Бир куни Умар رضي الله عنه мусулмонлар билан бомдод намозини ўқиётган пайтида унинг жонига суиқасд қилишди. Шунда у ажал яқинлашганини билиб, саҳобаларга охириги васиятлари ва сўзларини айтди ва: намозга Суҳайб имом бўлсин деди. Умар رضي الله عنه Суҳайбни мусулмонларга имомликка танлаши унинг ҳаётини буюклик билан тўлдирган танлов бўлди. Ўшанда Умар олтита саҳобани танлаб, ичидан биттаси халифа бўлишини буюрди. Улар Умар томонидан ривоят қилинишича, Росулulloҳ ﷺ рози бўлиб вафот этган саҳобалар гуруҳи эди. Улар ҳақида: Улар жаннат аҳлларида деб айтган эдилар. Уларга уч кун муҳлат белгилади ва уларга узоқ гапирганидан кейин шундай деди: «Агар мен вафот этсам, уч кун маслаҳат қилинг, одамларга Суҳайб имом бўлсин. Тўртинчи кун келмасидан олдин устингизда амирингиз бўлсин». Сўнгра Миқдодга йиғиладиган жой танлашни, Абу Талҳа Ансорийга жамоага соқчилар тайинлашни, Суҳайбга эса йиғилганларни назорат қилишни буюрди. Кейин Суҳайбга қараб, «Уч кун одамларга имом бўласан, Али, Усмон, Зубайр, Саъд, Абдурроҳман ибн Авф ва Талҳани киргизасан. Абдуллоҳ ибн Умар келса, бу иш (яъни Халифалик)дан унга ҳеч нарса йўқ. Уларнинг устидан назорат қил, агар беш киши биттасига рози бўлсалар ва бир киши қарши чиқса, қилич билан бошини ол. Агар тўрт киши биттасига рози бўлиб, иккитаси қарши чиқса, ўша иккисини ўлдир. Агар улардан учтаси биттасига, қолган учтаси бошқа биттасига рози бўлсалар Абдуллоҳ ибн Умар ҳукм чиқарсин. Абдуллоҳ ибн Умар қайси гуруҳга ҳукм қилса, ўша гуруҳ орасидан сайлансин. Агар Абдуллоҳ ибн Умарнинг ҳукмига рози бўлишмаса, Абдурраҳмон ибн Авф бўлган гуруҳ билан бирга бўлинглар. Одамлар келишган нарсадан бош тортганларни ўлдиришлар», деди. Сўнгра вафот этмагунича Халифалик борасида баҳс қилмасликларини улардан талаб қилди. Албатта Умар пок руҳи ўз яратувчиси ҳузурига кетаётган лаҳзаларда бу борада минг бор ўйлади. Ҳа, Умар Суҳайбни имомликка танлади... Янги халифа ўз вазифасига киришгунича мусулмонларга намозда имом бўлишини танлади. Суҳайб аямлар тилида сўзлашишини билса-да уни имом бўлишини хоҳлади. Шунинг учун бу танлов Аллоҳнинг солиҳ бандаси Суҳайб Румий учун Аллоҳ томонидан бўлган катта неъмат бўлган эди.

Суҳайб ҳижратнинг ўттиз саккизинчи йили, шаввол ойи, етмиш ёшида, Мадина шаҳрида вафот этди. Унга Саъд ибн Абу Ваққос жаноза ўқиганидан кейин Бақеъ қабристонига дафн қилинди. □

РУАНДА: МАКРОН ГЕНОЦИД УЧУН ФРАНЦИЯНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИНИ ТАН ОЛДИ

– Франциянинг 1994 йилда юз берган Тутси геноцидида ўйнаган роли ортидан икки мамлакат ўртасида 25 йилдан ортиқ давом этган тортишувлардан кейин президент Эммануэл Макрон ярашувни мустаҳкамлаш учун Руандага ташриф буюрди. Ушбу геноцидда 100 кун ичида 800 минг этник тутси қурбон бўлган эди. Руанданинг расмий манбалари томонидан 2021 йил 5 майда билдирган маълумотларга кўра қурбонлар сони миллиондан ортиқдир. Макрон оммавий қирғин қурбонлари ёдгорлиги олдида сўзлаган нутқида ушбу қирғин учун жавобгарликни тан олиш учун келганини айтди. «Франция тил бириктирмаган эди» бироқ «ҳақиқатга тик қарашдан жим туришни афзал кўрди», деди. Руанда президенти Пол Кагаме қўшма матбуот конференциясида «Макрон улкан жасорат кўрсатди. Унинг сўзи кечирим сўрашдан муҳимроқ ва бу ҳақиқат эди», деди. Франция Руанда ҳукуматининг геноцид билан боғлиқ жиноий ишларни бекор қилганини олқишлади.

– Макроннинг ушбу ташрифи Франциянинг бетараф бўлмаган (унинг ортида Макрон турган) тергов қўмитаси март ойида ҳисобот чиқарганидан кейин бўлди. Тергов қўмитаси бу ҳисоботда Франциянинг жирканч жиноий ролини яширишга уринди. Ҳисоботда, мустамлакачилик позицияси Франция расмийларининг кўзини кўр қилиб қўйган, қирғиннинг олди олинмаганлиги учун катта жавобгарлик ҳукумат зиммасига тушади, дейилади ва бу ҳисоботда Франция оқланади.

– Руанда ҳукумати таклифи билан апрел ойида АҚШ юридик фирмаси томонидан тайёрланган ҳисобот чиқарилди. Унда айтилишича, этник тутсиларга нисбатан содир этилган геноцид учун «катта жавобгарлик» Франция зиммасига тушади. Ҳисоботда таъкидланишича, Франция геноцид учун тайёргарлик бўлганини билган, бироқ, геноцид ният қилингани аниқ бўлиб қолганидан кейин ҳам «узлуксиз қўллаб-қувватлашни» давом эттирган. Шунингдек, ҳисоботда Франция геноцид ҳақида билмаган, деган фикр рад этилади ва унинг асосий ёрдамчи бўлгани таъкидланади.

– Ушбу геноциднинг содир бўлиши сабабларига келсак, айтилишича, руандаликларнинг қарийб 85 фоизи этник ҳутуларга мансуб. Бироқ, тутси озчилиги узоқ вақт мамлакатга ҳукмронлик қилди. 1959 йилда ҳутулар ҳокимиятни афдаришди ва тутсиларнинг кўпчилиги қўшни давлатларга қочди. Сургундаги тутсилар (Руанда миллий fronti) дея номланган исёнчи гуруҳни тузишди. Бу гуруҳ 1990 йилда Руандага бостириб кирди ва 1993 йилда тинчлик келишуви тузилганига қадар уруш давом этди. 1994 йил 6 апрелда самолёт уриб туширилди, унда Руанданинг ўша пайтдаги

президенти ва унинг бурундиялик ҳамкасби ўлдирилди. Ҳуту жангарилари бунда исёнчи миллий фронтни айблади ва зудлик билан тутси гуруҳига нисбатан уюшган ҳолда қирғин амалиётларини бошлаб юборди. Қирғин амалиётлари санокли соатлар ичида бутун мамлакат бўйлаб ёйилди. Тутси миллий фронтни самолётнинг уриб туширилишида ҳутуларни айблади. Уларга кўра, ҳутулар қирғин амалиётини амалга оширишда бундан баҳона ўрнида фойдаланишган.

– Юз берган воқеаларга нисбатан Бирлашган Миллат Ташкилотининг позициясига келсак, БМТ Фарб давлатлари фуқароларини эвакуация қилди, ўзига қарашли тинчликпарвар кучлар сонини 2500 тадан 250 тагача камайтирди, геноцид атамаси ишлатилишини тақиқлади ва унинг ўрнига (халқаро қонунни бузувчилар) атамасини ишлатди. Шунингдек, Руандага қурол жўнатишни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Қирғин пайтида БМТ кучларининг олиб чиқиб кетилишига қарор қилиниши қирғиннинг хавфли кўламга кўтарилишига олиб келди.

– Айтилишича, мамлакатда кўпчиликнинг Исломга киришида мусулмонлар томонидан тутсилар бошпана билан таъминланиб, ҳимоя қилишининг таъсири кучли бўлган. (Аҳолиси 11,2 миллионга етган Руандадаги бир фоизга ҳам етмаган мусулмонлар сони ўн фоизга кўтарилган). Бунинг сабаби шуки, мусулмон ҳутулар тутсиларни ўлдириш учун ов қилган ҳуту кўнгилилари билан ҳамкорлик қилишни рад этишган. Қолаверса, ҳар тарафда қирғин амалиёти давом этаётган бир пайтда тутсиларга бошпана бериб ҳимоя қилишган. Мусулмон ҳутулар ўша пайтда ирққа боғлиқликдан кўра кўпроқ динга боғлиқликни ҳис қилганларини айтишади. Улар, мусулмон сифатида, 1994 йилдаги қирғин пайтида Исломнинг намоён бўлгани билан фахрланадилар.

– Бошқа томондан, католик черковининг ушбу қирғинда ўйнаган роли кескин норозиликларни келтириб чиқарди. Кўплаб руҳоний ва роҳибалар черковга яширинганларни ўлдиришда айбланишди. «Франция давлати ва Руандада тутсиларга қарши содир этилган геноцид» китоби муаллифларидан бири Гранер «католик черкови геноцидни содир этишдан жавобгар бўлганларни ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнади» дейди. Шу сабабли, Ватикан узр сўраб баёнот чиқарди. Баёнотда «Черков ҳамда унга мансуб бўлган руҳонийлар, диний арбоб ва роҳибаларнинг хатоларини кечиршини сўраб парвардигорга дуо қилди. Улар нафрат ва зўравонликка берилиб, Евангелия миссиясига хиёнат қилишди», деб келади.

– Франциянинг геноцидга боғлиқ ишлари ҳақида айтадиган бўлсак, «Франция давлати ва Руандада тутсиларга қарши содир этилган геноцид» китобида келишича, Франция Руандадаги геноциддан жавобгар бўлган чет эллик расмийларни қабул қилиб, уларнинг айримларига фуқаролик ва сиёсий бошпана берди. Франция давлати геноцидни содир этганларга ҳарбий ва сиёсий кўмакнинг барча турларини кўрсатди. Жумладан, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва дипломатларни жўнатиш номи остида қурол-яроғ ҳамда ёлланма жангариларни жўнатди. Китобда билдирилишича, Франция бу жиноятчиларнинг ғояларига ҳомийлик қилмоқда ва иш Руандага бориб тақалганида суд жараёнлари ҳам сушлашмоқда. Бундан ташқари, ушбу жиноятни содир этишда айбланаётганларни жавобгарликка тортиш учун Франция сиёсий иродага эга эмас. Китобда таъкидланишича, ўлиб кетган президент Франсуа Миттеран Франциянинг Африкада инсониятга қарши содир этилган жиноятлардаги ролини яширишдан жавобгардир. Париж геноцидни содир этган режимни тўлиқ қўллаб-қувватлади ва бунинг оқибатларига парво қилмади.

Ал-Ваъй: Капиталистик мабданинг мустамлакачи, жиноятчи, халқларни қашшоқлаштирувчи ва юртларни босиб олиб талон-торож қилувчи мабда эканлигининг энг тўғри ифодаси Ғарб ҳукмдорларидир. Франциянинг кечирим сўрашига диққат билан қараган киши, унинг макр билан ўралганини билади. Агар бир инсон бошқа бир инсонни ўлдирса қотилнинг кечирим сўраб қўйиши етарли бўладими? Агар у Руандада миллион кишини, Жазоирда бир ярим миллион кишини ўлдирган ҳамда биринчи ва иккинчи жаҳон урушида ўн миллионлаб одамларни ўлдирган бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилган бўлса қандай бўлади?... Дунё бугун шундай бир қонун асосида яшайптики, уни ўрмон қонуни билан ҳам қиёслаб бўлмайди. Дунё йўқ қилиниши керак бўлган ҳазорат асосида яшайпти. Бошқалардан кўра кўпроқ ушбу ҳазорат эгаларининг ўзлари ушбу ҳазоратдан, энг муҳими, парда ортидан ушбу ўйинни бошқараётган капиталистлардан халос бўлишлари керак. □

ТУРКИЯ (ИСРОИЛ) БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИ НОРМАЛЛАШТИРИШ УЧУН БОР КУЧЕНИ САРФЛАМОҚДА... АММО ЭРДОГАН НЕГА УНГА ҲУЖУМ ҚИЛМОҚДА?

Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдоган ўзини мусулмонлар раҳбари сифатида кўрсатиш ҳамда ички сиёсий мақсадларни рўёбга чиқариш учун (Исроил)нинг Қуддус ва Шайх Жарроҳда вазиятни кескинлаштирганидан фойдаланди. У (Исроил)га қарши деярли ҳар куни танқид йўллаб, уни «террорчи» ва «ахлоқсиз» давлат деб атади. Бироқ, Эрдоганнинг (Исроил) билан олиб борган сиёсатининг яна бир жиҳати шундаки, у иброний давлат билан муносабатларни нормаллаштириш учун парда ортидан катта куч сарфламоқда. У товар айирбошлаш ва разведка соҳасидаги ҳамкорликни ҳам кучайтирмоқда. Истанбулдаги иқтисодиётни ва ташқи сиёсатни ўрганиш маркази раҳбари Синан Улген «Шарқий Қуддусда вазиятнинг кескинлашуви Туркия учун ёмон пайтда бошланди», деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, Эрдоганнинг (Исроил)га қарши баёнотларини ҳисобга олганда, ҳозирги пайтда Туркия ва (Исроил)нинг яқинлашув жараёнида олдинга силжиш қийин кечмоқда. Ташқи сиёсатга ихтисослашган туркиялик сиёсий таҳлилчи Айдин Сезернинг айтишича, Эрдоган ва унинг партияси (давом этаётган кескинлик туфайли) асосан ички сиёсий сабабларга кўра шундай иш тутиши керак эди. Унинг таъкидлашича, Туркиядаги Адолат ва Тараққиёт партияси нормаларига кўра, (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириш йўналиши қониқарли эмас. Туркия президенти ўз тарафдорларини бирлаштириш учун диний ва миллий хитобни кўп ишга солмоқда. Бундай ҳолат – ижтимоий сўровлар Эрдоган ва унинг партиясининг шуҳрати пастлаб кетганини кўрсатган бир пайтга тўғри келмоқда. Чунки у ҳукумат дуч келган муаммоларни ҳал этишда муваффақиятсизликка учради. Масалан, у коронавирус пандемиясини, шунингдек, узоқ вақтдан бери мамлакатга зарба бериб келаётган иқтисодий кризисни енга олмади. Бу ерда бунга алоқадор бошқа масала ҳам бор. Бу масала шуки, Анқара Ислом дунёсига етакчилик қилишга ҳаракат қилмоқда. Туркия ташқи ишлар вазири Мавлуд Човушўғли 56та исломий давлатни ўз ичига олган Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирилари йиғилишида чиқиш қилиб «Ислом Уммати биздан етакчилик ролини ўйнашимизни кутмоқда», деб таъкидлади.

Ал-Ваъй: Туркиянинг мусулмонлар масаласига нисбатан тутган позицияси дин ниқобига ўралган ташвиқотга, манфаатга, миллатчилик ва ватанпарварликка асосланган позициядир. Фаластин масаласига нисбатан, у (Исроил) босқинчилигида ҳамда унга қарши халқаро резолюцияларда ҳеч қандай ёмонликни кўрмайди, аксинча, яҳудийларнинг фаластинликларга нисбатан инсонийлик муомаласи ёмон, деб билади. Эрдоган ўз баёнотларининг бирида «(Исроил)нинг Фаластинга нисбатан қўллаётган сиёсатини қабул қилишимиз мумкин эмас, уларнинг шафқатсиз хатти-ҳаракатлари номақбулдир», деди. У «Агар юқори даражадаги масалалар бўлмаганида муносабатларимиз бутунлай бошқача бўлар эди... Биз муносабатларимизни яхшироқ нуқтага олиб чиқмоқчимиз», деб қўшимча қилди. Эрдоганнинг сиёсати чалкаш (шубҳали) бўлиб, динни тўғри тушунишдан йироқ ва Ғарбнинг Ислом ҳақидаги қарашига яқиндир. У бошқарувда, ўзи айтганидек, илмонийдир. Чунки у динда сиёсат йўқ, деб ишонади ва Исломни фақат шахсларгагина тегишли индивидуал дин, деб билади... Унга кўра, Фаластин масаласи манфаатлар асосида ҳал қилинади ва у аҳолиси мусулмон бўлган Фаластинга инсонийлик нуқтаи-назаридан келиб чиқиб қарайди. Шунинг учун, биз унда Фаластин масаласига нисбатан султон Абдулҳамид иккинчининг позициясидек исломий позицияни кўрмаймиз... Унинг (Исроил) билан ўрнатган икки томонлама муносабатлари бунга далилдир. Бундан ташқари, яҳудий раҳбарларнинг ўзлари ҳам, Эрдоганни ҳеч қандай диний тенденцияда (динга мойилликда) айблашмайди. □